

БОБУР ХАЛҚАРО ФОНДИ

РУМЕР ГОДЕН

Гулбадан

*Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг қизи
малика Гулбадан бегим шахсига чизгилар*



«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАХРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2007

Масъул муҳаррир — Хайриддин Суллонов

Муҳаррир — Ғофуржон Сотимов

Инглизчадан Холида Сўфиева таржимаси

Годен, Румер

Гулбадан. Захириддин Муҳаммад Бобурнинг кизи малика Гулбадан бегим шахсига чизгилар. — Т.: «Шарк», 2007. — 176 б.


Инглиз адибаси Маргарет Румер Годеннинг ушбу асарида буюк шох ва шоир Захириддин Муҳаммад Бобурнинг суюкли кизи, тарихий «Хумоюннома» асарининг муаллифи Гулбадан бегимнинг ҳаёти ва фаолияти кизикарли илмий-оммабоп усулда баён қилинган. Узок йиллар Хиндистонда яшаб, бир қатор асарлар ёзган Румер Годен ноёб истеъдод ва ақл-заковат соҳибаси Гулбадан бегим ҳақида машаққатли изланишлар олиб борди. Бегимнинг шахсиятини ўша даврнинг мураккаб ва долғали тарихий воқеалари, шахзодалар ўртасидаги тожу тахт курашлари билан узвий боғлиқ ҳолда аниқ талкин ва юсак маҳорат билан акс эттирган.

Асар бобурийлар давлатчилиги билан яқиндан қизиқувчиларга ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ББК.84.4Инг

ISBN 978-9943-00-089-6

© «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти, 2007.




Ноёб тарихий асар

Таниқли инглиз адибаси Маргарет Румер Годеннинг номи (1907—1998) шоира, журналист ва тарихий асарлар муаллифи сифатида Буюк Британия ва Хиндистон адабий жамоатчилиги орасида яхши маълум. Унинг турли мавзудаги олтмишдан ортиқ китоблари нашр этилган.

Маргаретнинг отаси Артур Лейх Годен йигирманчи аср бошида Калькуттада жойлашган кемачилик компаниясининг вакили бўлиб ишлаган. Бўлғуси адибанинг болалик чоғлари, аниқроғи, ўн икки йиллик ёшлик даври Хиндистонда кечади. Маргарет бу қадимий, сирли ва мафтункор ўлкага чин дилдан меҳр қўяди. 1920 йили Годенлар оиласи Англияга қайтиб кетган бўлса-да, Маргарет Хиндистонга тез-тез келиб туради. У 1929 йили Калькуттада байналмилал рақс мактабини ташкил этиб, ўз фаолиятини бошлайди ва шу даврдан эътиборан дастлабки асарларини яратишга киришади.

Маргарет ушбу санъат даргохида йигирма йилдан зиёд ишлайди. 1949 йили Англияга қайтиб, бор билими, истеъдоди ва куч-ғайратини бадиий ижодга бағишлайди.

М.Р.Годен каламига мансуб «Хитой жумбоғи», «Хоним ва ҳукмдор», «Қора наргис», «Дарё», «Хинд қуёши остидаги икки киши», «Шиванинг кабутари», «Қора тулпор» каби бир қатор асарлари катта шуҳрат қозонган, уларнинг аксарияти асосида бадиий фильмлар суратга олинган.




«Гулбадан» асари 1980 йили яратилган бўлиб, буюк шох ва шоир Захириддин Муҳаммад Бобурнинг оқида кизи, теурий малика, муаррих Гулбадан бегимнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги маълумотларни муаллиф кизиқарли илмий-публицистик йўсинда ҳикоя қилади.

Муаллиф Ҳиндистонда уч ярим асрдан зиёд вақт ҳукм сурган бобурийлар салтанатининг ёрқин намо-яндаларидан бири бўлган, ноёб истеъдод ва ақл-зако-ват соҳибаси Гулбадан бегим шахсиятини ўша давр-нинг мураккаб ва долғали тарихий воқеалари, тожу тахт курашлари, инсон руҳининг поёнсиз ғалаёнлари билан узвий боғлиқ ҳолда, ўзига хос талқин ва маҳорат билан акс эттиради.


Мазкур ноёб асар Бобур халқаро фондининг ра-иси, маърифатпарвар олим Зокиржон Машрабов бош-лиқ илмий экспедиция сафарлари давомида хорижий мамлакатларнинг бирида қўлга киритилиб, юртимизга олиб келинди ва у кишининг ташаббуси, саъй-хара-катлари билан инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилинди. Таржима жараёнида имкон қадар муаллиф услубини сақлашга, айнаи вақтда асарнинг ўзбек китобхони учун ҳар томонлама тушунарли ва манзур бўлишига ҳаракат қилинди.

Умид қиламизки, М.Р.Годеннинг нурли қалами би-лан яратилган ушбу тарихий рисола бобурийлар су-лоласи, хусусан, унинг беназир фазилатларга эга бўлган ажойиб вакиласи Гулбадан бегим ҳақидаги ту-шунча ва тасаввурларимизни янада бойитишга хизмат қилади.

Таржимон








Гулбадан бегим ўз шахсияти хақида сўз юритганда оқилалик билан ўзини «бу хақир», яъни «бу ожиз банда» деб атарди. Аслида эса у нафақат оддий банда, балки Ҳиндистондаги буюк бобурийлар сулоласининг асосчиси Захириддин Муҳаммад Бобур подшоҳ Ҳазратнинг кенжа кизи эди. У эртақларда учрайдиган афсонавий қаҳрамонларга хос нафис исм – Гулбадан деган гўзал бир ном билан аталарди. Умрининг тўфонли ва шиддатли дамларида ҳам у ўзининг «Гулбадан»лигини сақлаб қола олган мўътабар бир инсон эди.

У 1522 ёки 1523 йилда Кобулда таваллуд топган. У замонларда Шарқда қиз болаларнинг (хатто у аслзодалардан бўлса ҳам) туғилган санасини қайд этиш жоиз эмас эди. Борди-ю фалакнинг гардиши бир айланиб, у Лондонда таваллуд топганида, унинг кироли Генрих VIII бўлган бўлур эди. Маълумки, Генрих VIII Гулбаданнинг отаси Бобуршоҳ сингари «эътиқод химоячиси» унвонига сазовор бўлган иймон-эътиқодли ҳукмдор эди.

Гулбадан иймони бутун, тақводор муслима эди.

«Гул» сўзи «атиргул» сўзига монанд бўлгани боис ҳам бу сўз аксарият маликалар исмини безаб туради. Чунки Шарқда Эрондан тортиб, Ҳиндистону Хитойгача бу гулни ардоқлаб, эъзозлашади. Афғон атиргу-



ли оқиш рангда товланса, эроний атиргул пуштиранг ва кичикроқ бўлиб, ўзидан майин ва ёқимли хид таратади. Уни баъзан «Дамашқ атиргули» деб ҳам аташади. Бобуршоҳ Гулбаданга ва бошқа қизларига исм танлаганда айнан қирмизи тусдаги атиргулни назарда тутган бўлса ажаб эмас. У катта қизига Гулранг, иккинчисига Гулчехра деб ном берган эди. Айтиш жоизки, Бобурнинг хотинларидан бирининг исми ҳам Гулруҳ эди. Кейинчалик Гулбаданнинг яқин дугоналаридан бири бўлиб қолган канизаги, черкес қизининг номи ҳам «қирмизи атиргул» деган маънони англатар эди. Гулбадан эса умр бўйи «Гулбадан»лигини сақлаб қола олди. Зеро, шоир Ҳофиз Шерозий «... атиргул самимийлик рамзидир» деганда Гулбаданни назарда тутган бўлса ажаб эмас.

Гулбадан уч буюк ҳукмдор — отаси Бобуршоҳ, акаси Хумоюншоҳ ва жияни Акбаршоҳ даврини қамраб олган ўта мураккаб замонда умргузаронлик қилди ва Акбаршоҳ вафотидан икки йил аввал бу фоний дунёни тарк этди. Бу ҳукмдорлар орасида энг машхури Акбаршоҳ бўлса-да, Гулбадан отаси ва акасини ниҳоятда улуғлар эди. Бироқ шуни ҳам унутмаслик керакки, агар Акбаршоҳ бўлмаганда, Гулбаданнинг мавқе-мартабаси бунчалар юқори улуғланмаган, унинг номи ўша даврда яшаган юзлаб маликалар сингари парда ортида, омма назарига тушмасдан қолиб кетган бўларди. Ва табиийки, унинг умр ва ижод йўли ҳақидаги ҳақиқатни очиб бериш ҳам ҳеч кимнинг хаёлига келмасди. Ўша давр муаррихлари томонидан зикр этилган маълумотларда Гулбаданнинг исми бошқа тарихий шахсларнинг номлари соясида қолиб кетаётган





бир пайтда (1587—1590 йилларда) Акбаршоҳ бобоси Бобуршоҳ ва отаси Ҳумоюншоҳнинг ҳукмдорлик фароияти ҳақида тарихий бир асар яратиш ҳақида фармони олий қабул қилди.

Мусулмончилик таомилларига кўра, аксарият ҳолларда марҳум зотларнинг исмлари бевосита тилга олинмасдан, уларга нисбатан «рахматли» сўзи қўлланилади. Шу одатга кўра Гулбаданга: «Фирдавс макон» (Бобуршоҳ) ва «Жаннати ошиён» (Ҳумоюншоҳ) ҳақида нимаки билсангиз, батафсил ёзингиз» деган мазмунда фармон берилди. Бундай фармон яна икки кишига — Ҳумоюншоҳнинг яқин мулозимларидан бўлмиш Жавҳар офтобачи ва содик вазири Шайх Боязидга ҳам берилган эди. Ўрта асрларда сарой маликалари орасида саводхон аёллар, эхтимол, кўп бўлмагандир, лекин Гулбадан бегим ўз даврининг энг мукамал билимли, фозила аёлларидан эди. У ҳамisha мутолаа билан машғул, таъби назм эгаси бўлса-да, бироқ тарихий асар ёзишга илк бор қўл урмоқда эди.

Бу пайтга келиб у олтмишдан ўтиб, етмишни қоралаб қолган эди. Бу ҳақда унинг ўзи шундай деб ёзди: «Фирдавс макон отам ҳазратлари бу фоний дунёни тарк этганларида мен ҳақир саккиз ёшда эдим, шу боис кўп воқеалар ҳаёлимдан фаромуш бўлган бўлиши мумкин эди. Бироқ фармони олий ҳазрати подшоҳ томонидан берилган эди. Шу боис олий ҳазратнинг фармонига итоат этган ҳолда хотирамда қолган кўрган-кечирганларим ва эшитганларимни бирма-бир қоғозга туширдим».

Бу ўринда шуни айтиш лозимки, Гулбадан бегим ёзган китобдан Акбаршоҳнинг кўнгли унчалик тўлма-






ди. Чунки у ўз даврининг йирик алломаларидан бўлмиш Абулфазл ва унинг укаси Файзийнинг жимжимадор ва баландпарвоз мактовларию жарангдор олқишларга кўмилган ибораларини эшитишга одатланиб қолган эди-да.

Мисол учун, Абулфазл қаламига мансуб машхур «Акбарнома» асарининг муқаддимаси шундай бошланади: «Менким, Абулфазл, олийнасаб шохларнинг марварид шодасида ягона дуру гавхар бўлган улўф ҳукмдорни улўглаш шарафига мушарраф бўлганимдан Яратганга беадад шукроналаримни изҳор этаман». Бу асардаги Акбаршоҳ номига бағишланган ҳамду санолар муқаддиманинг ўзидаёқ беш саҳифани эгаллайди. Бу саҳифаларда «олам сарвари», «сулола тожининг жавохири», «Темур авлодининг шамчироғи», «Аллоҳнинг ердаги сояси» каби баландпарвоз мактовлар тўлиб-тошиб ётибди.

Гулбадан бегимнинг болалик чоғларидан меҳрини қозонган, сирдош акасининг номи билан «Ҳумоюннома» деб аталган асари эса, мавжуд таомилга биноан «Бисмиллохир раҳмонир рахийм» деб бошланади. Муаллиф кейинги мисраларда Акбаршоҳнинг фармони ва ўзининг унга итоат этган ҳолда қўлига қалам олгани ҳақида содда, равон тилда куйидагича мулоҳаза юритади: «Отамнинг руhini шод этиш умидида ушбу асарда подшоҳ Бобом (Бобур — тарж.) ҳазратлари замонида бўлган воқеаларни ёзишга жазм қилдим».

Табийки, бундай ифода услуби Акбаршоҳга мақбул келмаган, чунки Гулбадан бегим ўз баёнида тумтароқ ва ҳавойи ҳамду саноларни жуда кам ишлатади. Асосан Ҳумоюншоҳ шахсияти ҳақида сўз борган-




да «ширинзабон», «хақиқатгўй» каби ўхшатишлардан фойдаланади, холос. Муаллифнинг ифода услубида отаси Бобуршоҳнинг хотираномасида табиат манзаралари, гул-чечаклар, мева-чева ва паррандалар дунёсини тасвирлашда қўлланилган содда, аниқ ва ихчам иборалар кўзга яққол ташланади.

Гулбадан бегимнинг ушбу асарида асосан тарихий шахсларнинг хусусиятларини тасвирлашга кўпроқ ўрин берилган. Бироқ асарда келтирилган баъзи бир сана ва воқеалар баёнида жузъий чалкашликлар ҳам учрайди. Масалан, муаллиф Бобуршоҳнинг 18 нафар ўғил-қизи бўлгани хақида сўз юритади, бироқ уларни номма-ном санаганда 16 та фарзанд номи тилга олинади.

Шуни айтиш керакки, бу асар фақат уч нусхада кўчирилган. У пайтларда босмахоналар бўлмаган ва Боязид девонхонасида тўққизта хаттот бўлиб, улар томонидан кўчирилган уч нусханинг бир нусхасигина сақланган, қолганлари эса, афсуски, бундан уч юз йил муқаддам йўқолиб кетган. Абулфазл «Акбарнома»ни ёзишда Гулбадан бегим баён қилган воқеалардан фойдаланган бўлса ҳам, негадир фойдаланилган манбалар қаторида бу асарни тилга олмаган.

1860 йиллар ўртасида Ҳиндистон инглизлар томонидан забт этилди. Бу ерга келиб ўрнашиб қолган инглиз полковниги Ҳамилтон Дехли ва Лакнов шаҳарларида қўлга киритган ўлжалари қаторида мингдан ортиқ китоб ва қўлёзма асарларни тўплади. Уларнинг каталогини тузди. Улар орасида мана шу мўъжазгина «Хумоюннома» асари ҳам бўлиб, бу асарни Ҳамилтоннинг беваси кейинчалик Британия музейи-




га сотган эди. 1900 йилга келиб, шарқ адабиёти бўйича мутахасссис, таниқли олима Аннета Сюзан Бевериж «Хумоюннома»ни таржима қилишга жазм этди. Табиийки, бу ўта нозик ва машаққатли меҳнат талаб қиладиган иш эди.

Китоб таржимасининг сўзбошисида А. Бевериж хоним шундай деб ёзади: «Бу асар мен мурожаат қилишим мумкин бўлган ягона нусхадаги асар эди. Унинг айрим сўзлари маликанинг она тили бўлмиш туркийда битилган. Лекин муаллиф форсийни ҳам мукаммал билиши сезилиб турарди. Қўлёзманинг муқоваси қизил чармдан ишланган бўлиб, унинг бобларидан бири нотўғри жойлаштирилган эди. Энг ёмони шундаки, китоб сарлавҳаси ёзилган бош саҳифадан кейинги варағи йўқ, саҳифалар четида хошия ҳам қолдирилмаган, асарнинг охириги қисми ҳам йўқолган эди».

Таржима устида ишлаш жараёнида А.Бевериж муаллифнинг изоҳ ва шарҳлари моҳиятига тушуниб борар экан, ўзи кашф этаётган бу асарнинг қандай катта қимматга эга эканини тобора чуқурроқ ҳис этар эди. Акбаршоҳнинг бу асар ҳақидаги мулоҳазаларини у қадар тўғри ва асосли деб бўлмас эди.

«Бу китоб тенги йўқ ноёб асардир, — деб ёзади таржимон, — унда малика ўзи мансуб бўлган аёллар дунёсини муфассал тасвирлаб берган. Тилининг соддалигига қарамасдан, бу асар киборлик ва малоҳат билан, ҳатто қаҳри қаттиқ шоҳларнинг фаолиятини ҳам сахна ортида туриб зийраклик билан кузатиб борган улуғвор маликанинг мулоҳазалари баён қилинган бебаҳо манбадир. Муаллиф мулоҳазаларининг сами-




мийлиги сарой тарихчиларининг кўпларини лол қолдириши ва уялтириб қўйиши ҳам мумкин».

«Хумоюннома» таржимасига кўплаб тарихнависларнинг қайта-қайта мурожаат қилиши ҳам асарнинг ҳаққонийлигидан далолат беради.

Гулбаданнинг нурли қалами билан тасвирланган хотиранома узоқ ўтмишда бўлиб ўтган воқеаларни шунчалик аниқ ва ҳаққоний тарзда баён қиладики, ўқувчи гўёки телескопга тикилиб, кўхна тарих саҳналарини яққол тасаввур этади. Олис ўтмиш қаърида подшоҳ отасининг Кобулдаги саройининг улкан деворлари устидан пастга тикилиб турган кичик маликани кўргандек бўласиз. Муаллиф шаҳар қалъаси девори устидан туриб навбатдаги рақибига қарши жангга шайланаётган ёки эришган ғалабасини нишонлаётган сарбозларни кузатиб турган аёлларнинг ички дунёсини маҳорат билан тасвирлаб беради. Шаҳар атрофидаги боғларда осудалик ҳукм сураётгани, воҳанинг қорли тоғлари узра осмонга кўтарилаётган чанг булутига кўз тикиб турган кичик малика қиёфаси кўз олдимизда намоён бўлади. Осмон узра кўтарилаётган чанг эса у орзикиб кутаётган подшоҳ отасидан хабар етказувчи чопарнинг яқинлашиб келаётганидан далолат беради.

Муаллиф, тахминан 2–3 ёшида экан, отаси Бобур подшоҳни аъёнлари, амир ва беклари, яловбардорлари ва навкарлари билан навбатдаги ҳарбий юришга отланаётган ҳолда кўрганини эслайди. Умрининг кўп қисмини юришларда ўтказган Бобур 34 ёшга кирганида бу ҳақда шундай деб ёзган эди: «Ўн бир ёшимдан буён то хануз икки рамазон ийдини паёпай бир ерда қилгон эмасман».



Бобур хаттоки Кобул тахтини эгаллаб, мунтазам сарой барпо этгандан кейин ҳам у ерда муқим турмаган. Ҳарамдаги аёллар унинг қаерда ва қай аҳволда эканини, олиб борган жанглари нима билан тугагани ва қачон келишини ҳафталаб билмас эдилар. Бир куни Бобур ана шундай юришларнинг бирида ҳеч кутилмаганда қайтиб келиб қоладики, сарой удумига кўра, шахзодалар Ҳумоюн мирзо ва Комрон мирзони отлантириб, падари бузрукворининг истиқболига пешвоз чиқаришга ҳам улгурмай қоладилар. Ўша давр таомилига мувофиқ шахзодалар, гарчанд ёш гўдак бўлсалар ҳам, подшоҳни кутгани пешвоз чиқишлари шарт ҳисобланарди. Гўдак шахзодаларнинг пиёда чиқиши ноқониз бўлгани боис уларни хизматкорлар опичлаб олиб чиқарди. Ҳукмдорнинг қиз фарзандлари эса подшоҳ отасининг ўзи ҳарамга келиб, улар билан кўришишини кутиб туришлари лозим эди.

Бобур 1519 ва 1520 йилги Ҳиндистон сари юришларида Ҳинд дарёсини кечиб ўтиб, мамлакат ҳудудига анча кириб борган ва хатто Бажурдаги жангда ғолибликни ҳам қўлга киритган эди. Бу сафар у яна Кобулга қайтиб келиш ниятида эмас эди.

Аслида у Амударёнинг нариги соҳилида, бепоён Мовароуннаҳрда, Фарғона вилоятининг Андижон шаҳрида туғилиб ўсган эди. Кейинчалик Афғонистонни эгаллаб, эндиликда ўзининг қудратли кўшини билан яна бир бор Ҳинд дарёсини кечиб ўтишга ва ҳудуди қарийб бутун бир қитъага тенг келадиган мўъжизакор ва бой Ҳиндистон мулкини забт этишга аҳд қилган эди. «Ул тарихдин бу тарихқача ҳаваси қилилур




эди», — деб ёзади ўн тўққиз йил давомида Хиндистон иштиёкида ёниб келаётган Бобур.

Бобур онаси томонидан ўн икки авлод оша мўғулларнинг улуф хони Чингизхон сулоласига, отаси томонидан эса буюк сохибқирон Амир Темур сулоласига мансубдир. Одатда мўғуллар хақида сўз борганда дағал, даштӣй кўчманчи қабилалар тушунилади, темурӣйлар хақида эса жасур ва маданиятли қавмлар сифатида фикр юритилади. Ўз давридаги мўғул қабилаларининг дағаллиги ва маданиятсизлиги хақида Бобур ҳам тўхталиб ўтади.

Умрининг дастлабки йилларида оғир ва мусибатли кунларни бошидан кечирганда ҳам Бобур тушкунликка тушмаган. Аксинча, у ўзининг буюк аждодлари билан, уларнинг тарих саҳифаларида қолдирган шонли ғалабалари билан фахрланар ва келажакка ҳамisha умид ва ишонч билан боқар эди. Хаётининг асосий қисми жангу жадаллар билан ўтган бўлса ҳам, у санъатга, гўзалликка интилиб яшаган, улуф аждодларига муносиб улуф инсон эди. У темурӣйлар удумигариоя қилиб, туркий ҳукмдорларга хос мухташам саройлар, маҳобатли иншоотлар бунёд эттирган, маданият ва санъат хомийси сифатида шухрат қозонган.

«Сохибқирон ҳазратлари замонидан то Фирдав макон ҳазратлари замониғача ўтган султонлардан ҳеч қайсиси бу киши сингари нотинч бўлмаган», — деб ёзади Гулбадан бегим отаси хақида. Хақиқатан ҳам шундай эди. Бобурнинг ҳар иккала томондан ҳам аждодлари буюк фотих саркардалар бўлган эди. Чингизхоннинг мулки Хитойдан Россиянинг ғарбий қисми орқали, Польша, Венгрия, Богемия (Чехия)ғача




борар эди. Сохибкирон Амир Темур салтанати эса Каспий денгизи ва Волга бўйидан тортиб то Ҳиндистоннинг Банорас вилоятигача бўлган ҳудудни эгалларди. Табиийки, бундай улкан империяларни бир марказдан туриб бошқариш ниҳоятда мушкул иш эди. Шу боис ҳам бу ҳукмдорларнинг вафотидан кейин уларнинг салтанати меросхўрлари ўртасида тақсимланиб, майда-майда бўлакларга бўлиниб кетди.

Бобур бунёд этган давлат, гарчи боболариники сингари бепоён минтақаларга ёйилмаган бўлса-да, у ўз салтанатининг султони, буюк императори даражасига кўтарилди. Ўз мулкида бошқарув тизимини маҳкам тутиб, уни мохирлик билан идора қилди. Бу ўлкани 332 йил давомида махорат билан бошқарган буюк сулолага асос солди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Чингизхон ҳам, Амир Темур ҳам давлат тепасига Бобур каби 12 ёшлик пайтида келмаган, у кўрган азоб-укубат, йўқчилик, беморлик ва мушкулотларни бошдан кечирмаган.

Бобур 1483 йилда таваллуд топган. У Сирдарё бўйидаги мўъжазгина Фарғона давлати ҳукмдори бўлмиш Умаршайх мирзонинг катта ўғли эди. Бобурнинг тасвирлашича, унинг отаси «ханафий мазҳаблик, покиза эътиқодли киши эди». Умаршайх мирзо «ови куши доғи кўп ва қирғовули беҳад семиз» бу ўлканинг ҳукмдори эканидан хамиша димоғи чоғ, лекин унинг «мулкгирлик дағдағаси жихатидан хейли ярашлар урушқа ва дўстликлар душманликқа мубаддал бўлгани»ни ҳам алоҳида таъкидлайди.

Умаршайх мирзо тўладан келган, «паст бўйлик, тегирма соқолли, кўба юзли» киши эди. «Тўнни бис-




ёр тор кияр эди, андоғким, боғ боғлатурда қорнини ичига тортиб боғлатур эди, боғ боғлангандан сўнг ўзини қўя берса бисёр бўлур эрдиким, боғлари узилур эрди. Бисёр саховати бор эрди. Хулқи дағи саховатиға бор эди, хушхулқ ва харроф ва фосих ва ширинзабон эрди, шужъо ва мардона киши эрди». Бобур отасидан ана шу ширинзабонлик, хушхулқлик, саховат ва мардликни мерос қилиб олган эди.

Умаршайх мирзо бўш пайтларини аксарият Ахсидаги эски қалъада қўлга ўргатилган кабутарлари билан ўтказарди. Каптар учириниш мирзонинг севимли машғулоти бўлиб, каптархона қалъа деворидан бир оз туртиб чиққан қоя сифатида қурилган эди. Бир куни у каптарларига дон сепиб турган пайтда бирдан каптархона девори дарз кетиб, Умаршайх мирзо «жардин кабутар ва кабутархона билан учиб, шунқор бўлди» ва боқий дунёга рихлат қилди.

Шу воқеадан сўнг эндигина ўн бир ярим ёшга кирган Бобур мирзо Фарғона давлатининг хукмдори бўлди. Бобур бу юртни жуда севарди, бироқ унинг ҳудудий кичиклиги қонида буюк орзу-хаваслар жўш урган навқирон темурийзодани, табиийки, қониктирмас эди.


Дунёда асрлар давомида жаҳонгир саркардаларни ўзига мафтун этиб келган бир шаҳар бор. Уни Самарқанд деб атайдилар. Бу шаҳарнинг ошиқлари унинг кадрига стадиган ҳақиқий эр йигитлардир. Гулбадан бегимнинг ёзишича, Бобур мирзо бу шаҳарни уч марта забт этган, яъни «икки марта қилич зарби билан, учинчи бор эса қурол ишлатмасдан кириб борган».



Биринчи гал Самарқандни олганида Бобур мирзо бу азим шаҳар тахтида уч ойгина ҳукм юритди. Ҳукмдорлик ва ҳарбий иш соҳасида ҳали тажриба орттирмаган, ёш ўспирин Бобур мирзонинг Фарғона мулкини тоғалари ва амакилари хужумидан сақлаб қолиш учун анча саъй-ҳаракат қилишига тўғри келди. Бирок Самарқанд тахтининг ноаҳил темурийзодалар ўртасида талаш бўлиб қолиши Бобур мирзонинг нафсониятини кўзғайди ва у Самарқанд сари юришга отланади, бир неча ой қамал қилгач, пойтахт унинг измига ўтади.

Кўпчилиги даштӣ мўғуллардан иборат бўлган унинг сарбозлари, албатта, Самарқандни талаш иштиёқида ёнар эдилар. Лекин мурувватли ёш шахзода бунга йўл қўймади. Бу ҳақда Бобур шундай дейди: «Самарқандни олғонда Самарқанд андоқ хароб эдиким, мадад ва тухм ва тақовига эҳтиёж бор эди. Чи нести улким, киши андин нима олғай?»


Бундан ҳафсаласи пир бўлган унинг аскарлари шаҳарни ташлаб коча бошладилар. У билан бир неча содиқ кишиларигина қолди. Азму шижоати, жасорати туфайли «йўлбарс» таҳаллусини олган Бобур тез орада Андижондаги нохуш воқеаларнинг олдини олиш учун Фарғона томонга отланади, бирок йўлда олинган хабарга қараганда, у Фарғона тахтини ҳам бой берган эди. Ўғай укаси Жаҳонгир мирзо тоғалари ёрдамида Андижон тахтини эгаллаб олган эди. Бобур ўша йили кишни мўъжазгина Хўжанд қалъасида ўтказди. Бошига тушган синовлардан кўп надоматлар чекади. Бунинг ажабланарли жойи йўқ эди. У эндигина ўн беш ёшга кирган ўспирин эди, холос.



Ана шундай махзун дамларда унинг кўнглига бир оз таскин бериб, ҳузурига Самарқанддан онаси ва бир неча аёл қариндошлари келдилар. Бобурнинг юришларида онаси Қутлуғ Нигорхоним унга хамиша хамроҳлик қиларди. «Не учунким, то подшоҳ бўлуб эрдим, — деб ёзади Бобур ўша кунлар хақида сўзлаб, — бу навъ навкардин ва вилоятдин айрилмайдур эрдим, бу йўсунлик ранж ва машаққатни билмайдур эрдим».

Бобурни ҳеч нарса тўхтата олмади: на жароҳат, на беморлик ва на саргардон юришлардаги жазирама чўлу биёбонларнинг изғирин шамоллари унинг иродасини бука олди. Маълум муддат ўзига содиқ хамроҳларнинг сардори сифатида, кўпинча егулик бирон нарсасиз, сувсиз, чодир ва от-уловсиз холда, қувғин ва саргардонликда юрди. Кейинроқ қаттиқ жанглар эвазига Фарғона давлатини яна қўлга киритишга муяссар бўлди. Лекин бу билан унинг кўнгли таскин топмади. У ўзига ўзи, Самарқандга яна бир бор юришга қатъий сўз берди. Ва шундай қилди ҳам. Самарқанд қайтадан қўлга кирди. Бирок бу сафар у ўзидан кучлироқ рақиб билан юзлашишига тўғри келди. Бу рақиб Чингизхон авлодига мансуб бўлган Шайбонийхон бўлиб, у Бобур мирзони деярли ўн йил давомида таъкиб қилиб юрди.

Шайбонийхон Самарқандни астойдил қамал қилди. «Ошлиғ эмди пишган чоғ эди, ҳеч ким янги ошлиғ киюрмайдур эди, — деб ёзади Бобур ўз хотираномасида. — Элга бисёр танқислик бўлди. Анга еттиким, фақир ва мискин ит этини, эшак этини ея қириштилар. Отқа бўғузким камёфт бўлди, тут дарахт-



ларининг баргини ва қириндиларни ивитиб отқа берурлар эди».

Афсуски, Бобурнинг айрим беклари бу сафар ҳам унга хиёнат қилиб, кечалари қалъа деворларидан ошиб қоча бошладилар. Атрофдан кутилган ёрдам келмагач, Бобур Шайбоний билан ўзи учун қийин бўлган «сулҳ» тузишга мажбур бўлди. Чунки Шайбоний сулҳ эвазига Бобурнинг опаси Хонзода бегимни ўз никоҳига олиш иштиёқида эди.

«Охир Хонзода бегимни ўша хонга бериб, ўзларининг қайтишлари зарур бўлди», дея надомат билан ёзади Гулбадан бегим. Гарчанд бу ҳодиса ўзининг туғилишидан йигирма йил аввал рўй берган бўлса ҳам, Гулбадан бегим бу воқеани қаттиқ ўқинч билан қайд этади. Чунки у аммасини жуда яхши кўрар ва «оқажоним» деб атарди.


Бобур мирзонинг кейинги ҳаракатларини Гулбадан бегим шундай тасвирлайди: «Икки юз пиёда, елкаларида чопон, оёқларида чорик, қўлларида таёқ билан, яроқсиз, Худога таваккал қилиб бошини олиб чиқиб кетдилар». Лекин, қаёққа?!

Шу ерда «Бобурнома»да узилиш бор. Эҳтимол, бу кунлар унинг ҳаётида энг оғир кунлар бўлгани учун ҳам Бобур бу ҳақда ёзишни истамагандир. Фарғона бой берилган, хазина бўм-бўш, кўпчилик юз ўғириб кетган, ёш ҳукмдор бир неча ишончли кишилари билангина қолган эди. Сафдошларнинг бор-йўғи икки дона чодири бўлиб, унинг ёмғир ўтмайдиганини Бобур онасига берган эди. Отини ҳам онасига берган эди. Агар ҳамроҳлари эътироз билдиришмаганда тую

минган бўларди. У яраланган бўлиб, асир тушиб қолишига ҳам бир баҳя қолган эди.

Бобур шу тариқа бир оз муддат Ҳиндикуш тоғолди чўлларида кўчманчилардек кунларини ўтказди ва кейин Хўжандни кўмсаб, шу томонга йўл олди. «Меваси фаровон ва бисёр яхши. Анори яхшилиққа машхур» бўлган Хўжанд айниқса, аёллар учун уқубатли саргардонликдан сўнг бир оз тин олишга энг қулай жой кўринди. Лекин Бобур бу ерда узоқ туролмади. Чунки бу қалъада икки минг кишини тўйдириш учун етарли озуқа йўқ эди. «Юз-икки юз навқарлик кишининг авқоти ташвиш билан ўтар. Доиялиқ киши нечук боқиб ўлтурғай». Бу – иродаси мустаҳкам, юксак уфқларни кўзлаб яшайдиган, шертабиат Бобурнинг қалбини ўртаган савол эди. Унинг фавқулудда кучли шижоати, ғайрат ва матонати қўл остидаги кўпчилик кишиларни яна қайтиб оёғига бош уриб келишга мажбур қилди. У пайтларда ҳар ким ўзи маъкул кўрган сардорга эргашиб кетиши табиий бир ҳол эди. Шу тариқа бир оз тин олиб куч тўплаган Бобур энди ўз нигоҳини Кобулга қаратди. Бу воқеалар 1504 йилда рўй берган эди.

Афғонистондаги қадимий шаҳарлардан бўлмиш Кобул ҳукмдори теурий шахзодаларнинг сўнгги сулоласига мансуб бўлиб, Бобурнинг амакиларидан бири эди. Яқиндагина вафот этган бу ҳукмдордан кейин шаҳар тахт учун курашаётган ворислар ўртасида талонда қолган эди. Бу ҳол Бобур учун қулай имконият туғдирарди-ю, бироқ у хали олисдаги умид юлдузи эди, холос. Яқин кишилари ва чоғроқ қўшин билан Бобур ўз бахтини синаб кўриш учун Ҳиндикушнинг




кимсасиз яйдоқ чўлларию ўткир тик қоялари ва тоғ тизмалари оша кечаю кундуз тин олмай йўл босди. Ва ниҳоят, бир куни тунда у доvonлардан бирининг тепасида туриб илгари ҳеч кўрмаган манзарага дуч келди: Сухайл юлдузи гайритабиий бир тарзда чарақлаб ёғду сочиб турарди. «...дедимким, Сухайл бўлмагай. Дедиларким, Сухайлдур. Шунда навкарлардин бири шундай хитоб қилди: О, Сухайл, сенинг ёғдуларинг сочилган кишига омад келтиурсен».

Ҳақиқатан ҳам, бу сафар Бобурга омад кулиб боқди. Лекин унга ўзининг севимли гўшаси бўлмиш Андижонни, «латиф бинафшаси бисёр» гўзал водийни қайта кўриш насиб этмади. «Латиф» сўзи бинафшага нисбатан бир оз ғалати туюлиши мумкин. Балки Бобур бу гулни Шимолий Осиё ва Кашмир тоғларида ўсадиган баланд бўйли, сариқ рангли бинафша билан таккослаб, шу таърифни ишлатгандир.

Шу тариқа Фарғона энди тарихга айланди.

Гулбадан дунёга келганда, Бобур Кобул тахтига мустаҳкам ўрнашиб олиб, 20 йилдан буён давлатнинг бошқариш тизимини қўлида маҳкам тутиб турган пайт эди. Шимолий Қундуз, Бадахшон, шунингдек, 1519 йилдан буён Ҳиндистоннинг Бажур ва Сват вилоятлари ҳам Бобур тасарруфида эди. Бу давр ичида Қандаҳор ҳам қарийб бир йилдан буён унинг измида бўлди, Самарқандни ҳам охирги марта қилич ишлатмасдан ўз измига бўйсундирган эди.

Бобур ўз мулкининг пойтахти Кобулни жуда севаар эди. Бу шаҳар атрофи кир-адирлар ва қоялар билан ўралган пасттекисликдаги гўзал воҳада жойлашган, унумдор тупроқли, ўртасидан дарёнинг бир




ирмоғи оқиб ўтадиган шинам гўша эди. Бобур шаҳар қалъаси яқинидаги қўл ва ўтлоқларни, айниқса, улар яшил либосга бурканган чоғларни яхши кўрарди. «Мевалар Кобул тавобида кўптур ва ёвуктур. Сардсерий мевалардан узум ва анор ва ўрук ва олма ва биҳи ва амруд ва шафтоли ва олу ва анжур ва бодом ва янғоқ кўптур... Бир наъв узум бўлур, оби ангур дерлар, хейли яхши узумдир. Май чоғирлари бўлур...Экин яхши бўлмас», — деб ёзади Бобур, бу вилоятни таърифлаб.

Бобур қалъа ташқарисида қаровсиз қолган бир боғни қайта тиклайди ва уни «Боғи вафо» деб атаydi. Яна бир тоғнинг ўртасида бир тепалик бўлиб, унинг тепасидан оқиб келадиган ариқдан «бир тегирмон суйи ҳамиша жорийдур... бурун бу ариқ эгри-бугри ва бесиёқ эди. Мен буюрдим, бу ариқни режа ва сиёқ билра қилдилар. Бисёр яхши ер бўлди».

Бобур учун «Боғи вафо» сўлим ва гўзал оромгоҳ эди. Кейинчалик бобурийлар Кашмир воҳасидаги Нишот ва Шалимар боғларини барпо этганларида унинг ичидан оқиб ўтадиган кенг канал қирғоқларига хафсала билан тош териб, унинг сувини бир маромда оқадиган қилиб қурган эдилар. Сувнинг шошмасдан бир маромда жилдираб оқиши кишига хузур бахш этади. «Мусулмончилик аста-секинлик билан, — дейилади мусулмонларнинг мақолида, — шошқалоқлик шайтонга хосдир».

Кобул турфارانг гулларга жуда ҳам бой. Наргис ва атиргуллар Бобурнинг севимли гуллари эди. Бу ерга келганда яйловларда ўсаётган лолаларнинг турлари беҳад кўплиги уни лол қолдирган эди. «Бу до-



манада ранго-ранг ҳар анвоъ лолалар бўлур. Бир қатла санатгим, ўттуз уч навъ ғайри муқаррар лола чиқти».

Кобул Бобур учун сўлим гўша ва хавфсиз бошпа-нагина бўлиб қолмай, бу шаҳар унга ўзлигини ҳам янгитдан англашга шароит яратиб берди. Бу ерга кел-гунига қадар жангу жадаллар ва саргардонликлар ичра кечган Бобурнинг ҳаёт оқими унинг ҳассос, но-зиктаъб қалбини ҳам дағаллаштириб юборган, буни унинг ўзи ҳам сезар эди.

Бобур туркий ва форсий тилларни мукаммал биларди. Бироқ Кобулда ўн-ўн икки хил тилда сўзла-шилар эди. Чунки Кобул Хитой, Ҳиндистон, Туркия ва яна бошқа мамлакатлардан савдо қарвонлари ўта-диган чорраҳада жойлашган бўлиб, бу савдо йўлида турли миллат ва элат вакилларини учратиш мумкин эди. Дунёнинг узоқ-яқин бурчакларидан келтирилган моллар ва ранг-баранг матоларни кўриб, рубъи мас-куннинг нақадар бой эканлигини айнан шу ерда та-саввур қилиш мумкин эди. У Ҳиндистондан олиб келинадиган шакар, зираворлар, ноёб мевалар, турли паррандалар, оппоқ муслин матоларни жон-дили билан қабул қиларди. Бироқ бу молларни келтирган савдогарларнинг кибру ҳавога берилганлиги, такаб-бурлиги, хасислиги ва айниқса, чоғир ичиб айшу иш-рат қилишларини унчалик хушламас эди. Бобурнинг ўзи ҳам бир пайтлар қишни Хиротда, теурий ама-киваччалари ҳузурида ўтқазганда чоғир базмларида қатнашган эди. Кейинчалик вояга етиб, ўзини босиб олгач, ёшликка хос баъзи номақбул одатларни тарк этган эди. Энди у шунчаки лашкарбоши эмас, балки




улкан бир давлатнинг ҳукмдори эди. Энди у чинакам подшоҳликка интилаётган ҳукмдор эди. «... ушбу навбат буюрдимким, мени подшоҳ дегайлар», – дея ёзди Бобур бу ҳақда.

Бобурнинг шахсий ҳаётига келсак, у Кобулга келгунча ўтган муддат ичида уч марта уйланди. У олти ёшлигида тоғаси Самарқанд султони Аҳмад мирзонинг қизи Ойша Султон бегимга унаштириб қўйилган эди. Бироқ балоғат ёшига етгач, бу қизга унчалик меҳри товламади. Онасининг зўри билангина унга уйланди-ю, лекин кўп ўтмай Ойша бегим мусулмонларга хос бўлмаган тарзда, Бобурдан омад юз ўгирган кезларда омадсиз эрни ташлаб, отаси саройига кетиб қолди. Кейинроқ яна онасининг истаги билан Зайнаб Султон бегимга уйланди, лекин бу никоҳ ҳам баркадор бўлмади – келинчак чечак касалига мубтало бўлиб оламдан ўтди.

Хиротга сафар қилган кезларида Бобур Султон Хусайн мирзонинг қариндошларидан бўлмиш Маъсума Султон исмли бир гўзал маликани саройда учратиб қолиб, унга ҳам уйланди. Бир йилдан сўнг Маъсума Султон бегимдан бир қиз дунёга келади, бироқ бу рафиқаси ҳам ёруғ оламни тарк этди. Унинг вафотидан изтиробга тушган Бобур бу чақалоққа онасининг исмини қўйди. Бобурнинг Ойша Султон бегимдан туғилган бир қизи ҳам бўлиб, у чақалоқлигида оламдан ўтган эди. Чақалоқлар ўлимининг тез-тез учраб туришига қараб ўша пайтдаги аёллар ҳаётини кўз олдимишга келтириш қийин эмас.

Гулбадан бегимнинг ёзишича, «Кобулнинг олиншини Аллоҳ муборақ этди». 1507 йилга келиб тахт




вориси Хумоюн дунёга келди ва кейинчалик унинг кетидан яна 15 та фарзанд туғилди. Шариат талабига риоя қилган ҳолда Бобурнинг тўртта хотини бор эди, лекин ҳарамии анча катта эди. Ҳарамдагилар, асосан, жангда ҳалок бўлган ёки асир тушган сарой аъёнларининг хотинлари, қизлари, опа-сингиллари, амма-хोलалари, жиянлари, чўрилари, раққосалари, ва ҳаттоки, айрим мағлуб бўлган рақибларининг аёллари ҳам ҳарамда истиқомат қилардилар. Бу ҳол аёлларнинг ўлжа сифатида таланишига йўл қўймас эди.

Исломнинг муқаддас китоби бўлмиш Қуръони каримда шундай амр қилинади:

«Эркақлар хотинлари устида амрбардордирлар. Бас, ибодат-итоатли ва эрлари йўқлигида Аллохнинг хифзу ҳимояти билан (эрларининг мол-мулкларини ва ўз ифбатларини) сақловчи хотинлар – яхши хотинлардир. Хотинларингизни итоатсизлигидан қўрқсангиз, аввало уларга панд-насихат қилингиз, сўнг (яъни, насихатларинг қор қилмаса) уларни ётоқларда тарк қилингиз (улар билан бир жойда ётманг, уларга яқинлашманг), сўнгра (шунда ҳам сизга бўйсунмасалар) уринглар...»

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, Бобур, эҳтимол, қанча аёл тақдири учун масъул эканини билмаган бўлиши мумкин, лекин у ҳеч қачон аёл зотига қўл кўтарган эмас. У аёлларнинг ҳар бирига муносиб тарзда муомала қилиш, уларни бир хил турар жой, бир хил миқдорда моддий маблағ билан таъминлашдек талабларни балки тўлиқ бажара олмагандир ҳам. Шу боис ҳам донишманд пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) умматлари бу таомилларнинг уддасидан чиқа олмас-




лиги мумкинлигини олдиндан кўра олган ва буни алоҳида уқтириб ўтган:

«Ҳар қанча уринсангизлар ҳам хотинларингиз ўртасида адолат қилишга қодир бўлмайсизлар. Бас, бутунлай (суйган хотинингиз томонга) оғиб кетиб (кўнгилсиз бўлиб қолган) хотинингизни муаллақа каби ташлаб қўймангиз! Агар ўзларингизни ўнглаб Аллоҳдан кўрксангизлар, албатта Аллоҳ маърифатли, меҳрибон бўлган зотдир».

Бобурнинг катта хотини Моҳим бегим унинг энг суюкли маликаси эди. Бобур уни «моҳитобим» деб эркалар эди. Кобулда дунёга келган тахт вориси ҳам унинг ўғли эди. Бу ҳақда Бобур шундай ёзади: «... уч-тўрт кундан сўнг Ҳумоюн исми билан мавсум бўлди». Ҳумоюн – «бахт-омад элчиси» демақдир. Тахт вориси тўрт-беш кунлик бўлганида «чорбоққа чиқиб, Ҳумоюн валодатининг тўйи бўлди. Бек ва бекот, улуғ-кичик сочиқ келтурдилар, қалин оқ танга тўкилди, ондин бурун анча қалин оқ ёрмоқни бир ерда кўрулмайдур эди, хейли яхши тўй бўлди...» Ана шу кунларда Бобур валиаҳд ўғлининг келажагига оқ пояндоз солиш ниятида ўзига «подшоҳ» унвонини олди.

Гарчанд Бобурнинг иккинчи хотини Гулруҳ бегим Комрон мирзо ва Аскарый мирзоларнинг, шунингдек, яна бир соғлом ўғил ва бир қизнинг онаси бўлса ҳам, Бобурнинг назаридан бир оз четда қолган эди. Унинг исмини Бобур ҳеч қаерда тилга олмайди. Учинчи хотини Дилдор бегимга нисбатан эса бир оз совуқроқ назар билан қарайди. Бобурнинг бу аёлларга уйланиш тарихи бизга унчалик равшан эмас. Лекин




тўртинчи хотини Биби Муборика бегимга уйланиш тарихи ҳақида баъзи маълумотлар бор.

Бир куни афғон қабилаларига қарши юришларнинг олдидан Бобур ўз рақиби зиёфат бераётган жойга дайди масхарабоз қиёфасида кириб боради ва қабила сардорининг гўзал қизи уни мусофир деб ўйлаб, унга бир косада таом тутади. Унинг одоби ва ҳуснига маҳлиё бўлган Бобур эртасигаёқ рақиби билан сулҳ тузиб, қизини ўзига сўрайди.

Харамда Биби Мубориканинг ҳурматини жойига қўйишарди, чунки у Бобурдан фарзанд кўрмаган эди. Айниқса, Дилдор оғача бегим унга нисбатан рашк ўтини сочиб турарди.

Гулбадан Биби Муборика билан тез-тез кўришиб турарди ва уни «Афғоний оғача» деб атарди. Бу ҳол унинг аслзодалар оиласидан эмаслигига ишора қилса керак. Бобурнинг қолган учала хотинларини «бегим» ёки «малика» деб атарди. Шайбонийхон ҳарамида ўн йил яшаб келган аммаси -- Бобурнинг опаси Хонзода бегимни «оқажоним», «хоним ҳазратлари», «истарали хоним» деб атаса, Моҳим бегимни «бегим ҳазратлари» дея эҳтиром билан тилга олади.

Ҳақиқатан ҳам, Моҳим бегим ақлли, кўнгли очик, лекин бир оз эрка аёл эди. Бобур унинг хоҳишистагини ҳеч рад этмас эди. Ҳумоюндан кейинги фарзандлари кетма-кет гўдаклигидаёқ нобуд бўлганидан унинг калби пора бўлган эди. Тахт ворисининг онаси бўлиш туйғуси ҳамиша маликанинг қалбига таскин бериб турса ҳам, бетоб бўлиб қолиш ёки кундошларининг заҳарлаб қўйиши, хаттоки, жонига қасд қилиш хавфини кўз олдига келтириб, унинг кўнгли беором




бўларди. Гулрух бегимнинг ўғиллари Комрон ёки Аскарийнинг Ҳумоюн ўрнини тортиб олиш хавфи эса унга ҳеч тинчлик бермасди. Бунинг устига, 12 ёшга тўлгач, Ҳумоюнни ҳарбий ишлар ва сарбозликка ўргатиш учун онаси бағридан олиб кетилиши Моҳим бегимни доимо ташвишга соларди.

Ўша пайтда Бобур Ҳумоюнни Бадахшон вилоятига ҳоким этиб тайинлаган эди. Моҳим бегим ўғлини ҳокимликка тайинлаш маросимида иштирок этиш учун Бадахшонга боради, бироқ Ҳумоюнсиз бўм-бўш саройга қайтгач, ўзини жуда ёлғиз хис қиларди. Бундан ташқари, Дилдор бегимнинг кетма-кет икки қиз туғиб, тагин ҳомиладор эканини эшитгач, яна ҳаловати бузилди.

Дилдор исми «дилларни ром этувчи» деган маънони билдирса ҳам, у афтидан, Бобурнинг дилини ром эта олмаган кўринади. Ҳиндистон сари юришда биринчи бор эгалланган Бажур қалъасини забт этиш учун жангга отланиб турган пайтда Бобур Моҳим бегимдан шошилиш хат олади. Моҳим ўз хатида Дилдор оғача бегимнинг туғилажак фарзандини, у ўғилми, қизми, бундан қатъи назар, ўз тарбиясига беришни сўраб илтижо қиларди. «Бу навоҳида эканда Моҳимдан хат келди, битибдурким, хохи ўғил бўлсин, хохи қиз, менинг бахту толеим, манга беринг, мен фарзандчилай, сахлай».

Ўша пайтларда ҳам худди хозиргидек, бефарзанд аслзода аёлларнинг бола асраб олиши расм бўлган эди. Бироқ ҳеч қачон ҳарамдаги аёлларнинг ёки кундошининг фарзандини эмас, балки бирон ўртаҳол аёлнинг боласи асраб олинар эди. Дилдор оғача бегим-




нинг оху фиғонларига қарамасдан, Моҳим бегимнинг кўнглига қараб, Бобур бунга рози бўлди. Моҳим бегим туғилажак фарзанднинг ўғил ёки қизлигини билиш учун фол очтиришни таклиф қилганда, Бобур ўзи фолга ишонмаса ҳам, бунга рози бўлди. Икки фолбин кампир анъанавий усуллардан фойдаланиб, икки нарча қоғозга ўғил ёки қиз боланинг исмларини ёздилар ва қоғозларни думалоқлаб, устидан лой чаплаб копток шаклига келтиришиб, уларни илиқ сувга ботиришди. Биринчи бўлиб очилиб кетган қоғоздаги исм чақалоқнинг ўғил ёки қизлигидан дарак берарди.

Бобур Моҳимга туғилажак фарзанднинг ўғил бўлиши ҳақида хабар берди. Шундай бўлди ҳам. Ўғил дунёга келди. Бу Дилдор бегимнинг биринчи ўғил фарзанди эди, лекин унга исм танлаш Моҳим бегимга насиб этди. Отасининг Ҳиндистонни забт этиши ша- рафига чақалокни Ҳиндол деб атадилар.

Моҳим бегимнинг Ҳиндолни нима сабабдан ўз тарбиясига олгани тушунарли бир ҳол. Лекин Гулбадан бегимни нега ўз тарбиясига олгани бизга унчалик аниқ маълум эмас. «Онам ҳазратлари мени ўз тарбиясига олганларида мен икки ёшда эдим», дея эслайди Гулбадан. Балки Моҳим бегим йўқотган болалари хижронида ўзини ёлғиз сезгандир ёки Ҳиндолни ҳам Ҳумоюн сингари бир кун бағридан юлиб кетишларини билгани учун шундай қилишга мажбур бўлгандир.

Осиёлик болалар одатда соғлом ва қувноқ бўладилар. Уларнинг бадани оч пушти рангда, сочлари тим қора, кўзлари қоп-қора, тишлари чиройли бўлади. Гулбаданнинг истарали юзига қараганда у отасига тортган кўринади. Унинг кўркам жуссаси, чўзикрок




юзи, тўғри тортилган қошлари, қирра бурни, латиф лаблари, катта ва саховатли кўзлари худди отасидан нусха олгандай туюлади.

Бобур ва унинг кейинги авлодларининг суратларига тикилиб, қизиқ бир ҳолатнинг гувоҳи бўлиш мумкин. Бу суратларда Бобур чўзиқроқ юзли, ёноқ суюклари бир оз бўртиб чиққан, нозиктаъб киши сиймосида намоён бўлади. Тўртинчи авлодга мансуб бўлган Жаҳонгиршоҳ эса тўладан келган, дағалроқ юзли киши бўлиб кўринади.

Дилдор оғача бегим ҳам, эҳтимол, гўзал аёл бўлган бўлса керак. Лекин Бобурнинг суюкли қизлари ичида энг севимли гул малика – Гулбадан эди. У отасига тортган, истараси иссиқ қиз эди. Унинг қиёфаси ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Ўзи махфий бўлиб қолишни истаганми ёки бошқа бирон сабаб туфайлими, унинг тасвири туширилган бирон-бир миниатюра ёки сурат сақланиб қолмаган.


«Хумоюннома» асари муаллифнинг анча оғир-бошиқ ва мулоҳазали инсон бўлганидан далолат беради. Балки, бу Гулбаданга Мохим бегим берган тарбия натижасидир. Нима бўлганда ҳам, ёш гўдакнинг ўз онаси бағридан олиб кетилиши ва бошқа аёл ихтиёрига берилиши бола учун оғир бир ҳол. Эҳтимол, у мактаб ёшига етгунга қадар ўз туғишганлари билан учрашмагандир ҳам. Кобулда подшоҳнинг хотинлари гарчи бир ҳарамда бўлсалар ҳам, уларнинг ҳар бири алоҳида кўшкларда яшаган. Бу ҳолни Фотехпур Секри саройидаги вазиятдан ҳам қузатса бўлади. Ҳатто, амма-холалар, канизакларнинг ҳам ўз махсус хоналари ва мўъжазгина боғчаси бўлган.





Одатда мусулмон аёллари ўта тарбияли бўлиб, ўз-ро яхши муносабатда бўлади. Бобурнинг хотинлари ҳам бир-бирларига нисбатан хурмат-эҳтиром билан яшаганлар. Ҳарҳолда, унинг ҳарамиди хиндларникида бўлганидек, ўжар ва жанжалкаш хотинини жазолаш учун бошқалардан ажратиб қамаб қўйиладиган хоналар бўлмаган. Бобур ўзининг хинд аъёнларидан бирининг ана шундай жанжалкаш хотини ҳақида шундай дейди: «Ё кодири худованди эгам, мўмин-мусулмонларнинг бу каби хотинларга эр бўлишидан ўзинг асрагин».

Мусулмон аёллари ўз гўдақларини алоҳида меҳр билан суйиб, ардоқлайдилар. Таомилга кўра, гўдак тувилган кундан бошлаб қирқ кунгача чилла сақлайдилар, яъни чақалокни онаси бағридан ажратмайдилар. Уларнинг хузурига бегоналарнинг кириши ман этилади. Она-бола меҳри ана шу тариқа шаклланиб, мустаҳкамланиб боради. Онасининг илиқ бағридан ажратиб олинган Гулбадан, гарчанд ўзи «онам хазратлари» деб атаган Мохим бегимни севиб ардоқласа ҳам, унинг хузурига келтирилган дастлабки кунларида ўз уйи, онасини қўмсаб йиғлагандир ҳам. Эҳтимол, бу йиғини онаси Дилдор бегим ҳам эшитгандир, балки юрак-бағри эзилгандир. Начора, подшоҳ амри — амри вожиб, унга ҳеч ким эътироз билдира олмайди. Албатта, ул зот Дилдор бегимнинг нозик қалбида қанчалик ўқиниш, соғинч, балки эътироз борлигини билади, лекин қарор қатъий, бажарилиши шарт. Кейинчалик бу интизорликларнинг ажри сифатида Дилдор бегим ўз фарзандларидан ҳам, ўғай фарзандларидан ҳам чексиз хурмат ва эҳтиром кўрди.




Хаттоки, шахзода Хумоюн ҳам тахтга чикқанда унга алоҳида эҳтиром кўрсатди.

Бобурийлар саройида ҳарам хукмдорнинг тан маҳрами бўлган аёллар истиқомат қиладиган, сарой худудидан махсус ажратилган жой бўлиб, ичкари тарафда махсус тайёргарликдан ўтган мохир камонбоз аёл соқчилар ва уларга ёрдам кўрсатиш учун ҳамиша тайёр турадиган бичилган қуллардан иборат махсус кўриқчилар томонидан, кўрғон ташқарисида эса ишончли эркак сарбозлар томонидан кўриқланар эди. Куёш ботиши билан кўрғоннинг барча дарвозалари беркирилиб, фақатгина биттагина эшик очиқ ҳолда кўриқланарди. Бу эшик машъалалар билан ёритилган бўлиб, ундан кириб-чиқадиган ҳар бир аёл синчковлик билан, махсус аёл кўриқчилар томонидан текшириб кўриларди. Агар аёллар ҳарамдан ташқарига чикмокчи бўлсалар, махсус соқчилар қуршовида чиқар эдилар.

Гулбаданнинг ёшлик чоғларида Кобул ҳарамидagi аёлларга бирмунча эркинликлар берилган эди. Аёллар чодра ёпинмасди, от миниб чавандозлик қилиш ва камонбозлик машқлари билан шуғулланарди, шаҳар ташқарисига сайру томошага ва хатто, шикорга ҳам чиқарди. Кичик малика Гулбадан бегимга эса хатто очиқ майдонда варрак учираётган ўғил болалар билан ўйнашга ҳам рухсат бериларди. Ўрта аср Шарқида варрак учирини, одатда, ўғил болалар ўйини ҳисобланарди.



Шаҳар қалъасининг баланд деворлари варрак учирини учун жуда боп эди. Варракларни учирини осон бўлсин учун юнка қоғоз ва бамбук чўпларининг қовуридан тайёрланар эди. Инига елим ва майдаланган



шиша қоришмаси суртилган варракларни учириш жуда марокли бўларди. Баъзи ривоятларда айтилишича, Жайпур ва Жодхпур вилоятларида варрак учириш мусобақалари бу ўлкаларга бобурийлар келишидан аввал ҳам ўтказиб турилар экан. Узоқ ўтмишда, ҳали қозихоналар бўлмаган пайтларда ер-мулк можаролари, молиявий бахс-мунозаралар ана шундай мусобақалар орқали ҳал қилинар экан. Албатта, жажжи Гулбадан бу гаплардан беҳабар эди. Унинг фикру хаёли, отамерос шиддат-шижоати варракка қистирилган хабарнинг елиб осмон узра учишида эди. Шамол билан ўйнашиб хилпираётган варракнинг ипларини маҳкам тутиб, уни бошқараётган қўлларида афсонавий бир мўъжиза бордек туюларди.

Варрак учиришнинг ҳам ўзига яраша гашти бор. Кўпинча байрам кунларида ўтказиладиган варракбозликда варраклар маълум баландликка кўтарилгач, уларнинг ипига ичига шам ёқилган фонуслар боғланади. Варрак янада юқорилагач, унинг ипига яна бир фонус боғланар ва шу тарзда етти-саккиз фонус бир варрак ипига маҳкамланарди. Варраклар шамолда силкиниб ҳар томонга талпингани сари ранг-баранг фонуслар жилоланиб ажойиб бир мўъжизавий манзара кашф этарди.

Гулбадан бегимнинг талайгина ўйинчоқлари ҳам бўлган бўлиши керак. Буни биз унинг бобокалони Темурбекнинг болалик пайти тасвирланган миниатюрага қараб хулоса қиляпмиз. Бу суратда болаларнинг гилдирак устига ўрнатилган филчалари, турли рангга бўялган отлари, жажжи камони ва садоғи тасвирланган. Суратдаги болаларнинг ҳаммаси ўғил. Демак, у




ерда коптоклар, сурнайлар ва ноғорачалар бўлган бўлиши керак. Қизик, ўша пайтларда қиз болаларга ҳам ана шундай ўйинчоқлар ўйнашга рухсат берилганмикан?

Кобулдаги саройда ўғил ва қиз болалар бирга таҳсил олган бўлишлари керак. Қизлар юмшоқ ўриндиқларда устозининг оёқ томонида ўтириб сабоқ олганлар, уларни энагалари мактабга олиб борганлар. Ўқув хоналарида китоб ўқиш учун махсус лавҳлар, ёзув учун махсус тахтачалар қўйилган. Ёзув учун улар сиёҳдан фойдаланишган. Бобур ўғли Ҳумоюнга қимматбаҳо тошлар билан безатилган давот — сиёҳдон совға қилгани хақида маълумот ҳам бор. Мактабларда тартиб-интизом қатъий бўлган.

Болалар ўқиш, ёзиш, ҳисоб илми ва адабиётдан сабоқ олганлар. Умрининг айни илм оладиган ўсмирлик йиллари жангу жадаллар билан ўтиб кетган Бобур китобни жуда эъзозларди. Унинг қалбини қувонч ва хайратга солган холлардан бири Ҳиндистондаги Малвот қалъасини маҳв этганида, сарой кутубхонасидан кўплаб ноёб китоблар ўлжа сифатида қўлга киритган куни рўй берган эди. Ўшанда, табиийки, китобларнинг бир қисми Ҳумоюн мирзога, яна бир қисми Комрон мирзога тортиқ қилинган. У пайтда Комрон мирзо ҳали аёллар тарбиясида бўлгани боис, Гулбадан унга берилган китоблар билан танишиб чиққан бўлиши керак, чунки Комрон мирзо суюкли сингилчасига доимо илиқ муносабатда бўлган. Гулбаданда китобга бўлган илк иштиёқ айнан ўша пайтдан бошланган бўлса ажаб эмас.

Бобур ўғилларининг адабиётга ошно бўлишини



жуда-жуда истарди. Агар қисқа умри, асосан, жангу жадаллар ичида ўтмаганда, эхтимол, у янада буюк адиб бўлиб етишармиди. Унинг қаламига мансуб «Бобурнома»га эътибор берсак, илҳом келганда у ўзига нисбатан жуда талабчан ва шу билан бирга, мохир сўз устаси бўлганига, ҳар бир иборани ўта ҳассослик билан танлаганига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Хумоюнга ёзган хатида ҳам ана шу талабчанлик сезилиб туради: «Хатингни худ ҳар тавр қилиб ўқиса бўладур, вале бу муғлақ алфозингдин мақсуд тамом мафҳум бўлмайду. Голибо хат битурда қоҳиллигинг ҳам ушбу жиҳаттандур. Такаллуф қилай дейсан, ул жиҳаттин муғлақ бўладур. Бундин нари бетакаллуф ва равшан ва пок алфоз била бити; ҳам санга ташвиш озроқ бўлур ва ўқувчиға».

Унинг адибликка бўлган меҳри ва иштиёқини жажжи кизалоғи Гулбадан кейинчалик ўзида ёрқин муҷассам этганини кўрганида эди, Бобур бундан чексиз хайратга тушган ва албатта, мамнун бўлган бўларди.

Гулбадан бегим ўз асарларида Хумоюн каби ортиқча такаллуфга берилмаган. Унда Хумоюн табиатиға хос камчилик ва нуқсонлар деярли кўзга ташланмайди, айниқса, иримчилик унда умуман йўқ.

Маълумки, Бобур Сухайл юлдузи билан боғлиқ холатдан бошқа холларда мунажжимларнинг башоратиға унчалик ишонмас эди. Бир марта мунажжим башоратиға ишонган аскарларининг руҳи тушиб кўп талафот кўришиға бир баҳя қолган эди.

Хумоюн хаёлпараст, тушга ва унинг таъбириға, шунингдек, турли ирим-сиримларға қаттиқ ишонадиган киши эди. Ўн ёшга кирганда бир куни эрталаб




тонгда сайрга чикмоқчи бўлди-да, йўлида учраган биринчи уч кишининг исмларини сўрашга аҳд қилди. Бу исмларнинг маъноси унинг келажак тақдирини белгилаб беришига ишонарди. Унга фақат бир кишининг исмини сўрашни маслаҳат берганларга қарама-қарши равишда у ўжарлик билан уч кишининг номини сўради. Буни қарангки, уларнинг исмлари орзу, давлат ва шухрат маъноларини англатарди. Улардан фақат биринчисигина Хумоюн тақдирига мос тушди. Иккинчисига эса у оғир машаққат билангина стишди, учинчиси, яъни шухрат жуда кеч насиб этди.

Ислом таълимотига кўра, ирим-сиримларга ружу қилиш киши эътиқодини сусайтиради. Гулбадан эса иймон-эътиқодли муслима эди.

Маълумки, исломий мактабларда ўқитиладиган фанлар муқаддас Қуръон таълимотига асосланган эди. XVI аср аслзодалари – ўғил болалар ҳам, қизлар ҳам Қуръони каримни батафсил ўрганишлари шарт эди. Ҳаттоки, узоқ қишлоқ мактабларида ҳам болалар чордана қуриб ўтирган холда, домласи ортидан илоҳий сураларни бирма-бир такрорлаб, ёд олишлари шарт эди. Бундай ёд олинган оятлар, балки, уларнинг ҳаёти давомида хотирасида қолмас, лекин Гулбадан қалбига Қуръони каримнинг ҳар бир ояти чуқур сингиб кетган эди. Бобур гарчанд бундан беҳабар бўлса-да, кизи Гулбадан эътиқод бобида унинг изидан бораётган эди. Ҳатто ҳарбий юришлари давомида ҳам Бобур беш маҳал намозни қанда қилмагани тарихий далиллар орқали яхши маълум.


Биз биламизки, бобурийлар сунний мазҳабга эътиқод қилувчи иймон-эътиқодли мусулмонлар бўлган.



Улар кунига беш маҳал намоз ўқиганлар. Мусулмонларнинг ибодат кунини қуёш чикмасидан туриб, бомдод намози билан бошланади. Кейин пешин, аср, шом ва хуфтон намозини адо этадилар. Баъзан вақт тигиз бўлган юришларда намоз ўқишга фурсат бўлмай қоларди. Лекин пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) буни олдиндан кўра билган ва шу каби ҳолатларни назарда тутиб бундай деган эди: «Аллоҳ тунда соқчиликда турганларга, бетоб бандаларга, сафарда бўлган мусофирларга, шунингдек, Ҳақ йўлида жанг қилаётганларга имкон топган вақтларида ибодат қилишларига ижозат беради. Зеро, Аллоҳнинг карами кенг, қудрати улғудир. У марҳаматли ва гуноҳларни кечиргувчидир».


Бобур Кобулдаги ҳарамда бўлмаган кезларда ҳам чопарлар орқали юборган хатларидан унинг ҳарамдаги аҳвол-руҳияни сезиб туришини кўриш мумкин эди. У юборган хабарлар оғиздан-оғизга ўтиб, қайта-қайта муҳокама қилинар, унинг маъно-мазмуни ҳатто болаларнинг ҳам онгига сингиб кетарди.

Бобурнинг ифода услуби аниқ, раво ва жонли тилга асосланган эди. У ўзининг овқатига заҳар солиб, ўлдирмокчи бўлганлар ҳақида шундай деб ёзди. «Вақеойи узмоқим, жума кунини, рабиул аввал ойининг ўн олтисида, тарих тўққиз юз ўттиз учда рўй берди, тафсили будирким, Иброҳимнинг (Бобур маҳв этган Дехли султони — тарж.) онаси Байда бадбахт эшитурким, мен Ҳиндустон элининг илгидан нима ейдурман. Бу ҳисса мундоқ эдиким, уч-тўрт ой бу тарихдин бурунроқ Ҳиндустон ошларини чун кўрмайдур эдим. Дедимким, Иброҳимнинг бовурчиларини



келтурдилар. Эллик-олтмишта бовурчидан тўртини саҳладим. Бу хайриятни Байда эшитиб, Аҳмад чошнигиргаким, Ҳиндустон эли баковулни чошнигир дейдулар, Итғаваға киши йибориб келтуриб, бир додак илгига чорсўта қилғон қоғазда бир тўвла захр берур, тўвла икки мисқолдин бир нима кўпрак бўлур, нечукким, бурунроқ мазкур бўлдиким, Аҳмад чошнигирга бергай. Аҳмад бизнинг бовурчихонадағи Ҳиндустоний бовурчиға бериб, тўрт парғана ваъда қилурким, ҳар тавр қилиб, менинг ошимға захрни солғай. Ул додақдинким, захрни Аҳмад чошнигирга йиборур, яна бир додақни, анинг сўнгича йиборурким, кўргай, ул захрни берадурму ёки йўқму?...


Одина куни, кеч дигар ош торгтилар. Товушқон ошидин ҳейли едим. Қалия зардак ҳам майл қилдим. Бу Ҳиндустоний захрлиқ ошнинг устидин бир-икки тика майл қилдим, қалия олиб едим, ҳеч нохуш маза маълум бўлмади. Қоқ гўшттин бир-икки тикка олдим. Кўнглум барҳам урди... яна бир кўнглим қўзғолиб қолди. Дастурхон устида икки-уч марта кўнглим барҳам уриб, қусаёздим. Охир кўрдимким, бўлмас, кўптум. Обхонаға борғунча йўлда яна бир навбат қусаёздим. Обхонаға бориб, қалин қустим. Ҳаргиз оштин сўнг қусмас эдим, балки ичганда ҳам қусмас эдим. Кўнглимға шубҳа кечти. Бовурчини саҳлатиб буюрдимким, ул қайтни итга бериб, итни саҳлагайлар. Тонгласига бир пахарга ёвуқ ит беҳолроқ бўлуб, қорни дам қилғондек бўлди. Ҳар неча тош билан урдилар, эврүштилар, қўлмади. Қун тушгача бу холи бор эди, андин сўнгра қўпти, ўлмади. Бир-икки чухра ҳам бу оштин егандур. Тонгласига алар ҳам қалин



кустилар, бирисининг худ холи хароб эди, охир бори халос бўлдилар».

Бу ҳол, албатта, хоинлик эди. Тўғри, Байданинг ўғли Иброхим Лўдий жангда ҳалок бўлди. Лекин Бобур унга нисбатан ғанимининг онаси сифатида эмас, балки барча оналар қаторида иззат қилиб, унинг хурматини ўринлатиб қўйган эди. Малика Байдага анчагина ер-мулк ажратилиб, алоҳида кўшк ва хизматкорлар берилган ва унга ҳарамдаги бегимлар қаторида эҳтиром кўрсатилаётган эди. Ана шундай ношукурликдан кейин ҳам Бобур унга яна раҳм-шафқат қилди. Лекин маликанинг касрига қолган бошқа айбдор ошпазларга тайинланган жазо нуқтаи назаридан қаралганда асосий гунохкор бўлган Байдага қилинган раҳм-шафқат масаласида бир оз адолат доирасидан чиқилгандек туюлади. Аҳмад чошнигир қилич билан чопиб, майда бўлақларга бўлиб ташланди, ошпазнинг териси тириклайин шилиб олинди, чўри аёл маст фил оёғи остига ташланиб қатл этилди. Яна бир хизматкор аёл милтиқдан отиб ўлдирилди. Малика Байдани эса Кобулдаги ҳарамга жўнатиш ҳақида фармон берилди. Бирок у йўлда соқчиларнинг кўзини шамғалат қилиб, хибсдан қочиб ўзини Ҳинд дарёсига ташлаб халок бўлди. У тўғри иш қилган эди. Чунки Кобул ҳарамидagi аёллар уни барибир соғ қўймас эдилар.


Гулбадан бу ҳикояни бир неча бор эшитган ва ҳойнаҳой, «Бобурнома»дан ҳам кўп марта ўқиган бўлиши керак. Кейинги давр тарихчиларининг фикрига қараганда, Гулбадан ўз асарида Бобурнинг Канва деган жойда маҳаллий ражпутларга қарши олиб борган жанги тафсилотларини бошқа тарихий манбаларга нис-



батан анча муфассал ёритиб бера олган. Канва Аградан унчалик узоқ бўлмаган жойдаги қалъа бўлиб, у ер эгаллангач, маҳаллий ражпутлар Бобурга қарши кескин ҳаракат бошлаган эдилар. Ўша жангда Бобур, юлдузлар ҳолати ҳозир жанг қилишни мақбул кўрмайди, деган мазмундаги мунажжим башоратини рад этиб, қўшин олдида ўзининг машҳур оташин нутқини сўзлаган эди.

Навкарлар ватандан йироқда, мусофирликда, жанглардан толиққан бир вазият ҳукм сурарди. Бунинг устига-устак, мунажжим нохуш хабар башорат қилган эди. Рақиб эса кучли эди. 80 минг отлик аскар етти рожа қўмондонлигида, бир неча юз сарбоз етакчилигида юзлаб жангчи филлар Бобур қўшини билан юзлашиб турган эди.

«Ана шундай бир пайтда, — деб ёзади Гулбадан, — мунажжим Муҳаммад Шариф, навкарлар орасида «Подшоҳ ҳозир жанг қилмагани маъқул, чунки саккиз юлдуз (миррих юлдузи) тескари томонда турибди», дея нохуш хабар тарқатган эди. Албатта, қўшин орасида ваҳимали шов-шув тарқалиб, аскарларни ваҳима босди. Қўшиннинг тушкун кайфиятини кўрган подшоҳ хазратлари қўшинни бир жойга тўплашга фармон берди. Амирлар, беклар, султонлар, хонлар, сарой аъёнлари ва оддий фуқаро, каттакичик — ҳамма бир жойга тўпланди. Кейин подшоҳ уларга қарата мурожаат қилди: «Беклар ва йигитлар! Ҳар ким ҳаёт мажлисига кирибтур. Оқибат ажал паймонасидин ичгусидур ва ҳар кишиким, тириклик манзилига келибтур, охир дунё ғамхонасидин кечгусидир. Ёмон от билан тирилгандин, яхши от била ўлган




яхшироқ. Тенгри таъоло бу навъ саодатни бизга насиб қилибтур ва мундоқ давлатни бизга қариб айлабтур. Ўлган — шаҳид, ўлдирган — ғозий. Барча Тенгрининг каломи оти ила онт ичмак керакким, ҳеч ким бу китолдин юз ёндирур хаёл қилмағай, то бадандин жони айрилмағунча, бу мухораба ва муқотоладин айрилмағай».

Гулбаданнинг ёзишича, унинг бу сўзларини ҳамма маъқуллади. Улар муқаддас Қуръонни ва оилалари номусини ўртага қўйиб қасамёд қилдилар. Қуръони каримдан калима келтирилиб, унинг «Фотиҳа» сура-си тиловат қилинди. «Эй подшоҳи олам! Худо хоҳласа, танимизда жонимиз бор экан, сўнгги нафасимиз қолгунча сенга садоқат билан жанг қиламиз», дея онт ичдилар.

1527 йил 16 март тонгида бошланган ушбу ҳаёт-мамот жангини Гулбадан қуйидагича тасвирлайди: «Тўққиз юз ўттиз учинчи йили жумодул аввал ойида сахар вақтида Секри тоғининг этагида, бу тоғнинг устида ҳозир Фотехпур шаҳри барпо этилган, Рона Санга билан жанг бўлди. Аллоҳнинг инояти билан подшоҳ ғалаба қозондилар ва ғозий бўлдилар». Раж-пут уруғларининг гуллари жанг майдонида сўлди. Ўша пайтда Гулбадан тўрт ёшда эди.


Жанг натижаси ўлароқ жуда кўп ўлжа қўлга киритилган эди. Бу ўлжалардан Бобур ўзи учун деярли ҳеч нарса олмади. Шу боис ҳам, у тарихда «қаландар шоҳ» деган ном қолдирган. Масалан, Канва жангидан аввалги Панипат жангида Гувалёр рожасининг хотини Ҳумоюндан раҳм-шафқат сўраб, унинг ихтиё-рига ўзининг барча дуру гавҳарларини олиб келиб



берган эди. Ўшанда Хумоюн Дехлидаги Султон Иброҳим хазиначисини назорат остига олиш учун Панипат жангидан кейин пойтахтга жадал етиб келган эди. Унинг ихтиёрига берилган қимматбаҳо тошлар орасида «Кўхинур» номи билан машҳур бўлган қирмизи ранг товланиб турадиган улкан олмос бўлаги ҳам бор эди. Тарих тақозоси билан кейинроқ бу олмос Англия кироличаси Виктория хазиначисининг мулкига айланган. Олмоснинг вазни бир юз саксон олти каратни ташкил қилган экан. Бобурнинг ёзишича, ўша пайтда бу олмоснинг қиймати ер юзи аҳолисининг икки ярим кунлик озуқаси қийматига тенг бўлган экан. «Мен келганда Хумоюн уни менга пешкаш қилди, мен Хумоюнга-ўқ бағишладим», — деб ёзади Бобур.

Қўлга тушган ана шу ўлжалардан Бобур Кобулдагилар учун ҳам ажойиб совғалар юборди. Совғаларни элтиш учун тайинланган масъул мансабдорга уқтириб шундай деди: «Мен сен билан Ҳинд элининг қўлимизга тушган асл моллари ва ажойиботларидан совғалар жўнатаяпман. Мен сенга рўйхат қилиб берман ва сен уларни эгаларига элтиб берасан». Шуниси хайрон қоларлики, давлат ташвишлари билан доимо банд бўладиган шох вақт топиб, Кобул ҳарамидагиларнинг ҳар бирини ёдда тутиб, ҳар бирига яраша совға тайёрлаб қўйган экан.

Ҳарамдаги ҳар бир подшоҳ бегимга Султон Иброҳимнинг раққоса кизларидан биттадан канизақ, биттадан лаган тўла дуру гавҳар, олмосу ёқут, икки патнис тўла ашрафий берилди. У пайтда бир ашрафий ўн олти рупийга тенг бўлиб, ўша давр учун бу катта пул ҳисобланарди. Совғалар, шунингдек, Бобурнинг



якин қариндошлари, амма-холаларига ҳам жўнатилди. Саройдаги барча эътиборли хонимлар, Бобурнинг фарзандлари, опа-сингиллари, энагалари, кискаси, подшоҳнинг умри-жони ҳақиға дуо қилиб ўтирган барча ёшу қарига белгиланган рўйхатга кўра қимматбаҳо совғалар улашиб берилди.

Ҳарамдагилар бундай бойликни хаёлларига ҳам келтирмаган эдилар, албатта. Тўғри, уларнинг қатор-қатор дуру марваридлари, шода-шода тақинчоқлари, жумладан, ўз акси кўриниб турадиган, ўрта бармоққа тақиладиган катта узуклари, тиллакош ва билагузуқлари бор эди. Лаъл деб аталадиган қимматбаҳо тошлар илгари Бадахшондан келтирилар эди. Лекин турк заргарлари ясаган тақинчоқлар Ҳиндистондан келтирилган ўта нафис, сержило, нақшона усулда фил суягидан ишланган жимжимадор олмослар қадалган тақинчоқлар олдида дағалроқ туюларди.

Бобур Аллоҳнинг марҳамати билан эришилган бу ғалабанинг меваларидан фақат шодланибгина қолмай, балки уни етказганга шукроналик келтириш лозимлигини ҳам алоҳида уқтирган эди. Бунинг учун ҳарамдаги ҳар бир бегим-маликаға алоҳида эҳсон қилиш даркорлиги тайинланган эди. Демак, бу бир неча кун давом этадиган хайр-эҳсон кунлари ўтказилиши лозим демакдир. «Девонхона боғида уч кунгача алоҳида хушҳоллик маъракалари ўтказилди. Сарой хонимлари подшоҳ ҳазратлари давлатининг ривожини сўраб, бошларини ерга қўйиб, сажда қилиб, Худоға шукр қилдилар», дея тасвирлайди у кунни Гулбадан.

Уларга қўшилиб жажжи Гулбадан ҳам подшоҳ отаси ҳақиға дуолар қилди.



* * *

Эрлар учун ўз хотинларига раққоса қизларни тортиқ этиш бир томондан ғалатирок туюлиши мумкин. Лекин ҳаётнинг ҳар бир жихатини чуқур мулоҳаза қиладиган эркаклар сингари Бобур ҳам ҳарамдек тўрт томони ўралган ёпик бир қўрғонда яшайдиган аёллар ҳам ён-атрофда бўлаётган ўзгаришлардан мунтазам равишда хабардор бўлиб туриши зарур эканлигини яхши англари эди. Шу боис бўлса керак, ҳарамда тез-тез зиёфатлар уюштирилиб турилар, айниқса, аслзода оилаларда дунёга келган ўғил болалар шарафига бериладиган зиёфатлар ўзгача тантана билан ўтказиларди. Бундан ташқари, уларнинг хатна тўйлари ва никоҳ тўйлари тантанасидаги базмлар эса етти иқлимга маълум қилинар эди.

Аёллар шикорга ҳам чиқиб туришар эди. Албатта, улардан бир-иккитасигина ов сирларини яхши билишарди. Уларнинг айримлари ўргатилган лочинлар билан овга чиқишар, камонбозлик қилишарди. Бу ҳол, шубҳасиз, ажойиб манзара касб этган бўлса керак. Улар бақувват тоғли аёллар сингари узангига маҳкам оёқ тираб, камонбозлардек қадларини тик тутиб турардилар, кенг ва сервиқор либослари Кобул шамолларида сокин хилпираб турарди. Ҳарам аёллари ўрганиши лозим бўлган хунарлардан бири — камон отиш пайтида бармоққа киядиган халқа яшаш эди. Баъзи маликалар бу халқаларни ўзлари учун қумуш ва биллурдан тайёрлардилар. Улар баъзан қўрғон девори устида туриб чавгон ўйинини томоша қилишар, гоҳот миниб сайрга чиқишар, гоҳот эса шунчаки сайилгохларга борардилар. У пайтларда ўйналадиган



ўйинлар орасида қарта, шатранж ва шошқол ўйинлари ҳам бор эди. Дорбозлар, жонглёрлар ёки хиндистонлик илонбозларнинг ўйинларини, масхарабозларнинг томошаларини, шоирларнинг ғазал ўқишини, қиссахонларнинг мафтункор эртақларини тинглаш мумкин эди.

Гулбаданнинг умр бўйи эшитган эртақларини, ашула ва ғазалларини унга Сарвқад исмли бир канизак аёл сўйлаб берарди. Ҳар маросимга мусиқа оҳанглари ҳамроҳлик қиларди. Сарой созандалари най, карнай, сурнай, тор, дўмбира каби чолғуларда турли кўйлар ижро этишарди. Буларнинг ҳаммасига сарой хонимлари кўникиб қолган эдилар, лекин хинд раққоса қизлари улар учун жуда ғаройиб туюларди. Бу раққосалар янги дунёнинг биринчи манзаралари эди.

Мусулмон аёллари олий ёки қуйи табақага мансуб бўлишидан қатъи назар, бошдан-оёқ ўралиб юришлари лозим эди. Улар узун ва кенг-мўл кўйлак ва нимчалар кияр эдилар. Қизлар бошларига попукли дўппи кийишарди. Турмушга чиққан жувонлар эса тепасига уқпар жиға қадалган тиллақош ёки бўрк кийишар, унинг устидан узун харир парда туширилиб, томоқ тагидан ўтказилар ва марварид шодаси билан қадаб кўйиларди. Ташқарига чиққанларида улар юзларига харир парда ёки чиммат тутиб олардилар. Лекин Гулбаданнинг айтишича, Кобулда яшаган пайтларида бундай парда аёлларнинг юзларини бутунлай тўсиб турмас эди. Мана энди ҳарам аёллари танасининг ярми очик, бошланг, оёқяланг, сари кийган, сочларига эса гул шодаси қадалган хинд раққосаларини кўриб турардилар.




Сарой хонимлари ўзларини пардоз-андоз бобида устаси фаранг, деб билардилар. Темурий маликалар бир вақтлар юзларига махсус тайёрланган оқ рангли қоришма сурардилар. У бамисоли ниқоб вазифасини ўтар ва юзни шамол ва қуёш тивидан химоя қиларди. Кейинчалик бу қоришмани фақат юз ва ёноқларгагина суриш урф бўлди.

У пайтда аёлларнинг зирак тақиши оддий бир ҳол эди, лекин бурунга зирак-булоқи тақиш сарой хонимлари учун янгилик эди. Ҳинд раққосаларининг бурнидаги сирғасига қадалган биллур тошлар хўроз тожи шаклида бўлиб, у раққосанинг қайси рожага тегишли эканини билдирарди, чунки ҳар бир рожа ўзига қарашли раққосаларни махсус шаклдаги тақинчоқлар билан безантирарди. Бу биллур тақинчоқлар турли қимматбаҳо тошлардан ясалган бўлиб, раққоса энтиқиб нафас олганда ёки ҳаракат қилганда, бурнидаги сирғалар ранго-ранг тусда жилваланиб турарди.

Мусулмон аёллар раққосаларнинг мусиқа оҳангига мос равишда хиром этишларига қўниқиб кетган бўлсалар-да, ҳинд раққосасининг боши, бўйин ва елкаларини бир маромда уйғунлаштириб, хиром қилишларини кўриб лол қолардилар. Айниқса, ҳинд мусиқа асбоблари орқали янграётган куйга раққосаларнинг билақлари ва болдирларига тақилган қўнғироклар жўрлиги остида ижро этилаётган рақслар жозибасига тан бермай илож йўқ эди.


Албатта, ўша пайтда эндигина олти ёшга кирган зукко Гулбадан ёш киз-жувонларнинг бу манзарани қизиқиш билан, кекса аёлларнинг эса бу ҳолга рўйхуш бермай қараганларини кузатиб турган. Эҳтимол, са-



рой хонимлари хинд раққосаларининг пинхона йиғлаётганини ёки Ҳиндистонга нисбатан салкин бўлган Кобулнинг шамолу изғиринларида титрашларини кўриб, уларнинг калбида қандай ҳис-туйғулар кечаётганини фаҳхламагандирлар. Лекин Гулбадан бу раққосаларнинг ўзга юртда бегонасираб, ҳатто томоғидан таом ўтмаётганини, бировдан бирон нарса сўрашга ботина олмаётганликларини кўриб, уларга раҳми келган бўлиши мумкин. Бу раққосаларнинг тилини Кобулда ҳеч ким тушунмасди. Улар худди қафасда келтирилган тўтикушлар каби ночор аҳволда эди.

Кейинчалик ўзининг узоқ умри мобайнида Гулбадан ҳали сургун нима, ватандан айрилиқ нима эканини чуқур ҳис этадиган ҳолатларни кўп марта бошдан кечиради. Эҳтимол, ўшанда шу раққоса кизлар тақдири унинг ёдига тушса ажаб эмас. Лекин ҳозир раққосаларга раҳми келса ҳам, унинг калбида болаларча кизиқувчанлик ва ҳаяжон устун келарди.

1527 йилнинг бошларида Бобурнинг иккита темурийзода аммабегимлари ўз фарзанду аржумандлари билан подшоҳ ҳузурига — Ҳиндистонга ташриф буюрдилар. Бобур уларга катта эҳтиром кўрсатиб, Агра ташқарисида кутиб олди ва муваққат сарой биносига жойлаштирди. Улар бу ерда ўн бир ой истиқомат қилдилар. Бундай узоқ меҳмондорчиликдан сўнг аммабегимлар Кобулга қандай таассуротлар билан қайтганликларини тасаввур қилиш қийин эмас. Нариги қирғоғи кўринмайдиган улкан дарёлар, чўллар ва чангалзорлар, ажойиб дарахтлару ғаройиб мевалар, дарахтларда эркин яшаётган ранго-ранг қушлар, турли туман маймунлар, сайр учун миңиладиган филлар,




бетакрор хайвонот олами, илонлар, иссиқ хаво ва кучли ёмғирлар — уларнинг Ҳиндистон ҳақидаги асосий таассуротлари эди. Бу пайтга келиб, Ҳиндистон Бобурнинг қалбидан муқим жой олган бўлса керак, қутилмаганда ҳарам аҳлини Кобулдан ўз ҳузурига — Аграга кўчириб келтириш ҳақида фармойиш берди.

Бобурнинг суюкли маликаси бўлмиш Мохим бегим ҳаммадан аввал Аграга етиб келди. «Рона Санганинг маҳв этилишидан кейин бир йил ўтгач, онам ҳазратлари Мохим бегим Кобулдан Ҳиндистонга келдилар. Мен ҳақир ҳам у киши билан подшоҳ бобомни кўргани келдим», — деб хотирлайди Гулбадан.







Ушбу сафар беш ойга чўзилди.

* * *




емурийзода аммабегимларининг Хиндистонга келиб кетганидан Бобур шундай хулоса чиқарди: демак, аёлларнинг бу ўлкага сафар қилишлари ва эсон-омон етиб келишлари мумкин экан. Бундан ташқари, у ўз уйини, оила аъзолари ва кадрдонларини ҳам соғинган эди. Бу ҳақда у шундай деб ёзади:

«Бу фурсатта бир қовун келтуриб эдилар, кесиб егач, ғариб таъсир қилди. Тамом йиғлаб эдим, Қобулнинг номарбутлигини битилиб эди...»

Шундан сўнг у юқорида зикр этилганидек фармони олий берди: «Яна бу хат етгач-ўқ, эгачимни ва харамларни бат чиқариб, Нилобқача бадрақа бўлиб келинг. Керакким, ушбу хат етқач, ўшул ҳафтада хар неча кеч қолсалар, албатта чиқсунлар. Не учунки, Хиндистондин борғон черик тор ерда танқислик ҳам тортарлар, вилоят ҳам хароб бўлур».

Бобур, иродаси мустаҳкам, қатъиятли шахс бўлиб, ўз олдига бир мақсад қўйса, уни рўёбга чиқармай қўймас эди. Гарчанд у шох бўлса-да, умри мудом сафар ва юришларда ўтарди. Бу юришлар давомида у бир жойдан иккинчи жойга осонлик билан кўчар






эди. Унинг сафардаги асосий юки чодирлар бўлиб, улар қисқа муддат ичида мохирлик билан ўрнатилиб, зарур бўлганда осонгина йиғиштириб олинарди. Қўшин ўзи билан олиб юрадиган жихозлар асосан гиламлар, лўла болишлар, чивин ва пашшаларни ҳайдаш учун ишлатиладиган хушбўй гиёҳлар тутатиладиган махсус мосламалар, китоб мутолааси учун лавҳалар ва идиш-товоқлардан иборат бўларди.

Ҳукмдор сифатидаги юришларда у аслзода шахзодалар сингари ўзининг нуфузи ва мавқеини ифодаловчи рамзлар: алвон рангли соябонлар, байроқлар, қўтос думидан қилинган ҳарбий туғлар олиб юарди. Кўпгина миниатюра расмларда у ана шундай туғ остида тасвирланган. Бобур бошқа зодагонлардан ўзининг камтарлиги билан ажралиб турарди. Юришлар қанчалик оғир ва узоқ бўлмасин, бир неча ноёб китоблар ҳамиша унинг ҳамроҳи эди. У айниқса, жанговар отлар, бақувват ва чидамли туялар, қуроласлаха ва совутларни жуда эҳтиётлаб асарди.

Лашкарни бир-икки соат ичида тўплаб, юришга шай қилиш мумкин эди, лекин ҳарам ахли учун бунга деярли бир ҳафта вақт кетарди. Хотин-халажларнинг кийимлари учун мўлжалланган сандиқларсиз уларни жойидан кўзғатиб бўлмасди. Никоҳ сарполари солинган сандиқларни икки киши таёққа осиб кўтариб юришганини Ҳиндистонда ҳозир ҳам кўриш мумкин.

Аёллар кўрпа-ёстиклар, лўла болишлар, гилам ва пардалар, чорпоялару хонтахталар, ошхона жихозлари – қозон-товоқ, косаю пиёлалар, патнислар, мусиқа асбоблари, болалар ўйинчоқларидан тортиб мактаб учун зарур бўлган ёзув-чизув жихозларигача – ҳамма-




ҳаммасини ўзлари билан олиб юрардилар. Қафасларда ўргатилган қушлар ва турли ҳайвонлар, бунинг устига, ҳар бири ўз юкини орқалаб олган юзлаб оқсочлар ва канизаклар ҳам улардан қолмасликлари керак эди.

От ва туяларга кажавалар ўрнатилиши, бегимлар учун тахтиравонлар ҳам ҳозирланиши керак эди. Булардан кўриниб турибдики, соҳиби тахтнинг «хат етгач, ўшул ҳафтада» йўлга отланилсин, деган фармонини амалга ошириш амри маҳол эди. Шу боис бўлса керак, малика Мохим бегим бошқалардан аввалроқ йўлга чиқиб, айтилган муддатда манзилга етиб келган эди.

Бобурнинг тўнғич ўғли шахзода Хумоюн мирзо ва Комрон мирзога Бадахшон ва Кобулда қолиб салтанатнинг шимолий ҳудудларини бошқариш ва мамлакат хавфсизлигини таъминлаш вазифаси топширилган эди.

Бобур Бадахшонда турган Хумоюн мирзога хат йўллаб, унга исён хавфидан огоҳ бўлишни, ғофил қолмасликни уқтирди. Кобулда қолган Комрон мирзога эса ўзининг аслзодалик мавқеига мос келадиган ишлар билан шуғулланишни насиҳат қилди. Комрон ўша йиллардаёқ қилдан қийиқ ахтариб, турли жанжаллар чиқариб туришга мойил эди. Аскарний мирзо бу пайтда отасининг буйруғига биноан ўз лашкари билан Бенгалияда эди. Ҳиндол мирзога эса ҳарамни Кобулдан Аграга кўчириб келиш тайинланган эди. Гарчанд Хумоюнни ғоят ардоқласа-да, Бобур тўртинчи ўғли Ҳиндолга ҳам алоҳида меҳр билан қарарди.


У яқиндагина Хумоюн билан Комроннинг никоҳ тўйларига «ўн минглаб тўёналар» тортиқ қилган, Ас-



карийга ноёб тулпорлар, қурол-аслаха, олтин ханжар ва совут юборган эди. Хиндолга эса, унинг ўзи каби шоир бўлишини орзу қилиб, қимматбаҳо тошлар қадалган давот — сиёҳдон, йирик дуру гавҳар билан безатилган курси ва алифбо, шунингдек, ўзининг хос буюмларидан сопига ёқут қадалган ханжар, камар ва бир нимчасини совға қилди. Лекин Бобурнинг ҳам, Гулбаданнинг ҳам хотираларида подшоҳнинг бу жажжи қизалокқа бирон нарса ҳадя этгани ҳақида сўз юритилмайди. Бу қизча отасидан бирон ҳадя қутмаган бўлса ҳам эҳтимол. Чунки унинг учун бировларга эргашиб бўлса ҳам подшоҳ отасининг ҳузурига кириш ва унинг дийдорига муяссар бўлиш ҳар қандай ҳадядан аъло кўринар эди. Шу боис бўлса керак, падари бузруквори ҳузурига бу юриш унга худди ҳаж сафаридек муқаддас ва ҳаяжонли туюларди. Негадир Гулбадан ўзининг ҳаж сафари ҳақида хотираномасининг ниҳоясидагина жуда қисқа хабар беради.

Шу тариқа малика Мохим бегим январь ойида Хиндистон сари йўлга чиқди. Сафар йўли Кобулнинг баланд қоялар устига жойлашган кўплаб катта-кичик қишлоқлари орқали ўтиши лозим эди. Бу қишлоқлар қалин паҳса деворлар билан ўралган бўлиб, уларни оралаб юриш маҳол эди. Йўлнинг қалин қор ва музликлар билан қоплангани йўл азобини янада кучайтирар эди. Онда-сонда дарёнинг кичик қўлчаларга қуйиладиган жойларидан кесиб ўтишга тўғри келарди. Хойнаҳой, ёз ойларида бу қўллар сувга тўлиб, кўм-кўк манзара ҳосил қилса керак.

Бутун сафар давомида Хиндикуш тоғининг қалин қор билан қопланган тизмалари қарвон кўз олдида



ястаниб ётганини тасаввур қилиш қийин эмас. Агар карвон Жалолобод орқали юрганда эди, сайёҳлар яйдоқ кир-адирлар оша ям-яшил майсалар билан қопланган воҳа орқали Ҳайбар довоининг юксак қоялар ва ўтиб бўлмас тик жарликлари бўйлаб юрган бўлардилар. Бу ерларда маҳаллий қароқчиларнинг ногаҳоний хужумларига ҳам дуч келиш мумкин эди. Айнан мана шу жой, янги ерга, янги иқлимга йўл очадиган дарвоза бўлиб, сафардаги аёллар уфқда кўкимтир товланиб кўзга ташланадиган бепоён текисликларни илғаган бўлишлари керак.

Моҳим бегим иккита, баъзан эса тўртта от устига ўрнатиладиган кажавада, баъзан эса маҳофада йўл босарди. Йўл текисроқ бўлган жойлардан ўтишда маҳофани кўтариб юрувчи хизматкорлар тезроқ ҳаракат қилардилар. Нима бўлганда ҳам карвон жуда секинлик билан илгариларди. Баъзан эса ўн қадамча бўлган қуруқликдаги масофани аёллар учун хавфли бўлгани боис, эркаклар Кобул дарёси орқали солларда бир неча соат давомида босиб ўтардилар. Шуниси кишини хайратга соладики, ўша пайтларда кўпчилик аёллар сингари Моҳим бегим ҳам сузишни биларди.

Канизаклар ва чўрилар учун ҳам маҳсус кажава ёки маҳофалар бўлса ҳам, уларнинг кўпчилиги отда юрардилар. Баъзан жажжи Гулбадан Моҳим бегимнинг кажавасидан чиқиб, хизматкор аёл, қул ёки бирон навкарнинг эгарига мингашиб сайр қилган бўлиши ҳам керак. Маҳсус соқчи навкарлар, албатта, карвонни кўриқлаб бориши шарт эди.


Гулбаданнинг асосий вазифаси турли латифалар, қизиқ хангомалар билан Моҳим бегимнинг ўкинч тўла



кўнглини кайғудан бир оз чалғитиш эди. Чунки Бобур Ҳиндистон сари юришга кетган 1525 йилда муддатидан илгарирок, шахзода Фаррух мирзо дунёга келган эди. Чақалоқ нозик бўлганидан икки ёшга етмай дунёдан кўз юмган эди. Моҳим бегим уни подшоҳ отасига кўрсатиш иштиёқи билан ёниб турган бир пайтда ана шу кўнгилсиз ходиса юз берган эди. Шу боис Моҳим бегим куюниб, юрак-бағри эзиларди. Гулбаданнинг юмуши эса, одатдагидек таскин-тасалли бериб унинг кўнглини кўтаришдан иборат эди. Бу эса, табиийки, осон иш эмас эди.

Эҳтимол, садоқатли Сарвқад ўз қўшиқлари билан уларнинг дилларини бир оз ғамдан холи қилгандир. Эҳтимол, навкарлар ҳам юришларда айтиладиган зафарона қўшиқларини куйлашгандир. Нима бўлганда ҳам, карвон гоҳ тўхтаб, гоҳ юриб аста-секинлик билан кундан-кун илгари қадам ташларди. Кундузи йўл юриб, тунлари Бобур чопарлар ва карвонлар учун махсус қурдирган карвонсаройларда дам олинар эди. Бу манзилларда от-улов учун бошпана, ем-хашак, кудук ва чайлалар мавжуд эди.

Кечалари карвоннинг шовкин-сурони атрофга таралади: отлар туёғининг дупури, қафасдаги паррандаларнинг дон-дун талашиб қағиллашлари, кўриқчи итларнинг вовуллашлари, карвон жойидан кўзғалгандан кейин ташлаб кетилган овқат қолдиқларини талашиб еяётган чиябўриларнинг увиллашлари узоқдан қулоққа чалиниб турарди. Шунингдек, уйкудаги ҳарам аҳлига ҳалақит бермаслик учун паст овозда гашираётган эркаклар ва соқчиларнинг овозлари ҳам эшитилиб туради. Ҳавода эса оловга ташланган тезак хиди




анкийди, қозонларда пиширилаётган овқат ҳиди димокка урилади.

Эҳтимол, Гулбадан кечалари ҳеч кимга сездирмасдан ташқарига чиқиб, Ҳиндистоннинг юлдузларга тўла улкан осмонига тикилиб-тикилиб ўтирган бўлса керак. Ҳар куни от устидаги чайқалишу силкинишлардан у ҳам, шубҳасиз, қаттиқ толиқади. Карвон пасттекислик жойларга етганда ҳаво янада мусаффо тус олиб, кишига ҳузур бағишлайди. Шимолий Ҳиндистонда февраль ойида ҳаво хануз совуқ, аммо кундузлари илиқ бўлади. Ҳинд дарёсидан карвон қандай ўтганини ҳеч ким билмайди. Дарёнинг нариги қирғоғига эҳтимол, солларда сузиб ўтишган бўлишлари мумкин.

Карвон ҳозирги пайтда Мўлтон ва Панжоб номи билан аталадиган тупроғи унумдор ҳудудга кириб келаётган эди. Мохим бегим ва ҳамроҳлари оралаб ўтадиган бу ердаги қишлоқлар ва шаҳарлар атрофи эндигина униб чиққан ғаллазорлар, гуллаётган бодомзор ва мевазорлар билан ўралган. Ҳар куни янги, гаройиб бир ҳодисага дуч келардилар. Булар ҳақида Гулбадан ҳеч нарса ёзмаган бўлса ҳам, кундан-кун унинг нигоҳи қаршисида одамни лол қолдирадиган янги-янги гўзал манзаралар очиларди.

Афғон юртида у омов қўшиб ҳайдаш учун ишлатиладиган тарғил хўкизларни кўришга одатланиб қолган эди. Бу ерда эса асосан сув чиқариш мақсадида ишлатиладиган, шохлари афғон хўкизларининг шохидан хажман уч марта йирикроқ бўлган қўтосларни учратди. Маймунлар, улар умрида кўрмаган турли қушлар, дарахт шохидан ўтирган ажойиб товуслар қар-




вон аҳлини ҳайратга соларди. У пальма дарахтларини, кокос ёнғоғи ва хурмо дарахтини, шакарқамиш, нон ва папайя дарахтларини, ёнғоқларнинг бител ва арека деб аталган турларини, банан ва хурмонинг бошқача турларини ҳам учратди. Қизик, илгари у ҳеч банан татиб кўрганмикан?

Кечалари чор-атрофдан бузоқбоши, чигиртка ва бошқа ҳашаротларнинг чириллаши, шунингдек, пашшаларнинг ғувиллаши эшитилиб туради. Ўзлари билан бирга пашшахоналарини олиб келган аёллар хотиржам ухлайдилар. Бунинг устига, чорпоялар остига ҳашаротларни ҳайдайдиган хид таратувчи турли ўсимликлар шохлари тутатиладиган кулдонлар қўйилади. Баҳор ойларида ҳиндларнинг уйларидан ёки ёзги қароргоҳларидан ана шундай хид уфуриб туради.

Сафар тафсилотларини Моҳим бегим Бобурга юборган хатдан билиб олса бўлади. Чопарлар тезкорлик билан ҳаракат қилсалар ҳам бу хатни эгасига етказиш учун бир ой, балки бундан ҳам кўпроқ вақт зарур бўлгандир.

Апрель ойининг биринчи кунида Бобур Моҳим бегимнинг Ҳинд дарёсига етиб келгани ва унинг навкарлар сардори томонидан кутиб олингани ҳақида хабар олди. Карвон манзилга яқинлашган сари ҳар сафар тўхтаган жойда унинг уч-тўрт кун қолиб кетишига тўғри келарди. Чунки кажав ва маҳофаларни кўтариб юрувчи хизматкорлар ҳам, отлар ва юк ортилган жониворлар ҳам тез орада ҳолдан тойиб қолар эди. Олға юрган сари одамларнинг юзига иссиқ ҳаво тафти уриларди, баъзан кўтариладиган тўфондан кўз очиб бўлмасди, кийим-кечак ва сочлар орасига чанг




Ўтирар, одамлар ва отлардан аччиқ тери хиди анқиб турардики, Моҳим бегимнинг атир-упалари ҳам бу хиддан фориф бўлиш имконини бера олмасди. Малика ўтирган махофа атрофи пардалар билан маҳкам ўралгани боис унинг ичи дим ва нафас олиш маҳол эди.

Ниҳоят, июнь ойининг 27-кунида карвон Аграга яқинлашиб қолди ва ана шу кундан эътиборан Гулбадан сафар тафсилотларини шундай деб давом эттиради: «Онам ҳазратлари Кўл (ҳозирги Алигарх) шаҳрига етиб келганларида подшоҳ бобом уч отлик киши билан иккита кажава юборибдилар. Биз дарҳол Агра томон йўл олдик. Подшоҳ ҳазратлари бизни Кўли Жаломийда кутиб олиш ниятида эканлар. Лекин аср намози пайтида бир киши келиб «Бегимни икки қурух нарида кўрдим», дебди. Подшоҳ бобом ҳатто отини эгарлашларига ҳам тоқат қилолмай, пиёда йўлга чиқиб, келиб онам ҳазратларини кутиб олдилар. Онам отдан тушмоқчи бўлдилар-у, лекин бобом қўймасдан ўзлари онамнинг отлари жиловидан тутиб, ўз уйларига еггунга қадар пиёда келдилар».

«У киши ортиқча кутиб тура олмасдилар». Афтидан, Бобурнинг Моҳим бегимга бўлган муҳаббати чексиз эди. Шу боис бўлса керак учрашувнинг илк дамларида Гулбадан билан кўришишга ошиқмадилар. Ярим кечагача қизалоқ карвон тўхтаган қароргоҳда қолиб кетди. «Онам подшоҳ бобомнинг ҳузурига кетаётганларида, менга «Кундузи келиб, ҳазрат билан кўришгин», деб тайинладилар».

Гулбадан ўшанда шох сулоласига мансуб аслзода бўлиш нима эканлигини илк бора хис қилган бўлса




керак. Унинг ихтиёрига «... тўққизта туя, икки тўққиз от, иккита қўшимча кажава» юборилган эди. Бир маҳофани Кобулдан олиб келган эдилар. Умуман, онамнинг юзга яқин мўғул хизматкорлари кўп зебийнатлар билан безатилган чонқир отлар минган ҳолда келдилар.

Подшоҳ бобомнинг вазири (халифа) ўз хотинлари билан бирга Навчирон деган жойда менга пешвоз чиқдилар. Мен маҳофада ўтирар эдим. Энагаларим мени кичик бир боққа туширдилар. Бир гиламни ерга ёзиб, мени гиламга ўтказдилар. Бобонг ўзининг халифаси билан келганда, ўрнингдан туриб кўришгин, деб таъинладилар. Бобомнинг халифаси келиши биланок, ўрнимдан туриб кўришдим...

Бобомнинг халифаси менга ҳар бири ярим руний қийматга эга бўлган беш минг шохрухий пул ва бешта от ҳадя қилди. У кишининг хотинлари Султоним эса, уч минг шохрухий ва учта от бериб, нонушта тайёр, агар овқатлансангиз, биз бандалар жуда мамнун бўлар эдик, деди. Бу таклифни қабул қилдим». Бу вазиятда Гулбадан таклифни албатта қабул қилиши шарт эди. Акс ҳолда ўртада ноқулай вазият юзага келиши мумкин эди.

«Бир яхши жойда қатта супа қилинган ва бир неча чодирлар ўрнатилган бўлиб, улардан биттасининг устки қисми майин қизил мовутдан бўлиб, ички қисми Гужарот зарбофи билан қопланган эди. Яна соябон шаклидаги олтита чодир ўрнатилган бўлиб, улар ҳам майин мовут ёки зарбофдан қилинган эди. Уларнинг ҳар бири турли рангга бўялган эди. Бошқа тўрт устунлик шоҳона чодирлар ҳам майин мовутдан




тикилган бўлиб, уларнинг устунлари хар хил рангда эди».

«Нонушта» деганлари нонушта эмас, балки кўпрок зиёфатга ўшарди. Элликка яқин қўй сўйилиб, қовурдоқ пиширилган эди. Нон ва турфа хил мевалар, шираворлар ва шарбатлар мўл-кўл эди.

Бундай зиёфатларда тухум дўлмани товук, ғоз ёки қирғовул қорнига сўнгра уни сўйилган қуён қорнига, тиқиб, ер ўчоқда димлаб пишириларди. Сўнгра бутун бошли қўйни бутунича пиёз, бодом, pista ва майиз аралаштириб тайёрланган зирвак билан улкан лаганларда дастурхонга тортилган. Унинг ёнига мўғулий девзира гуручи, қўйнинг калласи, пишлоқ ва заъфарон кўшиб тортилган.

Шоҳона патирлар энг олий нав ундан хамиртуруш, сут ва бир оз шакар қўшиб ёпилган. Зиёфат охирида хонтахта ёки гилам устига ёзилган дастурхонларга патнисларда пўчоғи арчилиб, тозалаб, тиликланган ёки устига шакар сепилган апельсин, ўрик, ёнғоқ каби мевалар тортилган. Эҳтимол, Гулбадан мангодан ҳам тотиб кўрган бўлиши мумкин, чунки ўша пайтда айни манго пишган пайт эди.

Жажжи малика бундай дабдабали дастурхон устида одоб юзасидан қаддини ростлаб, тик ўтириши лозим эди. Фақат ўғил болалар ва эркакларгагина лўла болишларга суяниб ўтиришга изн берилган эди. Шуниси кизиқки, ўтган тунда Гулбадан миужжа қоқмай тонг оттирган эди. Шу боис уни уйқу тортиб, боши қуйи эгилгудай бўлса, шоҳона елпигичларда унинг пашшасини хайдаб ўтирган қанизаклар ёки энагаларидан бири уни астагина туртиб, ўзига келтириб қўярди.




«Ниҳоят, овқатланиб бўлгач, — дея ўша узоқ давом этган зиёфатни олтмиш йилдан сўнг эслаб ҳикоя қилади Гулбадан, — мен маҳофага ўтириб, ҳазрат подшоҳ бобом ҳузурига бориб, кўришиб, ўзимни унинг пойига ташладим». Бу буюк хайрат онлари эди. Қизалоқ учун бу нотаниш ота нафақат қахрамон, балки подшоҳ, шаҳаншоҳ, ҳадиси шарифларда айтилганидек, «Аллохнинг ердаги сояси» эди.

«Мен ўзимни унинг пойига ташладим...» деб ёзди Гулбадан. Лекин отаси Бобур табиатан дилбар шахс бўлгани сабабли, аёллар ва болаларга нисбатан ҳамиша саховат ва мулойимлик билан муомала қиларди. «Ҳазрат кўп ҳолу аҳвол сўрадилар», — деб давом этади Гулбадан ва аста-секин қизалоқ қалбидаги ҳадиксираш ва тортиниш туйғулари чекина боради.

Бобур ҳам ўз навбатида ғойибдан пайдо бўлиб қолган ва ўзининг оқила ва мафтункорлиги билан уни хайратга солаётган бу қизчага мафтун бўлиб қолган эди. «Ул ҳазрат анчагача мени бағрига босиб, тиззаларида олиб ўтирдилар ва мен ҳақир шу онларда ўзимни шунчалик бахтли ҳис қилдимки, буни тасаввур этиш кийин».

* * *

Бобур ўз хотираномасида Аграни «бесафо ва ҳароб ер» деб таърифлайди. Ҳақиқатан ҳам, Жамна дарёсидан эсадиган шабадага юз тутиб турадиган бу шаҳарни Қизил қалъа ва Тоғ Маҳал мақбараларисиз шаҳар сифатида кўз олдимишга келтириб бўлмайди. Ана шу бинолар Аграни бутун дунёга машҳур қилган. Бобур бу ерга келганда Марварид масжиди ёки



Жасмин минораси хаџи қурилмаган бўлса-да, ўзининг гўзалликка, аслзодаларга хос турмуш тарзига ва албатта, сувга бўлган иштиёки туфайли Бобур бу ерларга ободончилик уруғларини қадаган эди. «Аграга келгандин бир неча кундин сўнг, — деб ёзади у «Бобурнома»да, — ушбу маслаҳатқа Жун суйидан ўтуб, боғ ерларини маслаҳат қилдук. Андоқ бесафо ва хароб ерлар эдиким, юз жароҳат ва нохушлиғ била андин убур эттук. Бу ернинг макрухлиғи ва нохушлиғидин чорбоғ хаёли хотирдин чиқди. Мундин ўзга мундоқ ёвуқ ер Аграда чун йўқ эди. Неча кундин сўнг зарур бўлиб, бу ерга-ўқ илик кўюлди».

«Аграда сув бўйига иморатлар бино қилишни буюрдилар. Тошдан ясалган бу иморатни — ўзларининг хилватхоналарини харам ва боғ ўртасига солишни буюрдилар, — деб давом этади Гулбадан. — Бу бионинг ўртасига ховуз ва бино атрофидаги тўрт бурчагига хужралар қилинди, дарё қирғоғига бир шийпон солинди».

Бобур Аградан жануброқда жойлашган Секри ва Дўлпур шаҳарларида ҳам боғлар барпо этишга фармон берган эди. Уларни Мохим бегимга фахрланиб кўрсатди.


«Аграга келганимиздан кейин уч ой ўтгач, подшоҳ хазратлари Дўлпурга кетди. Хазрат Мохим бегим билан мен ҳам сайр қилиш мақсадида Дўлпурга жўнадик. Дўлпурда бир бутун харсанг тошни ўйиб, мўъжаз бир ховуз ясалган эди. ... ховуз қачон тайёр бўлса, уни шароб билан тўлдираман, дер эдилар. Рона Санга билан бўлган жанг олдидан шароб ичишдан тавба қилганликлари сабабли, ховузни нукул лимон



шарбаги билан тўлдирадилар». Шарбат тўла тошҳовуз кизалоқ учун ҳам ажойиб туюлган бўлиши табиий.

Бу сурурли кунлар харамнинг қолган қисми етиб келгунча Моҳим бегим билан Гулбаданнинг подшоҳ хазратлари ҳузурида ором билан ўтказган фарахбахш ва ғанимат дамлари бўлган эди. Афсуски, Гулбадан шахсан ўзи ҳақида жуда кам ёзган, ёзганлари ҳам кўпроқ шу кунларга тааллуқлидир. Айнан ана шу кунларнинг бирида Гулбаданнинг бир қўли қаттиқ лат еган эди.

Секри шахрида бунёд этилган боғда Бобур яна бир шийшон ва унинг устига пашшадан сақланиш учун товурхона (*товур* — тўр дегани — *тарж.*) қурдиради. Бобур бир куни бу боғда Куръон ўқиб ўтирар экан, Моҳим бегим билан Гулбадан, уларнинг жориялари ҳамда подшоҳнинг тўртинчи хотини Биби Муборака бегим ҳам ўша боғнинг этак қисмида дам олаётган эдилар. Биби Муборака Кобулдан Моҳим бегим ва Гулбадан билан бирга келган бўлиши ҳам мумкин. Лекин унинг номи ҳеч қаерда тилга олинмаган. Эҳтимол, у энг кичик суюкли малика бўлгани ва ҳали фарзанд кўрмагани боис Бобурнинг сафарларида, ҳатто жангга отланганида ҳам унга ҳамроҳлик қилиб юрган бўлиши мумкин. Унинг Бобурдан бошқа суянадиган бирон яқин кишиси йўқ эди, қолаверса, у сафар кийинчиликларига бардошли аёл эди. Аслида, бир оз дағалроқ бўлиб, Гулбаданнинг қўлини чиқариб қўйган ҳам у эди. «Мен ва Афғоний оғача (Биби Муборака) охирги эшик олдида ўтирган эдик, онам намоз ўқимоқ учун туриб кетган эдилар. Мен Афғо-




ний оғачага «Қўлимдан тортинг», дедим. Афғоний оғача қўлимдан тортган эди, қўлим чиқиб кетди, офрикка чидолмай йиғлай бошладим».

Юз берган кўнгилсиз воқеани тасаввур қилиш мумкин. Биринчи галда Биби Мубораканинг ўзи учун жуда ноқулай вазият юзага келган эди. Чунки у билан кичик малика ўртасида бир-бирига нисбатан ҳақиқатан ҳам кучли мойиллик бор эди.

Гулбаданнинг қўли чиғаноғидан чиқиб кетганми ёки бирон-бир майда суяги синган эдими, бирон нарса дейиш қийин. Чунки Гулбадан бунинг тафсилотини ёзмаган.

Хойнаҳой, билак суяги ўрнидан қўзғолиб кетган бўлиши керак. «Охири камонгарни олиб келиб, қўлимни боғладилар ва сўнг подшоҳ бобом билан Аграга қайтиб кетдик». Бу Гулбаданнинг отаси Бобурни илк бор «подшоҳ» деб аташи эди. Афтидан, айни Ҳиндистонда кизалоқ «ғолиб», «ғозий», «подшоҳ» сўзларининг туб моҳиятини, ўзининг аслзода подшоҳлар сулоласига мансуб эканини англай ва бу туйғудан ифтихор қила бошлаган эди. У бутун умри давомида ана шундай шарафли мансублик хиссиёти билан фахрланиб яшади. Подшоҳни «ота» ёки «бобо» деб аташ унинг ўз ихтиёрида эди. Чунки у отасининг ўзига бўлган меҳру мурувватини яхши ҳис қиларди. Бирок бундай оромбахш кунларнинг поёни кўриниб қолган эди: ҳарамнинг қолган қисми ҳам пойтахтга етиб келгани ҳақида хабар келган эди.

Аввалига ҳамма нарса жой-жойида бўлгандек, оёйишталик ҳукм сурди. Ҳарам карвони бошида Хонзода бегим келарди. «Подшоҳ бобом ҳазратлари оқажо-




ним — аммам хазратларини муносиб кутиб олиш учун у кишининг истикболига пешвоз чиқиб, Навгиронгача келдилар. У улуғ зот билан бирга ҳамроҳ бўлиб келган бошқа бегимлар ҳам подшоҳ хузурига келиб, мамнун ҳолда он хазратларига ўз эхтиромларини билдирдилар. Улар эсон-омон етиб келиб подшоҳ хазратлари билан дийдор кўришганлари учун шукрона қилиб, у кишининг ҳакига узундан-узук дуолар қилдилар ва шундан сўнг Агра томон йўлга чиқдилар.

Подшоҳ хазратлари бегим мақомидаги аёлларнинг ҳар бирига алоҳида турар жой ажратиб бердилар. Ёши улуғ бегимлар, жиянлар ва яна бошқа баъзи яқин қариндош бўлган хонимларга харамдан ташқарида алоҳида яшашлари учун рухсат этилиб, шароит яратиб берилди.

«Қисқаси, — деб ёзади Гулбадан бу ҳақда, — ҳаммаси бўлиб тўксон олти кишига уй-жой ва бошқа хил ҳадялар берилди». Бундан ташқари, подшоҳ хазратлари салтанат бош меъмorigа шундай буйруқ берди: «Мен сенга бир иш буюраман, яъни менинг аммаларим, мураббияларим учун зарур бўлган ҳар қандай иш бўлса, сўзсиз бажаргин».

Подшоҳ хазратлари ҳар жума куни пешин намозидан кейин аммалари ва энагаларини зиёрат қилиб турардилар. «Бир куни ҳаво жуда исиб турган пайтда онам Моҳим бегим хазратлари: «Бугун ҳаво ниҳоятда иссиқ, бирор жума уларни кўргани бормасангиз, бегимлар хафа бўлмаслар», — деди. Подшоҳ онам хазратларининг бу гапидан хайратга тушиб, шундай дедилар: «Моҳим, сиздан бу гапнинг чиқиши тааж-жубдир. Ҳазрат Абусаид мирзонинг қизлари ўз отала-




...дан жудо бўлиб, бу ерга, менинг
...а келганлар. Агар мен уларнинг кўнглини ол-
масам, унда нима бўлади?»

Харамнинг бир жойга жойлашиб, жамулжам бўли-
ши анчагина эътирозлар, рашк ва ҳасадгўйликлар,
ҳаттоки баъзи ўринларда кўзёши тўкилишига ҳам са-
баб бўлди. Ана шу ғалвалардан ўзини олиб қочиш
учун бўлса керак, подшоҳ хазратлари Мохимбегим,
Гулбадан, эҳтимол, унинг сингилларидан бири ҳам-
роҳлигида шаҳарнинг сўлим жойларидан бирида
бунёд этилган Зарафшон боғига бир оз ором олиш
учун йўл олдилар. Шу кунларда Бобуршоҳнинг кўнгли
хилватроқ масканни қўмсаб қолганини тушуниш мум-
кин эди.

«Бу боғда бир таҳоратхона қурилган эди, — дея
баён қилади Гулбадан. — Уни кўрган подшоҳ бобом:
«Салтанат ва ҳукмдорликдан ҳам кўнглим қолди. Шу
Зарафшон боғида бир гўшада ўтирсам. Менинг хиз-
матимга Тохир офтобачи ҳам етиб ортади. Подшоҳ-
ликни Хумоюнга берсам», — дедилар. Шу замон онам
ва отамнинг ҳамма фарзандлари бу гапдан ғамгин
бўлиб, йиғлашиб, «Худои таоло сизни ҳамиша под-
шоҳлик мансабида тутсин, кўп йиллар ва беҳисоб
асрлар ўз паноҳида асрасин, ҳамма фарзандларингиз
ўз қўл остингизда камолга етишсин», дейишди.

Бирок ўшанда Бобурнинг кўнгли аллақандай но-
хушликни олдиндан сезганми, ёки ҳаётдаги салбий
ходисалар қаттиқ таъсир этганми, харқалай, унинг
дилида хотиржамлик сезилмас эди. Чунки, аввалам-
бор, Гулбаданнинг туғишган укаси, Дилдор Оғача
бегимнинг бағрида тарбия топаётган ягона ўғли, унинг




умиди ва қуввати бўлган тўрт ёшли шахзода Алвор кутилмаганда вафот этган эди. Шахзоданинг бетоблиги кўнгилларга чуқур ғашлик солган эди.

«Алвор мирзонинг тоби қочиб қолди. Унинг касали қорин оғриғига айланиб кетди. Ҳақим ва табиблар даволашга қанча уринмасинлар, унинг дарди кундан-кунга оғирлашаверди. Охири шу дард билан фоний дунёдан боқий дунёга рихлат қилди».

Ўшанда шахзода Алвор тўрт ёшда эди. Бобур Ҳиндистонга келиши арафасида Дилдор бегим унга ҳомиладор бўлган эди. Суюкли ўғлининг бевақт ўлимидан Дилдор бегим ниҳоятда изтироб чекарди. «Хафалик ҳаддан ташқари ошиб кетгани боис подшоҳ хазратлари онамга ва бегимларга: «Юринглар, бир Дўлпурга бориб сайр этиб келайлик», дедилар. Ўзлари кемага ўлтириб, саломатлик билан сувдан ўтдилар ва ўша куни Дўлпурга етиб бордилар. Бегимлар ҳам кемага ўтириб, сувдан ўтмоқчи бўлдилар».

Кемалар жуда ҳашаматли эди. Чодирлар, пар ёстиклар, хатто шоҳона турмуш тимсоли бўлмиш алвон ранг елканлар ҳам бор эди. Кемалар кафти юрак шаклида ясалган эшкаклар воситасида махсус эшкакчилар томонидан ҳаракатга келтирилар эди. Бундай эшкаклардан Кашмирда ханузгача фойдаланилади. Эшкакчилар аёллар жойлашган ва махсус пардалар билан ўралган хона ортида ўтиришарди. Кема ҳаракатини узун эшкак ушлаб олган дарға бошқариб борарди.


Дарё узра таралаётган ашула оханги, сув юзида бир маромда сузиш, мўътадил хаво Дилдор бегимнинг дилига бир оз таскин бергандек бўлди. Ўша



жойда Моҳим бегимнинг кўнглидан нималар кечгани, нима деганию нималар қилгани ҳақида Гулбадан ҳеч нима демайди. У туққан онасининг бундай аздорлигини назардан қочирганми? Ахир, бу китобни ёзаётган даврида, яқиндагина у ҳам кичик ўғли Фарруҳдан жудо бўлган эди-ку. Дилдор бегимнинг мусибатига албатта Бобур ҳам шерик бўлган. Дарё бўйлаб ташкил этилган бу сайру томоша шундан далолат беради. Бироқ тақдирга тан бермай наилож. Ёш болалар ўлими ўша пайтда кенг тарқалган офат эди. Ҳиндистонга четдан келган болаларнинг кўпчилиги ичбуруғ касали туфайли дунёдан кўз юммоқда эди. Буни қарангки, орадан кўп ўтмай, Бобур билан Моҳим бегим ҳам бу дардга мубтало бўлдилар.

Ҳарам Кобулдан чиқиб, Ҳиндистон сари йўл олганини эшитгач, ўн икки ёшдан бери Бадахшон ҳокими лавозимида ўтирган Ҳумоюн мирзо отасининг рухсатисиз, уларнинг ортидан Ҳиндистонга қараб йўлга чиқди. У Комрон мирзо билан бу масалада келишиб, кичик шаҳзода ўн ёшли Ҳиндол мирзони Бадахшонга, ўзининг ўрнига юборишга қарор қилди. Бу ҳол эса подшоҳ Бобурнинг Ҳиндол мирзони ҳарам аҳлига ҳамроҳ бўлиб Аграга келиши лозимлиги ҳақидаги буйруғини бажаришдан бош тортиш демак эди.

Бундан хабар топган подшоҳ дастлаб қаттиқ ғазабланди. Салтанатнинг шимолий ҳудудлари чегараларини хавфдан ишончли тарзда ҳимоя қилиш ва қулай фурсат пойлаб Амударёнинг нариги қирғоғига ўтиш режалари унга кўндан буён ором бермай келарди. Бироқ энди бу режаларга путур етадиган кўринади.



Энди яқин кишиларидан бирини Бадахшонга ҳоким сифатида жўнатиб, у ердан Хиндол мирзони чакириб олиши лозим.

Ҳумоюннинг болаларча қилган ўзбошимчалиги анчадан бери отасининг режаларини барбод қилиб келарди. Хиндистонни забт этишда ҳам Ҳумоюн ўз қўшини билан тезда етиб келиш ҳақидаги буйруқни бажармай, онаси бағрида эркаланиб ётиб, қимматли вақтни бой берган эди. Бунинг натижасида юриш муддати ортга сурилиб, жанг талофат билан тугашига бир баҳя қолган эди. Лекин Ҳумоюн энди эркатой бола эмас, балоғат ёшига етган йигит эди. Гарчи фарзанди тақдир тақозоси билан узоқ яшамаган бўлса ҳам, у оталик мақомига эришган киши, ахир. Шу боис унинг хурмача қилиқларидан подшоҳ отасининг дарғазаб бўлиши табиий, албатта. Бироқ бу ғазабнок ҳолат узоққа чўзилмади. Суюкли ўғли Ҳумоюн кўз олдида намоён бўлиши билан Бобурнинг эътирозларидан асар ҳам қолмади. Бу ҳақда унинг ўзи шундай деб ёзади: «... ўшул соатким, биз анинг онаси билан отини тугтиб, сўзлашиб ўлтуриб эдукким, ета-ўқ келди. Кўнгиллар гул янглиғ очилиб, кўзлар чирокдек ёруди... Ва алҳақ суҳбатта бебадал эрди ва инсони комилким дерлар, ўшал эрди...»

Бобур Ҳумоюннинг Деҳлига боришига ижозат берди, бироқ Дўлпурдаги оромбахш, осойишта кунлар ниҳоялаб қолган эди. Шу пайтда Деҳлидан Ҳумоюннинг жиддий бемор экани ва «аҳволи анча оғир» экани ҳақида хабар келиб қолди. Хатда «...Ҳазрат бегим тезлик билан Деҳлига келсинлар, мирзо ниҳоятда бетоқат бўлмоқдалар», дейилган эди.




«Бу хабарни эшитган замон онам ҳазратлари сабр-сизландилар», деб ёзади Гулбадан. Моҳим бегим дархол Дехлига жўнади. Бу орада Хумоюнни дарё орқали кемада бу ерга олиб келишаётган эди. Йўлда улар учрашганда, «Хумоюн мирзонинг ахволи эшитганларидан кўра ўн баробардан ортиқ заиф ва мажруҳ эканини ўзларининг жаҳонни кўрувчи кўзлари билан кўрдилар. У ердан она ва бола худди Исо ва Марямдек, — деб ёзади Гулбадан, — Аграга қайтиб кетишди. Аграга етишган ҳам эдики, мен ҳақир опаларим билан бирга фаришта табиатли ҳазрат (Хумоюн)ни кўргани бордим.

У кишининг касали борган сари оғирлашиб борар эди. Хар замонда ҳазрат хушларига келган вақтда гавҳар сочувчи тиллари билан бизларга мурожаат қилиб, ҳамшираларим, хуш келибсизлар, келинлар, бир-биримизни қучоқлайлик, чунки сизлар билан қучоқлашиб кўриша олмадим, дердилар».

«Подшоҳ ҳазратлари келиб беморни кўришлари биланоқ нуруний чехраларини қайғу ва алам туйғулари қамраб олди». Бу туйғу борган сари чуқурлашиб борарди. Шу орада «онам ҳазратлари Моҳим бегим алам билан: «Сиз менинг фарзандим тақдирига бепарвосиз, чунки сиз подшоҳсиз, сизнинг бошқа ўғилларингиз бор, нима ғамингиз бор! Мен ғам чекмай не қилай, ахир, у менинг яккаю ягона фарзандим», — дедилар.

Бегимнинг қайғу тўла юрагидан чиққан бу изтиробни эшитгач, Бобур уни дархол юпатишга интилди: «Моҳим, гарчи менинг бошқа ўғилларим бўлса ҳам, уларнинг биронтасини Хумоюнчалик яхши кўрмайман, шунинг учун ҳам бор давлатимни, салтанат-




ни жаҳонда ягона, нодири замон сеvimли, ўғлим — Ҳумоюнга бағишламоқчиман, бошқаларига эмас, дедилар».

Шаҳзодани оёкқа турғазиш учун табиблар бор маҳоратларини ишга солиб харчанд уринмасинлар, ижобий натижа кўринмади. Ҳумоюн янада заифлашиб, ҳолдан кета бошлади. Аёллар уни тиббий йўл билан даволаб бўлмаслигига ишонч ҳосил қилиб, бемор ҳақига дуолар ўқиб, Худога илтижо қила бошладилар.

Шарқда шундай бир эътиқод, ишонч борки, унга биноан, агар бирон кимсанинг — у аёлми, эркакми ёки ёш болами — аҳволи оғирлашиб қолса, унинг энг қадрли ва азиз нарсасини Аллоҳ йўлида садақа қилиш лозим бўлади. Агар бу садақани Яратган ўз даргоҳида қабул қилса, бунинг эвазига Аллоҳ беморнинг жонини қайтариб беради, деган тушунчага биноан аввал дуо ўқилади, ҳозир бўлганларнинг барчаси биргаликда Парвардигорга илтижо қиладилар; ундан кейин Аллоҳга муножот этувчи бемор атрофида айланиб илтижо қилади. Фарзандининг ҳоли тобора оғирлашаётганини кўриб, Бобур унга ўз жонини бахшида этди. Бош вазир ва унинг садоқатли мулозимлари бу журъатдан даҳшатга тушиб ёқа ушлайдилар: Бобур Ҳумоюн учун ўз жонини қурбонликка атади!!!

Арқони давлат ва яқинлари подшоҳни бу фикрдан қайтишини ўтиниб сўрадилар. Улар муттасил дуо ўқиб, Аллоҳнинг номини айтиб бетўхтов илтижо қилишга, Худо йўлига Бобурнинг хазинасидаги Кўхнур номли дунёдаги энг қимматбаҳо йирик олмосни садақа қилишни таклиф этдилар.






Бунга жавобан Бобур:

«... дунё моли анинг ивазига нечук бўлгай, мен анинг фидоси қилурменким, ҳол анга мушкул бўлибтур», — деди. Гулбаданнинг ёзишича, «Подшоҳ ҳазратлари Хумоюн ётган кўшк атрофида айлана бошлади. Бу иш сешанба куни бошланди ва чоршанба ҳам илтижо билан ўтди. Ҳаво ўта иссиқ бўлганидан унинг юраги, жигар-бағри олов каби ёниб ўрганарди. Бемор атрофида айланиб, Яратганга илтижо билан тавалло қилар экан, у шундай деди: «Эй Парвардигор, агар жонга жон алмаштириш мумкин бўладиган бўлса, мен Бобурнинг жони ва борлиғини олгину Хумоюннинг жонини сақлаб қолгин».

Бу ҳақда «Бобурнома»да шундай ҳикоя қилинади: «Ва андин ўтибдурким, мен анинг бетоқатлиғини тоқат келтургайман. Ўшул ҳолатга кириб, уч қатла бошидин ўргулиб, дедимким, мен кўтардим ҳар не дардинг бор...»


«Шу куннинг ўзидаёқ жаннатмакон ҳазрат подшоҳнинг товлари кочиб қолди. Шаҳзода Хумоюн эса ўз бошларидан сув қўйиб, ташқарига чикди ва соғайиб кетди», деб ҳикоя қилади Гулбадан. Бобурнинг иситмаси тобора кўтарилар эди. Икки ёки уч ой мобайнида у дард билан олишиб ётди, аммо берган онтига амал қилиб, соғайиш чорасини қидирмади. Унинг атрофидаги аъёнлар, мулозимлар бунга ишонмас эдилар. Чунки улар ўз сардорини илгари ҳам бир неча бор ярадор, бемор, захарланган ҳолда кўрган эдилар. Ҳар сафар ҳам у бардош билан бирга дарддан хайратомуз тарзда тез фориг бўлар эди. Бу сафар эса у



соғайишдан бош тортиб, юзини девор томонга ўгирганча сукут сақлаб ётарди.

Подшоҳ кундан-кун заифлашиб борар экан, соғлиги яхши бўлиб Дехлига жўнаб кетган Хумоюнга мактуб юбордилар. «У киши тезлик билан етиб келди. Қиблагоҳи билан кўришиб, отасини ниҳоятда холсизланган ҳолда кўрди. Ҳасрат тўла қалби тўлқинланиб, хўнграб йиғлаб юборди ва табиблардан: «Мен уни соғлом ҳолда қолдириб кетган эдим, не ҳол юз берди?» дея сўради. Улар ҳам бир нималар деб жавоб берган бўлдилар. Бемор подшоҳ эса ўша ҳолатда ҳам: «Ҳиндол қаерда? У нима қиляпти?» деб сўрарди. Тинимсиз «Эҳ, афсус, минг бор афсус, Ҳиндолни кўра олмадим, деб зорланар, хузурига кирганлардан «Ҳиндол қачон келади?» деб сўрарди. У Хумоюндан кўра ўзига кўпроқ ўхшаган Комроннинг исмини нима учундир тилга олмасди. Бенгалияда отасининг салтанатини мустаҳкамлаш учун баҳодирларча жанг қилаётган Аскаррий мирзони ҳам негадир эсламади. Эҳтимол, улардан кўнгли хотиржам бўлса керак. Чунки, уларга шахзодалик мақомининг белгилари, яъни шохона либослар, байроқ, шахзодалар саройга кириб чиқадиган пайтда тантанавор тарзда чалинадиган ноғора ва қўшин сардори боши узра кўтариб юриладиган туғ тўлиғича берилган эди.

Бобур подшоҳ «касалик асносида онамга (Моҳимбегимга): Гулранг бегим билан Гулчехра бегимни куёвга узатиш керак, деб таъкидладилар», деб ёзади Гулбадан. Дилдор бегимнинг қизлари бўлмиш у маликалар Гулбаданнинг опалари эди. Аммо Бобур Гулбаданнинг ўзи ҳақида бирон нима дегани маълум эмас.




Эхтимол, уни ҳали жуда ёш деб ҳисоблагандир. Балки ўзининг бўлажак илк рафиқаси Ойша бегимга беш ёшлик чоғида унаштириб қўйилгани ва бу никоҳнинг қандай тугаганини эслаб, севикли жажжи қизалогига ундай тақдирни раво кўрмагандир.

Подшоҳ қизларига бўлажак куёв сифатида икки нафар чигатой султонларининг исмларини тилга олади. Бу исмлар Моҳим ва Дилдор бегимга, аниқроғи, бобурийлар хонадонининг онахони Хонзода бегим эътиборига ҳавола этилган эди.

Бу борада Гулбадан шундай деб ёзади: «Ҳазрат оқажоним эса, (яъни Хонзода бегим): «Худо муборак қилсин, хўп яхши маслаҳат ўйлабдилар, дедилар». Дарҳол шахзода ва султонларга одам юборилиб, саройга чорладилар. Уларнинг оёқлари остига поёндоз ёзилди. Уларга бир қатор куёвлик сарполари кийдирилиб, муборакбод қилдилар ва тўйни ўтказиш муддати келишиб олинди. Моҳим бегимнинг таклифларига биноан бўлажак куёвлар тиз чўкиб, салтанат соҳибига таъзим бажо айладилар.

Гулбадан доим меҳрибон, истараси иссиқ аммаси ҳузурида бўлишга ошиқарди, чунки шу дақиқаларда подшоҳ хазратларининг дарди яна хуруж қила бошлаган эди. Ҳумоюн подшоҳ отасининг оғир аҳволини кўриб, яна бетоқат бўларди. Гулбадан Ҳумоюн мирзони аллақачон Ҳумоюн подшоҳ дея атарди. Бобурнинг ҳоли кундан-кун оғирлашиб, муборак чехраси тундлашиб борарди.

Эртаси куни барча амирлар, беклар ва султонлар ҳузури муборакка чорланиб, уларга қарата подшоҳ шундай дедилар: «Кўп йиллардан бери Ҳумоюн мир-




зога подшоҳликни топшириб, ўзим Зарафшон боғининг бир бурчагида истикомат қилсам, деган фикрим бор эди. Аллоҳнинг марҳамати билан ҳамма нарсага муяссар бўлдим. Фақат биргина мана шу орзуим рўёбга чиқмай турган эди. Шу ниятимни вужудим соғ пайтда рўёбга чиқарсам, деган ниятим бор эди, бўлмади. Дард мендан ғолиб келди. Сизларга айтадиган васиятим шуки, барчангиз Ҳумоюн мирзони менинг валиаҳдим деб билингиз. Унга садоқат билан хизмат қилингиз. У билан бир тан, бир жон бўлингиз. Яратгандан умидим борки, Ҳумоюн мирзо ҳам ўз кишиларига нисбатан яхши муомалада бўлади. Яна, Ҳумоюн, укаларингни, ҳамма қариндош-уруғларни, барча яқинларимни сенга, сени эса Худога топширдим. Худо барчангизни паноҳида асрасин», дедилар.

«Бу сўзлардан, у ерда ҳозир бўлганлар, бу вазиятни кузатиб турганларнинг ҳаммаси хўнграб йиғлаб юбордилар. Подшоҳ ҳазратларининг муборак кўзлари ҳам жикқа ёшга тўлди. Уч кун ўтгач, бу улуғ зот фоний дунёдан боқий дунёга рихлат қилдилар».

Бобур 1530 йилнинг 25 декабрида ёруғ олам билан видолашди. «Фарзандлар, яқин қариндошлар ва бошқа одамларнинг бошига қора кун тушди, — деб ёзади Гулбадан бу ҳақда, ўша мусибатли кунни йиллар оша изтироб билан эсларкан. — Ҳамма фарёд-фиғон кўтариб, бетоқат бўлардилар. Ҳар ким ўзининг махфий бурчагида мана шу қора кун дардини чекарди».

Айниқса, Гулбадан учун бу мусибат ҳаммадан ҳам оғир кечди. Айнан ана шу кейинги ойларда у подшоҳ отасини яқиндан таниган, унга нисбатан жажжи қал-



бининг тўридан чексиз меҳр-мухаббат туйғулари уй-фонган эди. Моҳим бегимнинг юраги бир томондан қайғуга тўлган бўлса, иккинчи томондан, ўглининг отамерос тахтига эга бўлганидан чексиз фахрланарди.

«Эртаси куни мусулмонлар тақвими бўйича жумодил аввал ойининг муқаддас жума куни, 1530 йил 29 декабрда Ҳумоюн подшоҳ хазратлари тахтга ўтирдилар. У кишининг подшоҳлигини ҳамма муборакбод қилди», деб ёзади Гулбадан бегим.

Бобурни аввалига Жамна дарёсининг қирғоғига ўзи барпо этган Ором боғига дафн этдилар. Бу боғ хозирги кунда Тож Маҳал қад кўтарган жойнинг рўпарасида эди. Моҳим бегим мотам ва таъзия маросимларининг тўла адо этилишини таъминлаб турди: қирқ кун мотам тутилди, кечаю кундуз қорилар қабр устида Қуръон тиловат қилдилар. Бу ишга олтмиш кишидан иборат ҳофизли Қуръон жалб этилди, кунига беш вақт намоз ўқилди. «Онам эса ҳар куни икки маҳал ош ташкил қилди. Бунинг учун эрталаб бир мол, икки қўй ва беш эчки сўйилди, кечкурун эса беш эчки сўйилиб қурбонлик қилинди. Онам ўзи тирикликларидан то икки ярим йилгача ҳар куни икки маҳал таом тайёрлашга бош бўлиб, бобом мазорларига бақишлар эдилар».

Моҳим бегимнинг бу маросимлари тугагач, Бобурнинг энг кичик хотини Биби Муборика (Афғоний оғача) унинг жасадини Кобул шаҳрига, Бобур ўзи орзу қилган Боғи вафога кўчиртириб келиб, дафн эттирди.





Гулбаданнинг таъкидлашича, «Фирдавс макон ҳазрат (Бобуршоҳ) вафотларидан кейин жаннат ошиён (Хумоюншоҳ) ўн икки йил давомида Хиндистонда ҳукмрон бўлдилар. Фуқаро тинчлик ва осойишталикда умргузаронлик қилди, у кишига бўйсуниб, итоатда бўлди». Афсуски, бу ҳол Гулбаданнинг назарида намоён бўлган алдамчи манзара эди.

Хумоюн ҳукмдорлигининг биринчи кунлариданоқ отаси Бобуршоҳ «салтанат ташвишлари» деб атайдиган ҳолатга дуч кела бошлади. Унинг ишлари ҳадеганда олға босавермади. Хумоюннинг ўша даврдаги ҳаёти ўзи тасаввур қила олмайдиган жанглар, исён ва хоинликларга қарши курашларга тўла ҳолда ўтди. Унинг ҳаёт йўли ўзи эътиқод қилган илоҳий оятлар нури билан ойдинлашган бўлса-да, бироқ бу дуолар умрининг охириги пайтларидагина ижобат бўла бошлади.

Ваҳоланки, агар Хумоюннинг ҳаёт йўлида асосий тўғаноқ бўлган икки сабаб — ўзининг афъюнга одатланиши ва укаларининг хоинликлари бўлмаганида эди, унга омад эртароқ кулиб боққан бўларди. Бобурнинг васиятига биноан тахт масаласи теурийлар анъанасига биноан ҳал қилиниши лозим эди. Бу удумга кўра давлат бошлиғи вафот этгач, унинг мулки фарзандлар ўртасида тақсимлаб берилиши лозим эди. Ле-




кин Ҳумоюн учун бу удумни амалда татбиқ қилиш осон кечмади. Отасининг «укаларинг жазога лойиқ иш қилсалар ҳам, уларга қарши чора кўрмагин», деган васияти унинг қулоқлари остида муттасил жангларга турарди. Ҳарамдаги бегимлар ҳам бу фикр-ни қувватлаб турардилар.

Агар Эрон шоҳи сингари ёки қўл остидаги рожалар каби ака-укаларининг ўзига нисбатан заррача хиёнатини сезиб қолиши биланок ёки умуман бирон-бир сабабсиз ҳам уларни ўлимга маҳкум этганида, эҳтимол, иш анча энгил кўчган бўлармиди. Маълумки, ҳинд рожаларидан бири тахтни эгаллаши биланок ўзининг 14 нафар ака-укаларини, тахтга даъво қилишларидан хавфсираб, барчасини қатл эттирган эди.

Ҳумоюн эса соҳиби тахт даражасига эришгач, ота бир, она бошқа укаси Комрон мирзога Панжоб вилоятини бериб, уни Кобул ва Қандаҳор ҳокими этиб тайинлади, Аскарӣй мирзога Мўлтон вилоятини, Ҳиндол мирзога Мевор вилоятига қўшиб, Марвар ва Гужаротни ҳам инъом этди. Бу билан у, тўртовлон ака-ука отадан қолган салтанатни бус-бутун сақлаган ҳолда, Гулбадан тахмин қилганидек, тинч-осойишталикда яшайдилар, деб умид қилган эди.

Ҳумоюн жуда кўнгилчан, четдан қараганда, умуман ақл бовар қилмайдиган даражада соддадил ва ишонувчан инсон эди. Одатда, шўрвадан оғзи куйган одам қатикни ҳам пуфлаб ичади, дейдилар. Бироқ Ҳумоюн шундан ҳам тўғри хулоса чиқариб ололмас эди. Масалан, у ҳақиқий дўстларим, деб ҳисоблаган Гужарот султони Баходиршоҳ ва афғон султонларидан бўлмиш Шершоҳлар, аксинча, ўзининг ашаддий



фанимлари эканини англагач, хайратдан ёқа ушлаган эди. Кейинроқ уларга қарши бир неча бор шиддатли жанглар олиб боришига ҳам тўғри келди. Шуни айтиш лозимки, Хумоюн отаси олиб борган жангларда ҳам фаол иштирок этиб, қахрамонлик намуналарини кўрсатган. Охирги жангларидан бирида у енгиб бўлмас қалъа ҳисобланган Чампанёр қалъасини тўрт ой камал қилиб, таслим этди. У тунда қалъа деворидан ошиб тушиб, дарвозабонларни қалъа дарвозаларини очишга мажбур қилган эди. Қалъа девори устидан хужум қилиб турган ҳимоячиларнинг ўқлари тинимсиз ёғилиб турган пайтда қалъанинг харсанг тошдан тикланган қояли деворига саксонта бакувват қозиклар қоқиш ва уларга таяниб деворга тирмашиб чиқишга эришгани унинг жасорат ва матонатини кўрсатади. Девордан дастлаб ошиб ўтган қирқ йигитнинг ичида Хумоюн ҳам бор эди. Ана шундай шонли ғалабадан кейин у ўз ҳарбий мавқеини мустаҳкамлаб, шиддат билан илгарилаш ўрнига, забт этилган саройда хафталаб, баъзан ойлаб маишатга берилар, шикорга чиқар, зиёфат ва базмлар уюштириб, ғазалхонлик ва майхўрлик қилар, тинимсиз афъюн истеъмол этар эди. Бу эса уни, табиийки, беғам ва атрофда бўлаётган воқеаларга бефарқ қарайдиган лоқайд бир кишига айлантириб қўйган эди. Саройдаги бегимлар ҳам бундан буён кунлар шу тарика осойишта давом этаверади, деган хаёлга борган бўлсалар керак.

Эхтимол, Гулбадан, ўша ўтган 10 йил ҳақида мамнуният билан ёзганида жанглар саройдан узоқда бўлгани боис, сарой ва ҳарам ҳаёти одатдагидан ҳам кўра дабдабалроқ тарзда кечаётганини кўриб, Аграда тинч-




лик ва осойишталик ҳукм сурмоқда, деб ўйлаган бўлса, ажаб эмас.

Дарвоқе, бу орада Мохим бегим ҳам вафот этди. У умрининг охиригача нафақат Бобурни, балки ҳамма нарсани кундошларидан рашк қилиб ўтди. «Мен оламдан ўтгач, подшоҳ Бобурнинг қизлари (у Гулбадан билан унинг опаларини назарда тутиб) Биби Мубораканинг уйида, ундан ҳам ёмони, Дилдор бегимнинг кўлида қоладими?» деб сўради бир куни онам менадан», деб ёзади Гулбадан бу ҳақда.

Такдир ҳукми билан вақти-соати етиб, Мохим бегим бу фоний дунёни тарк этди. «Шаввол ойида, — деб ёзади Гулбадан, — онамнинг ичлари оғриб қолди ва ҳижрий 940 йил шаввол ойининг ўн саккизинчи куни, яъни 1534 йил 23 апрелда, ўткинчи дунёдан боқий дунёга хиром этдилар. Подшоҳ бобом ҳазратларининг болалари учун етимлик доғи яна янгиланди. Айниқса, мени онамнинг ўзлари катта қилганликлари сабабли бошимга катта мусибат тушди, кўп ғам тортидим, кечаю кундуз йиғладим».

Гулбадан Мохим бегим тарбиясида вояга етгани учун унинг хатти-ҳаракатида бегимнинг таъсири сезилиб турарди. Шу боис, тарбия қилган онасининг вафотидан кейин ўзининг тукқан онаси, опа-сингиллари уни қандай қабул қилишаркин? Ана шундай ўй-фикрлар Гулбаданга тинчлик бермасди. «Икки ёшлигимдан онам ҳазратлари мени ўз уйларига олиб тарбиялаган эдилар. Мен ўн яшар эканимда у киши вафот этдилар», деб ёзади Гулбадан.

Гулбадан хали-ҳануз подшоҳ Хумоюннинг меҳроқибати ва ғамхўрлигидан баҳраманд эди. Хумоюн




ҳам онасининг вафоти боис азадор эди. У волидаи мухтарамасини жуда эъзозлар эди. Уни Гулбадан билан боғлаб турган ришта ҳам аслида шу эди. «Отам билан онам вафотларидан кейин бу синик кўнгилни кўтариш учун шундай ният қилдилар ва бу бечора ҳақирга шундай беҳад шафқат кўрсатдиларки, етимлигим ва ёлғизлигимни асло сезмадим», дея эслайди Гулбадан.

Ўшанда Хумоюн подшоҳ Гулбаданни ўз хифзи-ҳимоясига олган бўлиши ҳам мумкин, чунки у деярли бир йилгача Моҳим бегим саройида истиқомат қилди. Бир йилдан сўнг эса, у туккан онаси Дилдор оғача ҳузурига кўчиб келиб, тез фурсатда бу оила ахлининг хурмат-эътиборига сазовор бўлди. Орадан ўтган ўн йиллик муддат давомида бобурийлар саройи гуллаб-яшнади, равнақ топди, бу даргоҳда ўсиб вояга етган фарзандлар учун ҳузур-ҳаловат маконига айланди.

Сарой янада ҳашаматлироқ тус олиб, Хумоюннинг тасавури ва ижодкорлиги боис янада улғуворлик касб этди. Буларнинг барчаси, албатта, катта молиявий сарф-харажатларни талаб қилди.

Моҳим бегимнинг қатъий талабларидан халос бўлган ўсмир ёшидаги Гулбадан энди ўзининг ювош ва кўнгилчан онаси Дилдор бегим ҳузурида, мулоим ва бағрикенг аммаси Хонзода бегим тарбиясида эди.

Подшоҳ акаси Хумоюн эса мунтазам равишда уларни зиёрат қилгани келиб турарди. У кўнгли тусаганда кўпроқ шикорга чиқар, чавгон ўйнар, филлар ёки туялар жангини ташкил қилар, турли базмларда иштирок этиш билан машғул бўлар эди.




Хумоюннинг тахтга чиқишига бир йил тўлиши муносабати билан берилган зиёфатларнинг бири Гулбаданда шундай чуқур таассурот қолдирган эдики, у базмда иштирок этган бегимлар ва султонларнинг исм-шарифларини бирма-бир санаб ўтади. Айниқса, маликалардан иккитаси унинг хотирасида ёрқин из қолдирган эди.

Гарчанд бўйи етиб қолган бўлса ҳам, Гулбадан ўзини ҳали ҳеч нарсадан беҳабар қизалоклардек тутар эди. Унинг ёзишича, «... бегимлар мардона кийимларни кияр ва чавгонбозлик, тирандозлик каби ҳар хил ҳунарларга уста бўлиб, мусиқа асбобларидан кўпчилигини чалар эдилар».

Зиёфат дарё бўйига қурилган «Тилсим» ёки «Мўъжиза» деб аталган, саккиз бурчакли базмлар уйида берилган эди. Унинг ҳашаматини Гулбадан шундай тасвирлайди: «Бу уйнинг олдида Тилсим тўйи учун онам тақдим қилган олтин тахт қўйилиб, бу тахт пойига зардўзи кўрпачалар тўшалган эди. Подшоҳ ҳазратлари билан оқажоним тахт қаршисидаги бир кўрпачага ўтиришди... Бу тахтнинг усти ва тагига зар тикилган гиламлар ташланган ва уларга узунлиги бир ярим газлик марварид шода укалари қадалган эди... Кичик хонада соф тилладан ишланган чорпоя, токчаларда шамдонлар, шаробхўрлик учун керак бўладиган, олтин ва кумушдан ясалган идишлар қўйилган эди.

Бу токчаларнинг бири девонхона томонида, қибла тарафга қаратилган, иккинчиси эса боғ томонда бўлиб, шарққа қаратилган эди... Юқоридаги уч уйнинг устида учта болохона қурилган. Биринчи уй «Давлат уйи» дейилар эди. Бу даргоҳда уруш асбобларидан




тўқкиз хили — олтин қилич, олтин аслаха, олтин камар ва ханжар жомудҳар (учи эгилган ханжар), ўқдон (садок) бўлиб, уларнинг устига зар тикилган кўрпуш ёпилган эди...

Иккинчи хона «Саодат уйи» деб аталар эди. Бу уйда жойнамоз, китоблар, олтин суви билан оро берилган қаламдон, чиройли жуздон, нозик расмлар солинган альбом ва хуш хатлар сақланар эди».

Ўзининг назмга бўлган ихлоси туфайли Хумоюн бу кутубхонани кўз қорачиғидек асрар эди. Унга асқотган дуолардан бири шу бўлдики, кейинроқ у жангда мағлуб бўлиб қўшини тарқаб кетиб, мол-мулкидан айрилиб, кимсасиз чўлда дайдиб юрган кезларида рўпасидан бир нортуя чиқиб қолади; унинг устига ортилган хуржундаги моллар эса ўзининг энг қимматбаҳо ноёб китоблари бўлиб чиқади.

«Учинчи уй «Мадор уйи» дейиларди», деб ёзади Гулбадан. Бу уйда қимматбаҳо тошлар қадаб ишланган олтин чорпоя, унинг устига хушбўй сандал солинган идиш қўйилган бўлиб, атрофига бежирим кўрпачалар солинган. Ўртага зарбоф матолардан тайёрланган дастурхон ёзилган, унда турли мевалар, турфа ширинликлар мухайё этилган эди. Шу тарзда айшу ишрат учун зарур бўлган барча анжом ва неъматлар ҳозирлаб қўйилган эди.

Гулбадан ёшлигида иштирок этган базмлардаги каби ушбу зиёфатда ҳам ичига тухум билан тўлдирилиб қовурдоқ қилинган қўйлар, турли шифобахш ва хушбўй гиёҳлар билан ишлов берилиб қовурилган ёки тандирда димлаб пиширилган дўлмалар, анвойи хил ҳонлар, сарёғда димланган, устига ўта хушбўй қора



зира сепилган палов, ёки сутда, заъфарон солиб пиширилган сариқ гурунч тортилган эди.

Шакар кўшиб тайёрланган ширин гўштлар аввал шакар талконга беланиб, сўнг ораларига варақ кўйиб юпқа холда келтирилар ва кумуш идишларда димлаб пишириларди. Шунда улар юпқа ва юмшоқ бўлиб пишарди. Турли-туман сабзавотлар, писта, бодом, ёнғоқ, майизларнинг турфа хиллари дастурхонда мухайё этилган эди. Баъзан дастурхон оппоқ таомлар билан тўлғазиларди. Мўътабар меҳмонларга бошдан оёқ сарполар, қимматбаҳо совға-саломлар ҳадя этиларди. Созандаю хонандалар меҳмонлар хизматида эди.

Меҳмонлар тушган кемалар ҳафсала билан безатиларди. Олий тоифадаги меҳмонлар келган қайиқлардан бири икки қаватли бўлиб, унинг қуйи қавати анвойи гуллар билан қопланган ажиб бир жаннатмакон гўшага айлантилган эди. Қисқаси, «тангри у киши (Хумоюн подшоҳ)нинг муборак дилларига шу янглиғ ихтиротларни солдики, буни ким кўрса, таажжубланиб, хайратда қолар эди».

Хонзода бегимнинг ўғли Хуррамшоҳ ўн яшарлигида бевақт вафот этганидан кейин бегим хазратлари бир кизни асраб олганди. Гулбадан оқажонисининг шу қизини шахзода Ҳиндолга никоҳланиши муносабати билан катта тўй базми уюштирилганини эслаб ёзади: «Тўй шундай яхши бўлган эдики, бундай тўй подшоҳ отанинг бошқа фарзандларига насиб этмади». Келинга «тўққизта тугмаси ҳар хил қимматбаҳо тошлардан бўлган нимча бердилар. Бу тугмаларнинг бири ёқутдан, бири гавҳардан, бири зумраддан, бири феру-




задан, бири айнул хиррадан бўлиб, бошқалари ҳар хил маъданлардан тайёрланган» эди. Гулбадан келинга берилган сарпо ва совғалар қаторида яна тугмалик ва чарқуб чаркитичи, бир жуфт лаъл кўзли халқа, бир жуфт дур кўзли халқа, учта понда, яна икки арқоқ, бир ўришли шойи чодир»дан тортиб, олтин ва кумуш идишларгача, отлар, чўрилар ва ниҳоят, «уч занжир фил» билан тугаллаб, ҳаммасини бирма-бир санаб ўтади.

Хукмдорлигининг илк йилларидаёқ Хумоюн янги пойтахт — Дехлини бунёд этиш учун қурилиш ишларини бошлаб юборган эди. Сешанба ва пайшанба кунлари девонда давлат аҳамиятига молик масалалар сарой аъёнлари билан муҳокама этиларди. Подшоҳ Аграда турган кунларда кўпинча шаҳар ташқарисида шикор ва базм учун қароргоҳлар бунёд этиларди. Бобуршоҳнинг бевалари ва болалари учун Хумоюн харамидан тўрдан жой ажратиларди. Афсуски, орадан кўп вақт ўтмай, бундай қароргоҳлар ҳарбий ҳаракатларни амалга ошириш мақсадида қуриладиган бўлди ва сарой базмлари шу тариқа деярли барҳам топди.

1534 йилнинг февраль ойида Хумоюншоҳ ўзининг сеvimли оромгоҳи бўлмиш Зарафшон боғини тарк этиб, исёнкор Баҳодиршоҳга қарши қўшин тортади. Жангда мағлуб бўлган Баҳодиршоҳ чекиниб, Чампанёр қалъасига яширинади.

Хумоюн қалъа деворидан ошиб тушиб, қаҳрамонона жасоратини намоиш этади.

Чампанёр қалъасини забт этганидан кейин орадан кўп вақт ўтмай, у шахзода укаси Аскарининг Аграни эгаллаш ниятида юрганидан хабар топади ва шу са-




бабли деярли бир йил Аграда муқим туриб қолади. Бу эса унинг яна бир ашаддий ғаними — афғон султонларидан бўлган Шершоҳ Сурга қўшин тўплаб, яхши тайёргарлик билан Хумоюнга қарши юриш уюштириши учун қулай имконият туғдирди.

Шершоҳнинг ўзига қарши ҳарбий куч тўплаётганидан беҳабар Хумоюн ўз давлати ҳудудини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш иштиёкида бўлган барча ҳукмдорларга хос тарзда яна ҳарбий юришга шайлана бошлади ва 1537 йилда Банорас вилоятини, ундан ўтиб Бенгал вилояти пойтахти Гаур қалъасини қўлга киритди. Бу ғалабадан мағрур бўлган Хумоюн, афсуски, яна маишатга берилиб кетди.

Гулбадан тасвирлаган навбатдаги лавҳалардан бирида унинг туғишган акаси Ҳиндол мирзонинг Хумоюншоҳ сиёсатидан норози бўлиб, исён кўтариши ҳақида боради.

Хумоюн Бенгалияга келишдан аввал эндигина ўн саккизга қадам қўйган шахзода Ҳиндол мирзони Агра билан алоқаларини таъминлаб туриш мақсадида орда қолдириб кетган эди. Ҳиндол мирзо ўзига билдирилган ишончни суиистеъмол қилиб, Аграга келиб ҳокимиятни эгаллаб олди. Бунинг устига, Хумоюншоҳ юборган кекса ва ишончли киши бўлган чопарни шафқатсизлик билан қатл эттирди. Гулбадан ва ҳарамдаги бошқа бегимлар учун энг аянчлиси шу бўлдики, Ҳиндол мирзо мусулмонлар учун муқаддас ҳисобланган жума куни ўқиладиган махсус хутба намозини подшоҳ саройида ўқитди ва бу билан подшоҳнинг олий ҳукуки бўлган шартни бузиб, ўзини салтанат ҳукмдори, деб эълон қилди.




Бу воқеа Ҳумоюншоҳнинг кўзини мошдек очиб қўйди: у дархол Гаурни тарк этиб, Агра томон йўлга чиқди. Бироқ унинг ҳарамни, ҳар сафаргидай, тезкорлик билан отланишга ҳалақит берарди. Бундан анча олдин Бобуршоҳ Ҳиндистонда хотин-халажни жангларга эргаштириб бормаслик лозимлигини яхши тушуниб олган эди. Темурий маликаларнинг соатлаб отлик йўл босиши, таъқиблардан қочиши, хибсга тушган ҳолларда қийинчиликларга бардош бериши, қолаверса, ҳарбий қароргоҳлардаги турмуш тарзини ташкил қилиш билан боғлиқ оворагарчиликлар туфайли кўп вақт беҳуда ўтиб кетарди.

Ҳумоюн фақат ўзига тегишли ҳарамни ўзи билан бирга олиб юрса-да, унинг эрка хонимлари эҳтиёжи учун турли безаклару хизматкор чўрилар зарур бўларди. Шу боис ҳарам жуда сусткашлик билан ҳаракат қилар, бундан ташқари, уни душман кўзидан яшириб олиб юришга тўғри келарди. Боз устига, подшоҳ ҳарам аҳлини Ганг дарёси бўйлаб кемада олиб келишга буйруқ бериб, яна бир хатога йўл қўйган эди. Улар кечаси дарё қирғоғида тунаш учун тўхтаганларида қирғоқдан ҳужум қилган рақиблар дарё бўйлаб ортга қайтиш йўлини тўсиб қўйдилар. Айни шу пайтда Шершоҳ ўз одамлари билан уларга ҳужум бошлаб қолди.

«Охир Тангрининг хоҳиши билан шундай бўлдики, — деб ёзади Гулбадан, — бепарво бўлиб ўтирган эдилар, Шершоҳ келиб босди. Лашкар енгилиб, кўп одамлар асирликда қолдилар. Бу жангда хазратнинг муборак бошлари яраланди».

Улар Чауза деб аталган дарё бандаргоҳи устида жанг қилаётган бир пайтда Шершоҳ келиб яна бир




кучли зарба берди. Бу шармандаликка олиб келган охирги зарба бўлган эди. Бу жангда Шершоҳ ўзича инсоф доирасида ҳаракат қилмоқчи бўлиб, Ҳумоюннинг ҳарамини ўз ҳимоясига олишга уринди-ю, бироқ ўз одамларини бошқара олмай қолди. Темурийлар олиб борган жанглار тарихида биринчи бор аёллар ва болалар ўлдирилди ёки бедарак йўқолди. Бу ҳақда Гулбадан ўкиниб ёзади: «... сувга чўқдим, нима бўлди, ҳар қанча текшириб, ахтариб қўрилса-да, ҳеч қандай хабар топилмади». Қурбон бўлганлар орасида Ҳумоюннинг хотинларидан иккитаси ва тирик қолган ягона фарзанди — кичик малика Ақиқа ҳам бор эди. Уларнинг тақдири нима бўлганини ҳеч ким билмасди.

Бағри ғам-ғуссага тўлган, ярадор Ҳумоюн бир амаллаб Аграга етиб боради. Қонуний ҳукмдор келаётганини эшитган Хиндол Деҳлига қочиб қолади. Бу ерда у вазиятни ўрганиш ҳамда ўзини Кобул ва ши-молий ҳудудлар подшоҳи сифатида эълон қилишни пойлаб, Кобулдан келаётган Комрон мирзонинг қўлига тушади.

Комрон мирзо Гулзор боғида тўхтаб шу ерга қароргоҳ қурган эди. Бобурийлар бунёд этган боғларга қўйилган номларда «зор» (кўп, мўл маъносидаги) қўшимча сўзи тез-тез қулоққа чалиниб туради. Аммо бу боғларда гул ёки олтин мўл бўлганми-йўқми, бу ҳақда тарих ҳеч нарса демайди. Бироқ шундай бир удум бор эдики, кейинчалик бобурийлар Кашмирни истило қилиб, ўз ҳукмронлигини ўрнатиш учун Шринагарга келганларида маҳаллий халқ уларни олқишлаб, Желум дарёсига минглаб гул-чечакларни мўл-кўл қилиб сув юзига сепишган эди.





Саройдаги ёши улуғ хонимлар қаторида Комрон мирзо ҳам ярадор подшоҳни кутгани унинг истиқболига чиқди. Хонимларнинг юзлари маъюс эди, чунки улар бобурийлар олиб борган жанглар ҳамиша зафар билан якунланишига кўникиб қолган эдилар. Эндигина ўн етти ёшга тўлган Гулбадан ҳам улар орасида эди. Унинг ёзишича, бу учрашувда Ҳумоюн Гулбаданни дарров танимаган ва бу ҳолни изохлаб: «... Гаурга юриш қилган пайтда сен токи кияр эдинг, ҳозир лачак ва қасабада кўрганим учун танимай қолдим», деган.

Бу малика Гулбаданнинг никоҳда эканининг биринчи нишонаси эди. Куёвга узатилган қизлар, одатда, маржон ва укпарлар билан безатилган ҳарир қасаба ёки лачак (рўмол) боғлашарди. Гулбаданнинг эри Ҳумоюн саройидаги йирик мансабдорлардан бири бўлган Хизир Хўжаҳон эди. Гулбаданнинг ўзи куёви ҳақида китобида ҳеч нарса демайди, чунки у ўзи мансуб бўлган бобурийлар сулоласи олдида эрининг нуфузи ва обрўси қандай эканини яхши биларди. Хаттоки Хизир Хўжаҳондан бўлган ўғли Саодатёрнинг исмини ҳам фақат бир мартагина тилга олади. Яъни, акаси Ҳиндол мирзо ўлганда, афсусланиб: «Кошки у тиф менинг юрагим ёки кўзимга, ёки ўғлим Саодатёрга, ёки Хизир Хўжаҳонга теккан бўлса эди», — дея куюниб эслайди. Айни дақиқаларда эса унинг фикри-зикри бутунлай Ҳумоюн ташвиши билан банд эди. Чунки Ҳумоюн унга нафақат марҳамат кўрсатди, балки юрагидаги ҳасрат-аламларини ҳам тўкиб солди. «Гулбадан, мен сени жуда кўп эсга олардим ва ҳар замон, кошки эди, уни ўзимга ҳамроҳ қилиб олиб




келган бўлсам, деб хаёл қилардим. Лекин ур-тўполон, жангу жадал бошланиб кетгач, Тенгрига шукр қилиб, яхшиям Гулбаданни олиб келмаган эканман, дер эдим. Гарчи Ақиқа ёш бўлса ҳам, нега уни лашкар билан бирга олиб келдим, деб юз минг афсус қилдим».

Хумоюн ука-сингилларига бағри ҳамон кенг, кечиримли ака сифатида муносабатда бўларди. У иниларининг, яқин дўст ҳисобланган кишиларнинг хоинлигини, хатто фитнакорлигини ҳам кечиришга тайёр эди.

Орадан бир неча кун ўтгач, Хумоюншоҳ Гулбадан ва Ҳиндолнинг тукқан онаси малика Дилдор бегим хузурига қўлида Қуръони карим билан кириб келди ва мулозимларга уларни холи қолдиришларини буюрди. Улар чиқиб кетгач, у Дилдор бегим ва Гулбаданга мурожаат қилиб деди: «Менинг кўнглимда Ҳиндолга нисбатан ҳеч қандай ғараз йўқ. Агар ишонмасангиз, мана» — шундай деб, у Қуръони каримни қўлига олди. Дилдор бегим ва Гулбадан Хумоюннинг қўлидан бу муқаддас китобни олдилар.

Бу ҳақда Гулбадан шундай деб ёзади: «Бир неча кундан кейин Подшоҳ ҳазратлари оналарини кўргани бордилар ва қўлларида Қуръон олиб келдилар. Ҳазрат одамларни бир соатга чиқиб турсинлар, деб буюрдилар. Одамлар чиқиб кетишди ва ҳеч ким қолмади. Охири, Ҳазрат ачам, бу ҳақир, Афғоний оғача (Биби Муборика), Гулнор оғача, Норгул оғача билан янгамга мурожаат қилиб, «Ҳиндол менинг қўл ва қанотимдир... Ҳозир менинг кўнглимда Ҳиндолга нисбатан ҳеч ғубор йўқдур. Агар ишонмасангиз...», деб




Куръонни қўлга олган эдилар, онам Дилдор бегим ва мен Куръонни у кишининг қўлларидан олдик. Ҳазрат яна, «Гулбадан, агар аканг Муҳаммад Ҳиндолни сен бориб олиб келсанг нима бўлар экан», — дедилар. Онам ҳазратлари: «Ҳали бу ёш кизчадир, ҳеч қачон сафар қилган эмас, агар қарор бўлса, мен борсам», — дедилар. Ҳазрат: «Мен сизга бу машаққатни қандай раво кўраман, лекин ота-оналар фарзанд учун ғам-хўрлик қилишлари лозим. Агар борсангиз, бизга ғам-хўрлик қилганингиз бўлади», — дедилар. Охир амир Абулбақони онам билан бирга ҳамроҳ қилиб, Ҳиндол мирзони чақириб келиш учун юбордилар».

Бу пайтда Шершоҳнинг Лакнов томон яқинлашиб келаётгани хақида хабарлар келиб турарди. Зудлик билан ҳаракат қилиш лозим эди. Бироқ Ҳумоюн қандайдир хаёл билан ишни орқага сура бошлади. Бу эса унинг амир ва бекларига, мулозим ва яқинларига бемаъни хол бўлиб туюларди.

Чауза дарёсида рўй берган фалокат пайтида Ҳумоюн оти билан дарёни кечиб ўтаётганда унинг остидаги от сувга чўкиб ўлди. Шунда подшоҳнинг бахтига орқасидан буқа терисидан қилинган мешни шишириб унга миниб сузиб келаётган бир мешкобчи уни ғарқ бўлишдан сақлаб қолди ва мешга миндириб, уни дарёнинг нариги қирғоғидаги хавфсиз жойга олиб чиқиб қўйди.

Мешкобчининг бу ҳимматидан миннатдор бўлган Ҳумоюн ҳаяжон ичида унга подшоҳлик тахтини ваъда қилиб юборди.

Пойтахтга етиб келишгач, мешкобчи подшоҳдан ваъдасини бажаришни талаб қилди. Сарой аъёнлари-




нинг эътирозларига қарамай, Ҳумоюн берган сўзи устидан чиқиб, мешкобчини ўз ўрнига тахтга ўтказди. Лекин ҳатто Гулбадан ҳам бу ишни маъқулламайди. Бу ҳақда у шундай деб ёзади: «Бу воқеадан сўнг подшоҳ ўша саққо ғуломни тахтга ўтказиб, ҳамма амирлар унга кўриниш берсинлар, ғулом эса, кимга нимани хоҳласа ҳадя этсин ва мансаб берсин, деб буюрдилар. Икки кунгача бу ғуломга подшоҳликни бериб қўйдилар».

Хиндол мирзо бу мажлисда йўқ эди. У қурол-аслаҳа тайёрлаш учун Алворга кетган эди. Комрон мирзо ҳам бетоблиги учун бу мажлисга келолмаган эди. Подшоҳ ҳазратлари ғуломга совғалар бериши ва шу каби мурувват қилишлари кифоя эди, уни тахтга ўтказишнинг нима ҳожати бор эди, дея ранжиган эди у. «Шерхон катта таҳдид билан яқинлашиб келаётган бир пайтда ҳазратнинг бу нима қилганлари, деб айтиб ҳам юборди».

Аммо Ҳумоюн бу танбеҳ ва эътирозларга қулоқ солмади ва Шершоҳ пойтахт сари шиддат билан олға интилиб турган таҳликали бир пайтда, саройдагиларнинг таъбири билан айтганда, ўзининг «ихтиро»лари билан банд бўлди.

Ниҳоят, Ҳумоюн даҳшат солиб келаётган бу ёвуз душманга қарши юришга отланди. Комрон мирзони Аграда ўзининг ўрнига қолдирди. Бирок Комрон ўзи учун хавфсизроқ бўлган Лохурга чекинишни маъқул кўрди. Ўзининг бетоб эканини рўқач қилиб, Гулбаданнинг ёрдамига муҳтож эканини айтиб, уни ҳам оиласи билан бирга олиб кетди. Бу билан, эҳтимол, у Гулбаданнинг эри Хизир Хўжахоннинг хизматидан



фойдаланишни ҳам кўзда тутган бўлса керак. Гулбадан бу таклифга қаттиқ эътироз билдирди, бироқ Комроннинг буйруғига итоат этмай иложи йўқ эди. «Охири йиғи-сиғи, опа-сингиллар, отамнинг одамлари, ака-укаларнинг ҳаммасидан айириб, зудлик билан мени олиб кетдилар», — деб ёзади Гулбадан. «Бу хусусда подшоҳнинг фармонлари борлигини кўриб, ноилож қолдим ва подшоҳ ҳазратларига, «мени ўз хузурингиздан жудо қилиб, Мирзо Комронга тақдим қилишингизни ҳеч кутмаган эдим», — дея хат ёздим. Охир бу ҳақирнинг орзусига жавобан Ҳазрат саломнома ёзиб юбордилар. Унинг мазмуни шундай эди: «Сени ўзимдан жудо қилиш кўнглимда йўқ эди, Мирзо кўп муболағалар билан ўтиниб илтимос қилди. Шунинг учун сени Мирзога топшириш зарур бўлиб қолди, чунки ҳозир биз ҳам муҳим бир иш бошидамиз. Худонинг инояти билан бу иш юришиб кетса, энг олдин сени талаб қилиб оламан».

Комрон Мирзо Лоҳурга отланганда, кўпчилик амирлар, савдогар ва бошқалар бир иложини топиб, бола-чақалари билан Лоҳурга жўнадилар. Улар Лоҳурга етиб келганларида Хумоюн Ганг дарёси бўйида бўлиб ўтган тўқнашувда жиддий шикаст еб, мағлуб бўлди, деган хабар келди. Бу Канауж деган жойда бўлиб ўтган жанг натижаси эди.

Ҳарамнинг бошқа аъзолари душманга қарши қахрамонона жанг қилган Ҳиндол мирзо билан кўп машаққат тортиб Лоҳурга етиб келдилар. Уларнинг кетидан подшоҳ Хумоюн ҳам бу ерга етиб келди.

Ҳар лаҳзада Шершоҳнинг бостириб келаётгани ҳақида ташвишли хабарлар келиб турарди. Шершоҳ




Аграни эгаллаб, у ерда янги ҳукмдорлар сулоласига асос солди ва тез орада яна Ҳумоюнни таъқиб қила бошлади. Подшоҳ унинг бу ҳаракатига жавобан: «Мен сенга бутун бошли Ҳиндистонни бердим, энди Лоҳурни тинч қўйгин», деган мазмунда хат юборди.

Лекин, Гулбаданнинг таъбири билан айтганда, «Худодан қўрмаган бетавфиқ, инсофсиз» Шершоҳ бу таклифни қабул қилмади, Ҳумоюннинг мактубига «Сенга Кобулни бердим, ўша томонга кетинглар», — деб жавоб қайтарди.

«Шершоҳдан ана шундай мазмунда хат келиши билан, — деб давом этади Гулбадан, — худдики киёмат-қоғим бошлангандек бўлди. Ҳазрат йўлга отландилар, жойлар ясатилганича, уй-жиҳозлари ва асбоб-ускуналар ҳам қандай турган бўлса, ўша холича қолиб кетди. Фақат қанча нақд пул бўлса, ўшани олишга улгурдилар. Худога шукурки, Лоҳур дарёсидан кечиб ўтса бўладиган жой топилди. Ҳамма одамлар сувдан кечиб ўтди».

Бу оммавий кўчиш бўлган эди. Ҳумоюншоҳ лашкарининг сардорлари саросима ва хавотирда, сарбозларнинг кўпчилиги яраланган ва ҳолдан тойган эди. Улар билан ўнлаб ҳимоясиз хотин-халаж, бола-чақа ва жулдур кийимдаги пиёдалар ҳам йўлга чиққан эди.

Ҳумоюннинг вазирлари хали вақт бор экан, узок кетишга улгурмаган Комронни тутиб, қатл этишни маслаҳат бердилар, аммо Ҳумоюн бу талабни яна рад этди. Бу ишни амалга оширишга қўнгли чопмади. Ҳарҳолда, Комроннинг ўн икки минг аскарлари бор эди. Унинг туғишган укаси Аскарӣ мирзо ҳам подшоҳдан юз ўгириб, ўз аскарлари билан акаси Комронга қўшили-



ши мумкин эди. Хаттоки Хиндол мирзо ҳам саховат-пеша Хумоюн уни афв этганидан сўнг подшоҳга бева-фолик қилиб, Мўлтонга кетиб қолган эди.

Хумоюн Шершоҳ таклиф қилганидек, Кобулга ҳам етиб бора олмаслигига имони комил бўлди. Подшоҳ ва одамларининг Панжоб орқали силжиши йўл икки-га ажраладиган жойда интихосига етди: йўллардан бири шимолий-ғарбга, яъни Кобулга, иккинчиси, жанубий-ғарбга, яъни Синд вилоятига олиб борарди.

Лашкари сони жиҳатидан устун бўлган Комрон Кобулга бориш йўлини тўсиб қўйган эди. Шу сабаб энди Хумоюннинг жанубга юришига тўғри келди.

Аёлларнинг эса ихтиёрлари ўзларида эмасди; уларни хар томонга тарқатиб юборишди. Фарзандлари нотаниш ва хавфли йўллар орқали Синд томон йўл олган аёлларни аччиқ қисмат кутмоқда эди. Дилдор бегим Хиндол билан Мўлтонга кетиб, Хонзода бегим эса Хумоюн билан бирга қолган эди. Кейинроқ уни Синддан Қандахорга элчи сифатида юбордилар. Гулбаданни эса Комрон ўзи билан бирга Кобулга олиб кетди.

Бошқа аслзода бегимлардан фарқли ўларок, Комрон Гулбаданга нисбатан алоҳида эҳтиром ила муо-мала қиларди. Бошқа бегимларга эса шахардаги ўз уй-ларига боришга рухсат бермади, уларни улуфа-маош ва нафақаларидан махрум қилди. Гулбаданга эса ало-ҳида гўша ажратиб берди. Афтидан, Хизир Хўжахон ҳам ўша мажбурий истикомат кунларида Гулбадан би-лан бирга турган, унинг фарзандлари ҳам айнан ўша даврда дунёга келган бўлса, ажаб эмас. Гулбадан ода-тига кўра, ўзининг шахсий хаёти ҳақида кам сўзласа



хам, тахминимизча, унинг икки ўғли ва бир қизи бўлган.

Гулбадан бегимнинг бу ердаги кунлари анча файзли ўтган бўлиши керак. Чунки унинг бу ерда кўпгина дугоналари, оилавий дўстлари бор эди. Қолаверса, орадан бир оз ўтгандан кейин, шармандаларча хибсга олинган Хиндол ҳам синов муддатини ўташ учун Кобулга олиб келинган эди. Онаси Дилдор оғача бегим хам унга ҳамроҳ бўлиб келган эди. Шундай қилиб, уларнинг оила аъзолари жамулжам эди.

Бироқ шуни унутмаслик керакки, Гулбадан имкон қадар ўзини Комрондан нари тутишга интиларди. Чунки бунга фақат Комроннинг баджаҳл ва шафқатсиз феъли сабаб эмасди. Гулбадан Хумоюнни беҳад ҳурмат-эҳтиром қилар, подшоҳ унинг учун қандайдир маънода муқаддас зот эди. Унинг эри Хизир Хўжахон хам, чамаси, Комронга мойил бўлиб, унинг тарафдори эди. Табиийки, бу хол Гулбадан учун катта мусибат эди.

Гулбаданнинг хожасига бу борада нима дегани қоронғи, аммо унинг бу қилиғидан қаттиқ ранжиган бўлиши керак. Айниқса, ўша даҳшатли йилларда Комронинг чопарлари ой сайин Хумоюннинг шармандали мағлубияти, унинг ўта қашшоқлашиб муҳтожликка тушиб қолгани ҳақида хабарлар келтириб турарди. Бу хабарлардан Комрон қанчалик мамнун бўлган бўлса, Гулбадан шунчалик эзиларди.

Бироқ Хумоюн ўзининг сўнмас умидворлигини ханузгача йўқотмаган эди. Унинг севимли оқ хўрози тонгда кичқириб, эгасини намозга даъват этарди. Агар у эрталаб сохибининг елкасига кўниб олгудай бўлса,



демак, бу кун яхшилик олиб келишидан дарак хисобланарди. Борди-ю бунинг акси бўлиб, ўша куни диллар ранжигудай бўлса ҳам, эртага кунга бўлган умид сўнмас эди.


Ўша мудхиш йилларда Гулбаданнинг хаётида ўз вақтида муҳим роль ўйнаган отаси Бобуршоҳ ва амаси Хонзода бегим каби яна икки нафар инсон пайдо бўлди. Уларнинг бири Хумоюннинг янги хотини Хамидабону бегим бўлса, иккинчиси унинг ўғли Акбар бўлди.

«Онам Мохим бегим, — деб ёзади Гулбадан, — Хумоюннинг ўғлини кўрсам, деган умид билан яшарди». Хумоюн Бадахшонда ҳокимлик қилиб турган пайтида бир ўғил кўрган эди, бироқ бу кезларда Кобулда турган Мохим бегим биринчи набирасини кўришга улгурмасдан чақалоқ оламдан ўтган эди. Хуллас, маликага Хумоюннинг ўғлини кўриш насиб этмади.

Мохим бегим вафотидан анча кейин эса Хумоюн Хамидабонуни учратган эди.

Бу воқеа Хумоюн илк бор Синдга ташриф буюрган кунларга тўғри келади. Ўшанда Хумоюн Ҳиндолни кўриш, эҳтимол, шу билан бирга укасини ва унинг кўшинини ўзига оғдириш ниятидами, Мўлтонга келган эди. Дилдор оғача бегим ҳам ўғли Ҳиндол ҳузурида эди. Гулбадан эса бу пайтда улардан узокда — Кобулда, Комрон даргоҳида эди. Бу воқеалар тафсилотини Хамидабону кейинчалик Гулбадан билан танишганидан сўнг айтиб берган бўлиши керак.

Ўшанда Дилдор бегим Хумоюн подшоҳ шарафига зиёфат берган эди. Қийинчилик ва етишмовчилик ҳукм




суриб турган кезларда бундай зиёфат бериш, дафъатан ғалати туюлиши ҳам мумкин. Бирок шуни эсда тутиш лозимки, Хумоюн Синд томон юрганда унинг ҳамроҳлари икки юз минг киши атрофида бўлиб, сарой аҳли ҳали ўз нуфузи ва мавқеини йўқотмаган, озми-кўпми моддий захиралари мавжуд эди.

Инсон қалбининг нозик торларини черта билишга қодир бўлган малика Дилдор бегим, Хумоюннинг тушкун кайфиятини кўтариш пайида эди. Бирок бу зиёфат ишқий можароларга сабаб бўлиши мумкинлигини у хаёлига ҳам келтирмаган эди. «Шу мажлисда Ҳиндол Мирзонинг мулозимлари ҳамда ҳарам аҳллари Ҳазрат подшоҳнинг хизматида бўлдилар. Подшоҳ Ҳамидабону бегимни кўришлари биланок: «Бу ким?» деб сўрадилар», — деб ёзади Гулбадан.

Моҳим бегим ҳаёт пайтида Хумоюн шахсан ўзига хотин ва канизақларни танламас эди. Унинг учун бу ишларга онаси бош-кош бўларди. Бу сафар эса бу масалани ўзи ҳал қилиб қўйди.

Афсуски, ушбу фурсат ишқий можаролар учун маъқул бўлмаган, бемаврид бир пайт эди. Хумоюн жанглардан чарчаган, умидсизликка тушган, салтанатсиз султон, тахтсиз подшоҳ ҳолатида эди. У шу қадар қашшоқлашиб қолган эдики, ҳатто шариат талаби бўйича эр уйланаётган хотинига бериши лозим бўлган маҳрни беришга ҳам қурби етмас эди. Бундан ташқари, бу ишга қарши турганлар ҳам бор эди. Биринчи рақиб Ҳиндол эди. Ҳамидабонуга унинг ўзи уйланмоқчи эди. Шунинг учун ҳам у маҳр масаласини ўртага солиб: «Ҳазрат подшоҳ, мабодо яхши турмуш бўлмаса, кулфатга сабаб бўлади», деди. Тўғри-




си, у ўз эътирозини шу тариқа қайта-қайта билдиришга уринарди.

Ҳамиданинг онаси бу таклифга бир оз «ноз қилган» бўлди, аммо асосий норозилик Ҳамиданинг ўзидан чиқаётган эди. У эндигина ўн тўрт ёшга кирган кизалоқ бўлса, Ҳумоюн бу пайтда ўттиз уч ёшда бўлиб, бир неча бор уйланган эди. Яна айтишларича, Ҳамида кимгадир унаштирилган бўлиб, уни севарди ҳам. Эҳтимол, бу йигит Ҳиндол бўлгандир. Қолаверса, Ҳамида ўз хоҳиш-истаги билан иш кўрадиган, мустақил фикрли, дадил қиз эди. Ҳумоюн бўлажак қайин онаси хузурига келиб, унга: «... одам юбориб, Ҳамидабону бегимни чақиртириб келсангиз», — дедилар. Бироқ бу ёшгина бегим: «Агар гап кўришишгина бўлса, ўша куни зиёфатларига мушарраф бўлдим. Номахрам киши олдига яна нега борар эканман», деб жавоб берди.

Иккинчи марта Ҳазрат амирларидан бўлмиш Субхонқулини Ҳиндол хузурига юбориб, «Мирзога айтинг, бегимни юборсинлар, — дебди. Мирзо: «Мен бир неча бор айтдим, лекин бормайман деяпти, ўзинг бориб айтгин», — дедилар. Субхонқули бориб айтган эди, бегим: «Подшоҳларни фақат бир марта кўриш мумкин, иккинчи марта кўриш номахрамлик бўлади. Мен бормайман», — деб жавоб берди. Қирқ кунгача у рад жавобини такрорлайверди. Аммо подшоҳ амри вожиб деганларидек, Ҳумоюн ўз айтганида каттиқ туриб олди. Унинг бундай қайсарлигининг яна бир асоси ҳам бор эди.

Ўша тушқунликка тушиб юрган кунларининг бирида у туш кўрибди. «Шундан сўнг подшоҳнинг му-




борак хотираларига малол етди», — дея хикоя қилади Гулбадан бу ишда Ҳиндолнинг кароматини кўриб. — Кўнгиллари олиниб, уйқуга кетган эдилар, тушларида бошдан-оёқ сабзаранг либос кийган ва қўлида асо ушлаган бир авлиё келиб, «Мардона бўл, ғам чекма», деб қўлидаги асони подшоҳнинг қўлларига тутқазибди. «Аллоҳнинг марҳамати билан сен бир фарзанд кўрасан. Исмини Жалолиддин Муҳаммад Акбар кўйгин», дебди. Ҳазрат: «Исми-шарифингиз нима?» — деб сўраган эканлар, «Жанда Фил Аҳмад Жомий», — дея жавоб берибди ва «... у фарзанд менинг наслимдан бўлади,» деб қўшиб қўйибдилар».

Юқорида айтиб ўтилганидек, Ҳумоюн бундай ақидаларга беҳад ишонар эди. Шу йўсин маълум бўлдики, Ҳамидабону бегим Жанда Фил Аҳмад Жомий авлодига мансуб экан. Ниҳоят, «хижрий 948 йил жумодил аввал ойининг душанба куни (1541 йил, сентябрь) пешиндан кейин подшоҳ хазратлари мунажжимлик китобини ўзларининг муборак қўлларига олиб, унда омадли соатни белгилаб, амир Абулбақони чақиртирдилар ва никоҳ қилишни буюрдилар. Никоҳдан сўнг уч кунгача шу ерда турдилар, сўнг отланиб, кемага ўтирдилар...».

Ораларидаги биродарлик хақи, ўртада норозилик бўлмаслиги учун Ҳумоюн Ҳиндолни онаси билан Қандаҳорга кетишига рухсат берди. Афсуски, у жойда Комрон уларни хибсга олиб, Кобулга олиб кетди.

Бечора Ҳамидабону эса кейинги уч йиллик ҳаётини Синд воҳасида сарсон-саргардонликда ўтказди. Бу орада маблағ ва одам тўплаш учун беҳуда уринаётган Ҳумоюн мағлубият кетидан мағлубиятга дуч келмоқда эди.



Ҳамидабону подшоҳ билан бирга чўл орқали Амаркот вилояти сари йўлга отланди. Қорнида етти ойлик ҳомиласи билан унинг бу олис сафар машаққатларига қандай бардош бергани кишини ҳайрон қолдиради.

Маълумки, ҳинд вилоятларида сигирларни сўйиш ва истеъмол қилиш гуноҳи кабир ҳисобланади. Ҳумоюннинг одамлари эса сигирларни сўйиб, маҳаллий халқ нафратига дучор бўлдилар. Шу сабабли Жайлсалмор вилояти рожасининг буйруғига биноан сафар йўлидаги барча қудуқларни қум билан қўмиб ташладилар. Оқибатда Ҳумоюннинг одамлари ва от-уловлар тўрт кунгача сувсиз қолиб кетдилар.

Мана шундай изтиробли кунларда яна бир мўъжиза рўй берди: Ҳамидабегим барча ҳомиладор аёллар каби анор сувини тусарди. Лекин бир томчи сув топилмаётган дашту биёбонда анор нима қилсин!

Умидсизликка тушган лашкар йўлда тасодифан бир савдогарга дуч келиб қолди. Бу мўъжизани қарангки, ўша савдогарнинг хуржунида бир дона серсув анор бор экан! Бу воқеа Ҳумоюн ва унинг шерикларини анча дадиллаштирди, акс ҳолда, улар бутунлай тушқунликка юз тутган бўларди. Омад кулиб, Амаркот рожаси подшоҳни очиқ юз билан кутиб олди. Унга озуқа, пул-маблағ, кийим-кечак инъом қилди. Ҳамидани эса эса энг зарур нарса — уй билан таъминлади. Ўз вақтида уни фарқ бўлишдан қутқарган халоскор мешкобчининг яхшилигини унутмаганидек, яхшилиқнинг кадрига етадиган Ҳумоюн рожанинг муруватини ҳам унутмади. Йўлида қанчадан-қанча одамлар ва жониворлар сувсизлик ва ташналиқдан ҳалок бўлган бу қарвон учун, айниқса, Ҳамидабегим учун




чўл ўртасида жойлашган воҳа-шаҳар бўлмиш Амаркот жаннатмакон жой эди.

Ҳумоюн Ҳамидани рожа қарамоғида қолдириб, ўзи жанглари давом эттириш учун йўлга отланди. Орадан тўрт кун ўтгач, тонг сахарнинг илк палласида, аниқроғи, Ҳумоюннинг хўрози қичқиришидан сал аввал, 1542 йилнинг 12 августида кейинчалик дунёга «Ҳазрат Олампадох Жаҳонгир Жалолиддин Муҳаммад Акбар Подшоҳи Ғозий» номи билан машҳур бўлган ворис таваллуд топди. Бу исми Ҳумоюн биз юқорида эслатиб ўтган тушида эшитган эди. Чақалоқнинг буржи Асад бўлиб, бу яхшиликдан нишона эди. Мунажжимларнинг башоратига қараганда, ушбу бурж остида туғилган инсонлар омадли бўлиб, узоқ умр кўрар эканлар.

Гулбаданнинг форс тилидан инглиз тилига таржима қилиниб нашр этилган «Ҳумоюннома» асарида Акбарнинг туғилишига бағишлаб берилган миниатюра расмлар, бизнингча, кейинроқ ишланган бўлиши керак. Чунки унда тасвирланган асъасаю дабдаба ҳақиқатга тўғри келмайди. Чунки Акбар туғилган пайтда бу хурсандчиликни тантанали нишонлаш учун Ҳумоюнда Амаркот рожаси мурувват қилган нарсалардан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Қимматбаҳо тошлари сақланадиган ҳамён халтасини эса Ҳумоюн доим ўзи билан бирга олиб юрарди. Бунинг устига, у Амаркотдан ўттиз чақиримлик масофада эди. Шу боис миниатюрада акс этирилганидек, Акбарнинг таваллудини қутлаш маросимида раққосаю созандалар, ҳадялар бўлмаган бўлиши керак. Гулбаданнинг ёзишича, мунажжимлар ўша ерда хозир бўлганлар.






Хумоюннинг мулозимларидан бўлмиш Жавхар офтобачининг ўз хотираномасида баён этишига кўра, амир ва беклар подшоҳни муборакбод этиш учун келганларида «Подшоҳ ҳазратлари менга бир дона мушк олиб келишни буюрдилар. Кейин чинни товоқ келтиришни сўрадилар ва мушкни синдириб, бўлакларини бекларига таркатдилар-да: «Бу ўғлимнинг таваллуди муносабати билан сизларга бера оладиган ягона ҳадямдир. Лекин аминманки, унинг шуҳрати ҳозир худди шу мушк ҳиди чодирни тўлдириб турганидек, бир куни келиб бутун жаҳонга таралади, дедилар». Бу эзгу ниятнинг ушалганини кўриш Хумоюнга насиб этмаган бўлса-да, у рўёбга чиқди.

Мўъжаз миниатюралардан бирида туғруқдан кейин соғая бошлаган Ҳамидабону бегим канизаклари даврасида тасвирланган. Расмда энагалар қўлига топширилаётган чақалоқ, икки созанда аёл ва оддийгина беланчак тасвирланган. Боғ ташқарисида ҳали қоронғилик ҳукм сурмоқда, баланд тепалик устига жойлашган шаҳарчага ёруғлик нурлари эндигина тарала бошлаган. Хонимлар чиндан ҳам мамнун кўринишдади, дарвозабон эса хушxabарни бошқаларга етказаетир.

Ўша вақтда Кобулга етиб бориш учун қанча вақт зарур бўлганини билмаймиз-у, лекин Комроннинг чопарлари елдек учарди. Гулбадан ёш болалик даврида қалъа кўрғони тепасидан уфққа тикилиб, узоқдан кўтарилаётган чанг-тўзон чопар елиб келаётганидан дарак беришини яхши англади.

Ҳиндол бу пайтда Кобулда эмас эди. Хумоюннинг Ҳамидабонуға уйланганини Гулбадан Ҳиндолдан эшит-



ганди. Гарчи Хамидабонунинг ўзини учратмаган бўлса ҳам, бу ёш маликанинг ўғил фарзанд кўргани хақидаги хабар унинг маъсум қалбига албатта қувонч бахш этган бўлиши керак. Табиийки, унинг қалби ёш маликанинг саргардонликда не азобларга дуч келганини тасаввур қила олади. Энди подшоҳнинг вориси бор. Энди эртақларда тасвирлангандек, жоҳил амакилари тахтга қанчалик кўз олайтирмасин, ниятига етолмайди — чунки валиаҳд шахзода бор. Агар шу гўдак омон бўлса, албатта тахт унга насиб қилади. Нима бўлганда ҳам, парвардигор ана шундай саодатли кунларга етказсин.

Акбар соғлом туғилган бола эди. Гўдакнинг қирқ кунлик чилласи чиқиши билан сарой аҳли яна йўлга тушди. Узоқ ва муваффақиятсиз курашлардан сўнг ғанимлар Хумоюнни, қолган-қутган сарбозлари, яқин амир ва беклари билан Синд вилояти худудидан суриб чиқардилар. Гоҳ отда, гоҳ кемада, гоҳ пиёда ўтган саргардонликдан сўнг ниҳоят у Афғонистон худудига кириб келди. Бироқ бу ерда уни ўғай укалари яна инсофсизларча таҳқирладилар. Комрон уни Кобулга яқин йўлатмади. Ўзининг зулмидан сабр косаси тўлган фуқаро Хумоюн томонга оғиб кетишидан кўрқарди у.

Хумоюн Қандахор томон йўл олганда у ерда турган Аскарӣ Мирзо ҳам оғасини жуда совуқ кутиб олди. Унга шаҳар ташқарисида тўхташга рухсат берди-ю, аммо шаҳарга киритмади.

Саройдаги бошқа хонимлар каби, Гулбаданнинг назарида бу ҳол бобурийлар сулосаси учун шармандалиқдан бошқа нарса эмас эди. Бироқ бир умид учқуни пайдо бўлди: Аскарӣ чақалоқ Акбарни ўз




карамоғига олишга рози бўлди. Аммо Хумоюннинг ўзига нисбатан неча бор хоинлик қилган душман укалар қўлига чақалокни топшириб қўйиш ақлга сизмайдиган бир хол эди. Кейинроқ Акбарни ундан-да хавфлироқ жой бўлмиш Кобулга, Комрон хузурига олиб бориб бердилар. Гап шундаки, Комроннинг ўз ўғли бор эди. У замонларда болалар ўлими авж олган бир пайт бўлиб, шоҳ фарзандини «ўлди»га чиқариш осон иш эди. Эхтимол, Хумоюн ўзининг соддадиллиги туфайли теурийлар салтанатига хос бўлган олижаноб удумларга ишонган бўлиши ҳам мумкин. Аслини олганда, бошқа чора ҳам йўқ эди-да.

Гулбаданнинг айтишича, Хумоюн тез орада Эронга жўнаб кетмаса, унга катта хавф таҳдид солиб турган эди. Эронга борадиган йўл хатарли ва азоб-укубатларга тўла эди. Чақалоқ эса, мусофирчилик ва йўл машаққатларига дош бера олмаслиги мумкин эди.

Хархолда, масалани ҳал этишда Хонзода бегим муҳим роль ўйнаган бўлиши керак. Саройдаги ёши улуг бегимларнинг сардори бўлган Хонзода бегим ўз жиянларининг қанчалик вазоҳатли бўлишига қарамай, уларнинг устидан ўз таъсирини ўткази оладиган сирли кучга эга аёл эди. Бу хусусият кейинчалик Гулбаданга ҳам мерос бўлиб ўтган эди.

Бу пайтда Хонзода бегим Қандаҳордан Кобулга келган эди. Қандаҳорга эса уни аввалроқ Хумоюн Аскарыйдан ёрдам сўраш учун юборган эди. Аскарый ёрдам беришдан бош тортган бўлса ҳам, Хонзода бегим Аскарыйнинг кўнглини бир оз юмшатган бўлиши керак. Бунинг натижаси ўлароқ, Аскарыйнинг хотини Акбарни «ўз фарзандидек асраб тарбиялашга» ваъда



берган эди. Шундан сўнг Жавҳар офтобачи Акбарни Аскарый хузурига элтиб берган эди.


Хумоюн сарой аъёнлари ва мулозимларидан кўпчилигини валиаҳд шахзода Акбар хизматида бўлиш учун Қандаҳорда қолдирди. Ўзи эса қирқ тўрт кишидан иборат қолган ҳамроҳлари билан Эронга жўнади. Улар орасида фақат икки аёл — гўдак фарзандидан ажралган Хамидабону бегим ва унинг бир канизаги бор эди.

Хумоюн ва унинг ҳамроҳлари аянчли аҳволда эдилар. Уларнинг бор-йўғи икки ёки уч чодири бўлиб, тирикчилик учун зарур бўлган нарсалар шошилинишда унутиб қолдирилган эди. Сарбозлар фақат от гўшти еб тирикчилик қилишар, уни ҳам бир амаллаб дубулгада пиширар эдилар.

Комрон Мирзо Аскарый билан биргаликда Кобул, Қандаҳор ва Бадахшон ҳудудларида ҳукмдорлик қиларди. Ҳиндол эса унинг маҳбуси эди. Шершоҳ бутун Ҳиндистонни эгаллаган ва бу ерда ўз ҳукмини муқим ўрнатган эди.

Бироқ Хумоюнга омад яна бир бор кулиб боқди. Эрон шоҳи Тахмасп бу «чақирилмаган мехмон»нинг ўз салтанати чегараларига етиб келгани ҳақидаги хабарни эшитгач, бир муддат «ўйга чўмиб» қолди. Эҳтимол, у ҳам Ҳиндистонни қўлга киритишни орзу қилиб қолган бўлса, ажаб эмас.

«Хумоюн подшоҳ гаддор фалакнинг тескари айла-ниши, ишининг носоз юриши туфайли бу чегарага келдилар. Бу ерга у кишини Худонинг ўзи етказди», — деб мулоҳаза қиларди Тахмасп шоҳ. У оқилона иш тутди. Худонинг хоҳиши бўлмаганда эди, бор-




ди-ю, Ҳумоюннинг укаларими ёки Шершоҳми, аввалроқ унинг ҳузурига бош уриб келганда эди, эҳтимол, шоҳ кимнинг тарафини олиш ҳақидаги фикрини ўзгартирган бўлармиди. Ҳозирча эса «Подшоҳ хазратларини қарши олиш учун давлат арбоблари, каттаю кичик барча халқ Ҳумоюннинг йўлларига пешвоз чиқди ва меҳмонларга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатилиб, уларни шоҳ ҳузурига бошладилар».

Бундай иззат-икром, албатта, Ҳумоюннинг ҳориган дилига малҳам каби ёқиб тушди. Гулбаданнинг айтишича, «бу иккала олиймақом подшоҳларнинг ҳамжихатлиги ва дўстлиги худди битта бодом пўстида жойлашган икки мағиздек эди».

Аслида эса, Ҳумоюн билан Тахмасп ўртасида Ҳумоюнни бу ерни тарк этишга мажбур қиладиган омиллар бор эди. Яхшиямки, бу омиллар Тахмаспнинг оқила синглисиги томонидан усталик билан «силлиқлаб» қўйилди. Кўриниб турибдики, бу жамоада ҳам мусулмон аёлларнинг таъсири анча кучли.

Ўша кунлар ҳақида Гулбадан шундай деб ёзади: «Бир-бирларига ихлос ва меҳрлари шу даражада эдики, Ҳазрат у ерда неча кун бўлмасинлар, ҳамма вақт Шоҳ Тахмасп Ҳазрат Ҳумоюннинг ҳузурларига келардилар, агар Шоҳ бир кун келмай қолсалар, Ҳазрат у кишининг олдига борар эдилар».

Гулбадан яна Шоҳ томонидан Ҳумоюн ихтиёрига уйлар, чодирлар, отлар, туялар, қимматбаҳо кийим-кечаклар ва шоҳона ҳаммомлар бериб қўйилгани ҳақида ҳикоя қилади. Подшоҳ хазратлари ва маликаи олиялари қаерга бормасинлар, юрадиган йўллари су-




пурилиб, сувлар сепилиб кўйилганини алоҳида урғу бериб сўйлайди.

Эронда турган пайтида Ҳумоюн саккиз марта шикорга чиқди. «... ҳамма вақт овга чиққанларида Ҳазратни ҳам таклиф қилар эдилар. Ҳамидабону бегим ё кажавада, ё маҳофада ўтириб, узокдан томоша қилардилар. Шохнинг синглиси Шахзода Султоним отга минган ҳолда Шохнинг орқасида турар эдилар... Шохнинг харамидогилар Шахзода Султоним бошлиқ ош, тортар эдилар. Яна зар тикилган ва бошқа матоларнинг турли хилларидан Ҳамидабону бегимга лозимича ва муносибича тортиқ қилардилар», деб ёзади Гулбадан.

Улар турли жойларни зиёрат қилишга борардилар. «Ҳазрат Хуросонда бўлган вақтларида ҳар бир боғ ва бўстонда Султон Ҳусайн мирзо барпо қилган ҳамма олий иморатларни ва ундан илгари бунёд этилган бошқа биноларнинг ҳаммасини сайр қилар эдилар».

Ҳумоюн ҳам Бобурга ўхшаб Хиротда бир ойча туриб қолди. У ерда Ҳамидабону бегимнинг аждодларидан бўлган Жанда Фил Аҳмад Жомий мақбарасини зиёрат қилди. Эҳтимол, зиёрат чоғида у ўша давр, яъни 1540 йилда тўқилган ва ҳозирги кунда Лондондаги қиролича Виктория ва шахзода Альберт музейида сақланаётган машҳур Ардобил гилами устида юрган бўлса, ажаб эмас. Бу ҳол подшоҳ Ҳумоюнни бизга тарихан янада яқинлаштиради. Бу ҳол, айниқса, Ҳиндистон учун янада муҳимроқдир.

Эронда турган пайтида Ҳумоюн маҳаллий хунарамандлар, айниқса, мусаввирларнинг ишларини қизи-



киб ўрганганади. Кейинчалик уларнинг баъзилари Ҳумоюн ортидан унинг таклифига биноан Ҳиндистонга келиб, бу ерда «Бобурийлар тасвирий санъати» мактабига асос солдилар.


Ўзига нисбатан кўрсатилган юксак эҳтиром ва сазий меҳмондўстлик эвазига Ҳумоюн Шоҳ Тахмаспга қимматбаҳо тошлар сақланадиган ҳамёнидан Шоҳ сарфлаган харажатларни тўрт баравар ортиғи билан қоплаш учун етадиган қимматга эга бўлган дунёдаги энг қимматбаҳо ва тенги йўқ Кўҳинур олмосини тақдим этди. Шундан сўнг Шоҳ ўртада тузилган иттифокнинг барқарорлигига ишонч ҳосил қилди.

Нихоят, 1545 йилда, Ҳумоюн Эрондан Тахмасп лашкарлари билан келмоқда, деган хабарлар Кобулга етиб келди.

«Шоҳ ўз ўғли Мирзо Муродни хонлар, султонлар ва амирлари билан қўшиб, Подшоҳ хазратларига ёрдамга юборди. Хиргоҳ, боргоҳ, чодир, тоқи ва шомияна, ҳар хил рангли ипак гиламлар, тилла ипдан тўкилган шолча, рўзғорда ва сафарда керак бўладиган турли асбоб- ускуна, масалан, тўшакхона, хазинахона, отхона, ҳар хил корхона, подшоҳона, рикобхоналар тайёрлатиб бериб, саодатли бир соатда ҳар икки олийжаноб подшоҳ бир-бири билан хайрлашдилар».

Гулбадан тилга олган шохнинг ўғли Мирзо Мурод атиги бир ойлик гўдак бўлиб, бечора шаҳзода лашкар Қандаҳорга етмасданоқ йўлда қазо қилади.

Бўлиб ўтаётган бу воқеалардан Гулбадан ва Хонзодабегим, Дилдор оғача ва албатта, Ҳиндол кучли хаяжонга тушган бўлишлари табиий. Айниқса, Гулба-




дан билан Хонзода бегим учун янги умид ғунчалари очилган эди. Бу хабар Комронга етиб келганда унинг илк тадбири ёш шахзода Акбарни ўз ҳузурига олиб келиб, отасининг бўлғуси хужумига қарши уни гаров сифатида сақлаш эди. Аммо бу хавфли чора эди. Нима бўлганда ҳам, Гулбадан кўп интизорликдан сўнг кичик шахзодани кўришга муяссар бўлган эди.

Шахзода Акбар ўзининг ўғай онаси Бахшибону ҳамроҳлигида калин қор ёққан изғирин киш палласида Кобул томонга йўлга чиқди. «Шу вақт Жалололидин Муҳаммад Акбар подшоҳ икки ярим ёшда эдилар, — деб ёзади Гулбадан. — Оқажоним олиб сақлардилар. Уни жуда яхши кўрардилар. Оёқ-қўллари ни суюб ўпиб, худди менинг биродарим — Бобур подшоҳнинг қўл-оёқларига ўхшайди, ўзи эса қуйиб қўйгандек ўхшайди, деб такрорлар эдилар».

Кейинчалик Акбар подшоҳлик тахтини эгаллагач, у билан яқин дўст бўлган, ўша даврнинг етук олимларидан Абулфазл Алломийнинг ёзишича, Комрон Акбарни биринчи бор кўрганда: «Абадий ҳукмдорлик ва омад ёғдуси таралиб турган бу нурли пешонани кўриб ҳайратдан лол қолган» экан. Шундай бўлса-да, у ўз ўғли Иброҳим мирзони ўйинчоқ ноғора талашиб, ёш Акбар билан курашга туширади. Аслида Комрон ўғлининг ёши катталиги ва табиийки, анча кучлироқ эканини ҳисобга олиб, бу олишувда ўғли ғолиб чиқишини ва бу ғалаба ўзининг Хумоюн устидан қозонажак ғалабасидан нишона бўлади, деб кутганди.

Ваҳоланки, Акбар ёш бўлишига карамай, Иброҳим билан олишиб, «уни даст кўтариб, ерга чунонам урдик, атрофдагилар «Яшавор!» дея олқишладилар.



Бу келгуси галабадан илк нишона эди», деб ёзади Абулфазл.


Хонзода бегим жияни Акбар билан кўп вақт тура олмади. Тез орада унинг бу ерни тарк этишига тўғри келди. Гулбаданнинг қайд этишича, «Подшоҳ хазратларининг Қандахорга келганлари аниқ бўлиб қолгач, Комрон мирзо аммаси Хонзода бегим хазратларига кўп ҳасрату надомат қилиб, ялиниб ёлворди ва подшоҳ Ҳумоюн ҳузурига бориб, ўзининг қилмишлари учун гуноҳларини сўраб беришини илтижо қилди ва ака-укани яраштириб қўйишини сўради».

Хонзода бегим қанчалик жадал ҳаракат қилмасин, вақт шиддат билан ўтиб борарди. У Қандахорга етиб келганда Ҳумоюн бу шаҳарни эгаллаб, Кобулни забт этиш учун отланган эди. Бу орада Аскаррий ҳам тақдирга тан бериб, ўз кирдикорлари учун узр сўраб подшоҳ ҳузурига бош эгиб келди ва унинг хизматида бўлди.

Энди Ҳумоюн Хамидабону бегимни Қандахорда бежавотир қолдирса бўларди, чунки Эрондан йўлга чиққанларидан сал илгари унинг иккинчи фарзанди — жажжи малика дунёга келган бўлиб, кизалок хали жуда нимжон эди.

Подшоҳ Хонзода бегимни ўзи билан бирга олиб Кобулга отланди. Бу сафар мустаҳкам иродали, покиза эътиқодли Хонзода бегимнинг тинимсиз сафарларининг сўнггиси бўлди. Сафарда бегим «уч кун иситмаладилар ва Худонинг раҳматига бордилар», деб хотирлайди Гулбадан.


Гулбадан учун бу айрилиқ отаси Бобуршоҳни йўқотишдан ҳам оғир кечган бўлиши керак. Чунки Хонзо-



да бегим, Гулбаданнинг «...доимий хамрохи, маслахатгўйи, ҳаётининг ажралмас бир қисми бўлиб қолган эди. Хонзода бегим, ҳойнаҳой, укаси подшоҳ Бобур сингари сервиқор, гўзал аёл бўлиб, аслзодаларга хос фазилатлари, ҳамма нарсани кўра олувчи тимқора кўзлари, донолиги, уддабуронлиги, катъий иродаси ва сабр-бардоши билан атрофдагиларни мафтун этган бўлса керак. Унинг хуш табиати, юксак одоб-андиша соҳибаси бўлгани ўз-ўзидан равшан. Аммо мунтазам сафарлар, қариндош-уруғлар орасидаги жанжал-можароларни тинч йўл билан ҳал этиш учун уришишлар ва шу боис асабийлашишлардан у жуда ҳам чарчаган эди.

Хонзода бегимнинг Шайбонийхонга вазият такозаси билан мажбуран турмушга узатилиши унинг учун таҳқирланиш ва шармандали бир ҳол бўлган эди. Онаси ва сеvimли укаси Бобуршоҳнинг бевакт вафоти, иккинчи эри ва ёлғиз фарзанди Хуррамшоҳнинг кутилмаган ўлими малика учун оғир мусибат эди. Ўз умри давомида у йўқлик-мухтожликни ҳам, чексиз бойликни ҳам кўрди. Бироқ ҳар қандай ҳолатда ҳам у ўзининг шаъни ва обрўсини муносиб сақлашга интиларди. Гулбаданнинг хотирасида у ҳамиша «истараси иссиқ», «мартабали, кайвони аёл» — «меҳрибон оқажон» сифатида сақланиб қолди.

«Эй, осойишта қалб эгаси, Парвардигор ато этган неъматлардан рози бўлгин, Яратганни рози этиб, солих бандалар қаторида жаннатдан жой олгин». Қуръони каримнинг ушбу оятлари Гулбаданнинг нозик ва шикаста кўнглига тасалли берган бўлса керак. Агар бу хикматли сўзлар бирон бандага мурожаат тарзида ай-




тилган бўлса, айнан Хонзода бегимга қарата айтилгандай туюлади.

Хонзода бегимни дастлаб ўзи вафот этган ерга — тоғлар орасидаги бир қишлоққа дафн этдилар. Уч ой ўтгач, унинг жасади Кобулга олиб келиниб, укаси Бобуршоҳ дафн этилган жойга қўйилди. Дарҳақиқат, бу оқила ва солиҳа аёл учун Боғи вафодан ҳам муносиброқ жой бўлмаса керак.

* * *

Шу тариқа Хумоюн Кобулни қўлга киритди. Гулбаданнинг ёзишича, «Подшоҳ ҳазратлари галаба қозониб, ўн иккинчи куни кечаси Болои Ҳисорга давлат, саодат ва иқбол билан тушдилар. Бу мунажжимлар кароматли, бехатар ва яхши соат деб каромат қилган вақт бўлиши керак. Мирзо Комроннинг подшоҳ хизматига ўтган одамларининг ҳаммаси ногора чалиб, Кобулга, Ҳазрат хузурига келишди».

Бу воқеа 1545 йил ноябрь ойининг ўн саккизинчи кунда рўй берди. Бу ҳақда Гулбадан шундай деб ёзади: «Онам ҳазратлари Дилдор бегим, Гулчехра бегим ва бу ҳақир Ҳазратни кўргани келдик. Биз Ҳазратга хизмат қилиш саодатидан айрилганимизга беш йил бўлган эди. Айрилиқ азобидан, узоқ давом этган меҳнат ва машаққатдан озод бўлиб, валинеъматимиз висолига етиш шарафига эришдик. Дийдор кўришишимиз билан ғамли кўнгилларга ҳузур, хира тортган кўзларга нур келди. Камоли хурсандчиликдан Худога саждаю шукур қилар эдик. Аксарият вақт маърака ва мажлис бўлиб, кечалари сахаргача ўти-




рар эдик. Созандалар ва раққосалар доимо ашула ва ўйин-кулги қилишарди».

Хумоюн ҳар қачонгидай саховатпеша эди: «...ўлган ёки ярадор бўлганларнинг бевалари, етимларига, оила-сига мансаб, маош, ер, сув ва қуллаар иноят қилдилар. Аскар, фуқаро ва бошқалар учун ул Ҳазрат давлатлари соясида тинчлик ва дориломонда яшаш насиб бўлди. Ҳамма умрини фароғатда ўтказиб, Ҳазратнинг умрлари узоқ бўлишини сўраб, яхшилик фотиҳасини ўқиб дуо қиларди. Бир неча кундан кейин Ҳамидабону бегимни олиб келиш учун Қандахорга кишилар юбордилар».

Ҳамидабону подшоҳ хузурига янги туғилган жажжи кизалоғи билан келди. Хумоюн бир ёшу тўрт ойлигида онасидан ажратилган Акбар волидасини эслай олармикан, деб қизиқарди. Кўпгина бегимлар ўтирган хонага кичкина шахзодани олиб келдилар. Ҳамидабону бегим ҳам улар орасида эди. Лекин шахзода Акбар дархол онасини таниб, унинг олдига чоғиб борди.

Абулфазл бу ҳолатни қуйидагича таърифлайди: «Илохий нур ёрдамида... Ҳаёт гулбутасининг тўнғичи ҳеч иккиланмасдан, ҳеч адашмай, қийинчиликларсиз ва ўз зехнининг ўткирлиги боис валий онасининг бағрига отилди».

Гулбадан ҳам ўша даврада ҳозир бўлган бўлса керак, лекин нима учундир бу ҳақда ҳеч нима демайди. Эҳтимол, мусулмонлар ҳаётида муҳим воқеа ҳисобланган воқеа — шахзода Акбарнинг хатна тўйи муносабати билан берилган зиёфат бошқа тафсилотларни унинг ҳаёлидан четга суриб қўйган бўлса, ажаб





эмас. Унинг ёзишича, «Муҳаммад Акбаршоҳ беш ёшга кирганда, Кобул шахрида хатнаи сур килдилар ва ўша девонхонада суннат тўйини ўтказдилар. Бутун бозорлар безатилди. ...султонлар ва амирлар бу кун шарафига ажойиб жойлар килдилар. Ҳамма мирзолар, амирлар сочқини ўша боғдаги девонхонага келтиришди. Жуда яхши тўй ва маъракалар ўтказилди. Одамларга қимматбаҳо кийимлар ва кўп сарполар иноят қилинди. Умумхалқ, уламо, солихлар, фукаро ва ғариблар, пасту баланд, каттаю кичик кишилар кўнгил тилаганича тинчлик билан кундузни айшда, кечани ишратда ўтказдилар».

Аммо уруш ҳали якунига етмаган эди. Ҳумоюн ўша кунларда сусткашлик қилиб Ҳиндистон сари юришни давом эттириш ёки ҳеч бўлмаганда шахар атрофидаги ерларда муқим ўрнашиб олиш ўрнига, шимолда арзимаган жанглар олиб борди. Шу кунларда, Гулбадан ёзганидек, «...подшоҳнинг муборак вужудларида бир оз касаллик қолиб бўлди». У тўрт кунгача беҳуш ётди ва бутунлай соғайиб, оёққа туриб кетиши учун яна икки ой фурсат кетди. Орадаги бу қулай имкониятдан усталик билан фойдаланган Комрон Кобулни эгаллаб олди.

Ўз асарининг мана шу жойида Гулбадан илк марта Кобулда қолиб кетган эрининг исмини тилга олади. Хизир Хўжаҳон доимо вазиятга қараб тарозининг бир палласидан иккинчи палласига сакраб турадиган, табиатан хоинликка мойил шахс бўлган кўринади.

Комронга қўшилиб Кобулга кетгандан сўнг, у Қандаҳорга — Аскарый хузурига боради. Ҳумоюн бу ерларни қайта забт этиш учун отланган ва ғалаба қозо-






ниши аниқ бўлиб қолган пайтда Хизир Хўжахон қалъа деворидан ошиб тушиб, Ҳумоюн ҳузурига боради ва ўз қилмиши учун кечирим сўрайди. Ҳумоюн, эхтимол, Гулбаданнинг ҳурмати учундир, уни афв этади.

Бу воқеадан сўнг Комрон Мирзо Гулбаданга эрига хат ёзишни топширади: «... келиб бизга кўшилсин ва хотиржам бўлсин», — деб буюрдилар. Мирзо Аскаррий билан Ҳиндол мирзо менинг қандай биродарим бўлсалар, у киши ҳам менга шундай биродардир. Ҳозир ёрдам бериш вақтидир, дедилар». Аммо қатъий иродали Гулбаданни бу ишга кўндириш қийин эди. Бунинг сабаби Комроннинг саройдаги мўътабар насабли аёлларга нисбатан кўрсатган дағал муносабати эди.

Кобулни забт этиши билан унинг очкўз навқарларини харам ичкарасига келиб, уни талон-тарож қилдилар. «Бегимларни Мирзо Аскаррийнинг уйига киритиб, — деб ёзади Гулбадан хайратдан ёқа ушлаб, — уйнинг эшигини ёшиқ билан уриб, ганч билан сува-тиб ташладилар. Шу уй тўрт деворининг тепасидан бегимларга ош ва сув берар эдилар...»

Ҳазратнинг олдига қочиб ўтган аскар бошлиқларининг оила аъзоларига, хотинлари, бола-чақаларига нисбатан жуда ёмон муомалада бўлди. Уларни ҳаммасининг уйларини талон-тарож қилишди, хотинларининг ҳар бирини бир кишига бераверди». Шу туфайли ҳам Гулбадан Комроннинг амри билан эрига мактуб ёзишдан бош тортди. У Хонзода бегим сингари покдомон аёл эди.

«Мен у кишига жавобан, Хизир Хўжахон ҳеч қачон менинг хатимни тан олмайди, мен унга ҳеч



қачон хат ёзмаганман. У сафардалигида менга хат ёзса, мен унинг ўғли номидан ёзар эдим. Нима хотирингизга келса ўзингиз ёзаверинг, дедим», деб хотирлайди у.


Охири Комрон Мирзо Хизир Хўжахонни қайтариб келиш учун одам юборади. Аммо Гулбадан энди эрига хат ёзиб, бунинг олдини олишга ҳаракат қилади: «Биродарларингиз Мирзо Комроннинг олдиларида бўлишади. Мабодо сиз ҳам шундай фикрга бориб, уларнинг олдига келиб, биродарларингиз билан бирга қўшилиб юрманг, зинҳор, минг зинҳор Ҳазратдан жудо бўлишни хаёл қилиб юрманг». Худога қайта-қайта шукурки, хон мен нима деган бўлсам, ўша гапимдан чиқмади».

Бу сафар Ҳумоюн қалъанӣ етти ой давомида қамал қилади. Хонимлар девор оша унинг лашкари қароргоҳини кўра олардилар. «Биз тепада унинг ногора чалиб, Бобо дашти олдидан ўтаётганини кўрдик. Биз, бориб жанг қилишни Худо сенга насиб этсин, деб йиғлар эдик».

Шундай кейин Комрон ёвузларча бир ҳаракатга қўл уради.

«Тасодифан бир куни Мирзо Комрон ховлидан кўчага чиқиб келаётган эди, бир киши Иқобиндан туриб, ўқ узди. У киши кўрқиб, ўзларини чеккага олдилар. Шундан сўнг шахзода Акбарни рўпарага олиб чиқиб тутиб турунлар, деб буюрдилар».

Темурийлар хонадони учун бундай хол кечириб бўлмайдиган таҳқирлаш ҳисобланарди. Комроннинг бу қилмишини ҳеч нима билан оқлаб бўлмасди. Кимдир подшоҳни огоҳлантирди ва ўғлининг тўплар рўпа-




расига олиб чиқиб қўйилганидан хабар топгач, Хумоюн калъага қарата ўқ узмасликни буюрди.

Кобул аҳолиси бусиз ҳам Комрондан, унинг зулми ва қотилликларидан тўйган эди. Тез орада шаҳар дарвозалари очилди ва Комрон таслим бўлди.

Ҳаттоки, шу воқеалардан кейин ҳам Хумоюн Комронни яна бир бор кечирди. Табиатини инсон тушуниб бўлмайдиган бу одамда қандайдир бир авлиёлик хислати бор эди. У ҳаётида факат бир марта ёмон иш қилиб қўйган эди. Ёш йигитлик чоғида Канва ёнидаги жангдан сўнг Дехлига бориб, хазинага бостириб киради ва у ердаги бор бойликни эгаллаб олади. Бу ҳол отаси Бобуршоҳга жуда қаттиқ ботган эди. Ахир унга яқиндагина дунёда тенги йўқ Кўҳинур олмосини берган эди-да. Аммо бундан кейин Хумоюн бундай ишга қайтиб қўл урмади. Укаларига, ҳатто улар хиёнат қилган тақдирда ҳам ёмонлик қилмаслик ҳақида отасига берган ваъдасига риоя қилиб келди.

Энди эса иниларининг ғанимликларини унутиб, тўртовлон бир дастурхон атрофига тўпландилар ва биргаликда таом едилар. Бу подшоҳ томонидан кўрсатилган энг олий шараф эди. Бу ерда ҳозир бўлганлар орасидаги ягона аёл Гулбадан эди. «Шу мажлисда Ҳазрат бу ҳақирни ёдга олиб, ўз укаларига, ...Лохурда Гулбадан бегим ҳамма биродарларимни бир ерда кўрсам», деб орзу қилганини айтибдилар. Иншоолло, Тангри таоло насл-насабимизни ўз паноҳида асрасин. Худонинг ўзига равшанки, мен ҳеч вақт мусулмонларга зиён-заҳмат етишини истаган эмасман, наҳотки, ўз укаларимга ёмонлик соғинсам! Оллоҳ таоло сизларнинг ҳаммангизга шундай тавфиқни каромат қил-



синки, муваффақият ва ҳамжихатлик бўлсин, дедилар».

Гулбадан яна давом этади: «Одамлар орасида ажойиб завқу шавқ ва хурсандчилик кайфияти ҳукм сураб эди. Чунки амирлар, беклар ва навкарлар ҳам бир-бирлари билан қондош-қариндош эдилар. Ўз хўжайинларининг келишмовчиликлари туфайли улар ҳам бир-бирларидан жудо, балки бир-бирининг қонига ташна бўлган эдилар. Энди ҳамма бир жойда, кунни шоду хуррамлик билан ўтказмоқда эдилар».

Бироқ Хумоюн одатига кўра яна бир бор суст-кашликка йўл қўяди. Гулбадан ёзганидек, «Бадахшондан келгач, бир ярим йил Кобулда бўлдилар. Сўнг Балхга боришга жазм қилдилар ва у ерда Дилкушо боғига жой ҳозирлатдилар. Ҳазратнинг хилхонасини шу боғнинг этагига рўбарў қилиб қурдилар. Қулибекнинг ховлиси боғ яқинида эди. Бегимлар шу ерга тушдилар».

Улар сарой ташқарисига сайлга чиқишди. Хонимлар Аграни тарк этганларидан буён, биринчи марта бемалол хузур қилиб ҳордиқ чиқаришлари эди.


«Оҳ, қаранглар, ровоч чиқибди», — дея улар роса қувонишди. Баҳорда, тоғ ёнбағрида пайдо бўладиган нордон таъмли ровоч ўсимлигини иштаҳа очиш ва ошқозон хасталигини даволаш учун истеъмол қилинади.

«Кеча ойдин эди. Йўлда чакчаклашиб, ҳазил-хузул билан илгариларидилар. Хониш оғача, Зарифа гўянда, Сарвқад ва Шоҳим оғалар майин оҳангда хониш қилардилар». Эҳтимол, бу хонишни улар подшоҳ билан бирга Эронда бўлган пайтларида ўрганишгандир:

*Эшитдингми, шаҳарда шакар арзон бўлганмиш?
Эшитдингми, қиш кетиб, баҳор етиб келганмиш?
Эшитдингми, боғларда райҳон, чечак кулармиш?
Чунки ишқ можароси осон кўчаётганмиш.
Эшитдингми, булбуллар сафаридан қайтганмиш?
Ва жўр бўлиб кемага, ҳаммани лол қилганмиш?
Эшитдингми, боғларда дарахт шохи таралиб,
Гулларнинг шодлигига бош-қош бўлаётганмиш.
Эшитдингми, маст қалбда севги жавлон урганмиш...*

Шу тариқа улар сайил-томоша қилинадиган жойга етиб келганларида аёлларнинг кўшк ва чодирлари ҳали тайёр бўлмаган, лекин Хумоюннинг боргоҳи тайёр эди. Унинг чодирини ўн икки қисмга бўлинган бўлиб, ҳар бирида бир бурж белгиси ва қоқ ўртасида думалоқ туйнуғи бор эди. Улар орқали юлдузлар кўриниб турарди. «Шу чодирда биз ҳаммамиз Ҳазрат ва Ҳамидабону бегим билан вақт то ярим кечадан ўтгунча бирга ўтирдик. Ниҳоят, шу ерда қиблагохимиз ҳузурида ётиб қолдик».

Эрталаб тонгданоқ нохуш бир ҳолат юз берди. Бу воқеа ҳукмдор билан яшаш қанчалик мушкул ва оғир иш эканини исботлайдиган бир далил ҳамдир. Вазият тақозоси билан Гулбадан Хонзода бегимнинг ўрнини эгаллаган эди. Бегимлар, табиийки, кеч уйғондилар. Хумоюн йўлга отланишни буюрганда улар ҳали тайёр эмасдилар. У Гулбаданга: «Тезроқ бориб уларни олиб келинг», деганда, улар эндигина имиллашиб бошдан оёқкача тушадиган узун қўйлақларини кияётган эдилар. Бундан бетоқат бўлган Хумоюн «Куттиш барча ишнинг белига тепади», — деди. Уларни тўплаб, кийинтириб энди Подшоҳ ҳузурига келиб ту-



ришган ҳам эдики, у жаҳл билан ўшқирди: «Йўлга чиқиш вақтидан роппа-роса бир соат вақт ўтди. Энди кун исиб кетади. Худо хоҳласа, пешин намозини адо этгач, йўлга чиқамиз».

Подшоҳ Ҳамидабону бегим билан ўз чодирига кириб кетди. Бир оз вақт ўтгач, унинг юзидаги ғазаб ифодаси ўрнини мулойимлик қоплади ва деди: «Сизлар бораверинглар. Мен пича кайфиятим яхшилангач, ортингиздан етиб бораман».


«Биз бир оз йўл босиб, анча илгарилаб қолган пайтимизда Ҳазрат ортимиздан етиб келдилар. Унинг юзидаги асабийликдан асар ҳам қолмаган эди. Сайру томоша хурсандчилик ва мамнуният билан ўтди.

Ҳар жой-ҳар жойда ровоч барқ уриб ўсаётган эди. У ерда шомгача сайр қилиб юрдилар. Ўша жойга чодир, хиргоҳ ва боргоҳларини тикиб ўтирдилар. Бу кечани ҳам шу ерда фароғат билан ўтказдик, биз ҳаммамиз ул ҳақиқий қиблагоҳимиз ҳузурида бўлдик».

Афсуски, бундай ҳаловатли кунлар жуда кам бўларди.

Бу орада Шершоҳ вафот этди ва Ҳумоюн ўз салтанатини қайта қўлга киритиш имконияти туғилганидан фойдаланиб, Ҳиндистон сари отланди. Комрон кутилмаганда ўртадаги тинчлик шартномасини бузиб, саккиз йилгача ўзининг Ҳумоюнга нисбатан душманлик сиёсатини давом эттираверди. Икки марта Кобулга ҳужум қилиб уни эгаллаб олди. Комрондан кўра кучлироқ бўлган Ҳумоюн ҳар сафар ҳам Кобулни ундан тортиб олди ва уни шаҳардан қувиб чиқарди.

Ана шу жангларнинг бирида Ҳиндол яккама-якка жангда шаҳид бўлди. Ўшанда у, Ҳумоюн «дуо —




аломат» деб атайдиган ходисага дучор бўлган эди. Бошқача айтганда, бегуноҳ бир жонивор — охунинг уволига қолган эди.

Жавҳар офтобачининг ҳикоя қилишича, Ҳиндол подшоҳ ва унинг мулозимлари ҳамроҳлигида ўз қароргоҳи томон кетаётганида рўпарасидан учта оху чиқиб қолади. «Мулозим охулардан бирига ўқ узди, иккинчиси эса қочиб қолди. Аммо учинчисини Мирзо Ҳиндол камон ўқи билан қулатди; оху ёнбошига йиқилди ва катта кўзларини илтижо билан осмонга тикканча жон берди. Ўша ерда ҳозир бўлганлар охунинг жон талвасасида қилган ҳаракатларидан хайратга тушиб: «Афтидан, бу охунинг доди Худога етди, дейишди».

Ҳиндол Комроннинг содиқ ғуломларидан бўлган товоқчисининг зарбидан ҳалок бўлди. Бобурнинг суюкли ўғлонларидан бўлмиш бу шахзода ўшанда энди ўттиз уч ёшни қаршилаган эди. У Гулбаданнинг бир ота, бир онадан туғилган қондош акаси эди. Шу боис Гулбадан қотил Комронга буткул қаҳр-ғазабини тўкиб солди: «Билолмадимки, қандай бераҳм золим бу беозор йигитни зулм тиғи билан бежон қилди. Қани энди, ўша тиғ менинг юрагим ёки кўзимга, ўғлим Саодатёрга ёки Хизир Хўжахонга теккан бўлса». Бу сўзлар унинг подшоҳ авлодини, хаттоки, ўз эри ва фарзандидан ҳам кўра кўпроқ эъозлашини тасдиқлайди.

«Ох, юз марта ох ва афсус, эсиз, минг марта эсиз! — деб надомат чекарди Гулбадан. — Хуллас, Мирзо Ҳиндол Ҳазратнинг хизматларини жон-дили билан бажо қилиб, жон берди... Агар ўша золим, ўз




биродарининг қотили, Мирзо Комрон шу кеча келмаганида, бу бало осмондан тушмаган бўлар эди».

Подшоҳи олам бу хабарни Кобулга хат орқали маълум қилдилар ва шаҳар бир зумда мотамхонага айланди. «Ҳамма ердан, хатто деворлар ичидан ҳам шаҳид кетган Саид Мирзо Ҳиндолнинг ахволига йиғлаб, қилинган фиғонлар эшитиларди». Унинг жасадини Боғи вафога, отаси Бобуршоҳнинг оёқ томонига дафн қилдилар.

Нихоят, 1552 йилда Комрон асир сифатида хибсга олинди. Бу сафар унга шафқат қилинмади. «Охир Мирзо Комрон дастидан азият чеккан хонлар, султонлар, пасту баланд мавқедаги аёллар, каттаю кичик, аскарлар ва оддий фуқаро, — деб ёзади Гулбадан совуққонлик билан, бир оғиздан подшоҳ ҳазратларига, давлат тепасида подшоҳ бўлиб ҳукм юритадиган кишига биродарлик расми манзур бўлмайди. Агар кўнглингиз биродарингизни истаса, подшоҳликдан кечинг, агар подшоҳликни хоҳласангиз, биродарликдан кечинг..., бу биродар эмас, балки, душманингиздир, дейишиди».

Хумоюннинг ўзига қолса, нима бўлганда ҳам, ўз биродарини ўлдирмаган бўларди, бироқ ҳозирги вазиятда унинг ҳам сабр косаси тўлиб-тошганди. У Аскаррийни қўлга олиб занжирбанд қилди, сўнгра Маккага ҳаж сафарига жўнатди. Бу унинг сургун қилиниши билан баробар эди. Энди эса қатъий қарорга келди: «Мирзо Комроннинг ҳар иккала кўзига мил тортилсин!»


Гулбаданнинг қўлёзмаси мана шу ерда узилади: балки қолган қисми йўқолган бўлиши мумкин ёки ўз



биродарига раҳми келганидан, юз берган кейинги воқеаларни тасвирлашга муаллифнинг журъати етмагандир. Чунки Комроннинг ўзи Гулбаданга нисбатан шахсан меҳрибонлик қилиб, доимо ғамхўрлик кўрсатарди-да. Тарихда ҳеч ким Комроннинг тақдири нима билан тугаганини эшитмаган. У «Комроннома» ҳам ёзмаган. Балки ана шундай хотиранома ёзилганида эди, барча шафқатсизликлари ва хоинона хатти-ҳаракатларига қарамай, унинг қалбини тушуниш осон бўлармиди. Аммо унга берилган жазо ўлимдан ҳам оғирроқ эди.

Одатдагидай Ҳумоюн ўз фармонини ижро этишни Жавҳар офтобачига топширди. Жавҳар офтобачи бу вазиятни шундай тасвирлайди: «Буйрукни эшитиб биз (офтобачи ва бир неча навкарлар) Мирзо Комронга босиқлик билан, совуққина қилиб унинг кўзларига мил тортишимиз ҳақида буйруқ олганимизни айтдик. Бунга жавобан шахзода: «Яхшиси, мени дарҳол ўлдира қолинглар», — деди. Мен эса «Фармонда кўрсатилганидан ўзгача ҳаракат қила олмаймиз», — дедим. Шундан сўнг биз бир дастрўмолни думалоқлаб, унинг оғзига тикдик ва қўлларидан тутиб, чодирдан судраб ташқарига олиб чиқдик-да, ерга ётқизиб қиздирилган найза учини унинг кўзларига тикдик. Худонинг хоҳиши шундай экан. Биз бу ҳаракатни камида эллик марта такрорладик, лекин у бу азобларга мардларча бардош берди ва бирон марта ҳам инграб қўймади.

Фақат бир марта унинг тиззасини босиб ўтирган навкарлардан бирига қарата у: «Нега тиззамни қаттиқ босиб, бир азобимни икки қиласан?» — деди. Оғриққа мардлик билан бардош берди. Фақат биз




бир лимонни сиқиб, унинг сувига туз аралаштириб, ўйилган кўзларига сепганимизда у фарёд қилиб: «Эй, Парвардигор, эй Худойим, бу дунёда қилган гуноҳларим учун етарлича жазосини олдим. Энди нариги дунёда менга шафқат қилгин», — деди».

Комронга Маккага, хаж сафрига кетишга рухсат берилди. Отасининг қаршилигига қарамай, Комроннинг энг садоқатли хотини Моҳи Чечак ҳам эри билан бирга кетди. У жисми мажруҳ бўлган шахзодани вақти соати етгунча парвариш қилди. Унинг вафотидан сўнг етти ой ўтгач, ўзи ҳам ёруғ оламдан кўз юмди. Мусулмон оламида Моҳи Чечакнинг бу садоқатини аёлларнинг ўз эрларига бўлган вафодорлик рамзи сифатида тилга оладилар.

Нихоят, ўз акасига нисбатан доимо ғанимлик қилиб келган хасадгўй биродарларнинг ғаламисликларидан халос бўлган Хумоюн Хиндистон тахтини қайта қўлга киритиш учун ҳаракат бошлаш имкониятига эга бўлди. Унинг қудратли лашқарига Шершоҳнинг ўрнига тахтага чиққан ўғиллари бас кела олмас эди. 1555 йил июль ойида Хумоюннинг қудратли қўшини Дехли остоналарига етиб келди. Шу билан Шершоҳнинг умри қисқа сулоласи барҳам топди.

Хумоюн ўз саройини Дехлида, ҳозирги кунда Пурана қалъа деб аталадиган эски қалъа ичида барпо этди. Тақдирни қарангки, янги пойтахт қуриш ниятида мана шу маҳобатли қалъанинг пойдеворига бир неча йил илгари Хумоюн ўзи тош қўйиб берган ва унинг қурилишини Шершоҳ давом эттирган эди. Нима бўлганда ҳам Хумоюнга омад яна кулиб боқди. Бир вақтлар, яъни ўн яшарли йигитча пайтида сайр қилиб



юрганда унинг Орзу, Давлат ва Шухрат исмли кишиларни учратгани бежиз бўлмаган экан. Орадан бир йил ўтгач, барча ташвишлар ортда қолди ва Ҳумоюннинг осойишта кунлари бошланди. Эски кадрдонлар ҳаждан қайтиб келдилар. Ҳожилар унинг инсофга келиб қолган укаларидан кўнгилни хотиржам қилувчи мазмундаги хабарлар олиб келдилар.


Кобулда қолган маликалар, шунингдек, Ҳамидабону бегимдан ҳам мактублар келди. Акбар отаси билан ҳамроҳликда Панжобгача келган ва у ерда отасининг энг садоқатли кишиларидан бўлган бек атқаси Байрамхондан мамлакатдорлик сирларини ўрганаётган эди. Атрофда осойишталик ҳукм суриб турган кунларнинг бирида Ҳумоюн ўзи қурдирган кутубхона минораси тепасига чиқиб, одатига биноан халқ олдида кўриниш берди. Шу кезларда у мунажжимлик, хусусан, Зухро юлдузининг ҳаракатини ўрганиш билан банд эди.

Минора тепасига иккита тор тош зинадан чиқиларди. Подшоҳ Ҳумоюн зиналарни аста босиб тушиб келаётганда қалъа ичидаги масжиддан муаззиннинг азон товуши эшитилиб қолди. Ҳумоюн тиз чўкиб дуога қўл очмоқчи бўлганда оёғи узун чопонининг этагига ўралашиб, танаси чайқалиб кетди ва зинадан пастга қараб думалаб кетди.

Орадан уч кун ўтгач, у фоний дунёни тарк этди.

* * *

Ҳумоюннинг қабри Дехлида жойлашган. Унинг мақбараси гумбази мовий ранг гишт билан қопланган бўлиб, бундай услуб аслида самарқандлик усталар






томонидан бу ўлкаларга олиб келинган эди. Бу гумбазни «Дехлининг мовий осмони» деб атайдилар. Мақбара Ҳумоюннинг тўнғич беваси Ҳожи бегим раҳнамолигида бунёд этилган. Курилишнинг рисоладагидек кетаётганига ишонч ҳосил қилиш учун Ҳожи бегим шу ерда чодир тикиб, ишни шахсан ўзи кузатиб борган.

Узоқдан қараганда гумбазнинг мовий ранги Дехли осмонини нурафшон қилиб тургандай туюлади. Гумбаз ичида тинчлик ва осойишталик ҳукм суради. Гулбадан учун бобурий шахзодалар орасида энг суюкли қариндоши бўлган Ҳумоюн ниҳоят гумбаз остида мангу ором ва осойишталик топди.








Гулбадан Кобулдан Хиндистонга Акбар хукмдорлигининг иккинчи йили қайтиб келди. Хумоюн беҳуш ҳолда ўлим тўшагида ётган кунларда ҳарамдаги аёллардан биронтасига ҳам унинг дардига малҳам бўлиш, унга далда бериш насиб этмади. Табиийки, бу ҳол афсус ва надоматларга сабаб бўлган бўлиши мумкин. Чаузадаги жангда шармандали тарзда мағлуб бўлиб, кўплаб гўдаклар ва аёлларнинг, айниқса, кичик қизи Ақиқанинг нобуд бўлганидан Хумоюннинг виждони кийналиб юрарди. Шу боис у бундан буён аёлларни ҳарбий юришларга олиб бормасликка онт ичган эди. Синд воҳаси чўлларига муваффақиятсиз юришларда Хонзода бегим билан Хамидабону бегимни ўзи билан бирга олиб кетиши вазият тақозоси билан бўлган эди.

Шаҳзода Акбарни эса, эҳтимол, унинг хавфсизлигини ўйлабми, Хумоюн Хиндистон сари юришларида ўзи билан бирга олиб юрарди. Такдирни қарангки, Хумоюн вафот этганида Акбар Байрамхон бошқарувидаги Панжобга, биринчи мустақил жангини бошлаш учун юборилган эди. Хумоюннинг яхши ишларидан бири тахт ворисига ҳомийлик қилишни мана шу ақлли ва садоқатли аён — Байрамхонга топширгани бўлди.


Байрамхоннинг зиммасига анча мушкул вазифа юклатилган эди. Хонзода бегим башорат қилган фикр-



лар ҳақ бўлиб чиқди. Акбар ўз хатти-ҳаракати, ғайрат-шижоати билан бобоси Бобуршоҳнинг айнан ўзгинаси эди. У жисмоний ҳаракат талаб қилинадиган машқлардан бошқа машғулотларни хуш кўрмасди. Кобулда турган пайтида бир куни мунажжимлар шаҳзоданинг сабоқ олишни бошлаши учун маъқул бўлган кунни аниқлашгач, унга сабоқ берадиган муаллим ҳам тайин этилди. Бироқ ўша муборак кунда Акбарни ҳеч қаердан топа олмадилар. У овлоқ бир жойда яшириниб олиб, жисмоний ўйин билан банд эди. Уни ов қилиш, қаптар учириш ва чавгон ўйнаш ниҳоятда кизиқтирар эди. Акбар ҳарамдаги қизлар билан бекинмачоқ ўйнар, Фотехпур Секридаги саройда эса мрамрдан ишланган оқ, қора катакли майдончада раққоса қизлардан тирик доначалар сифатида фойдаланиб, шатранж ўйнаб дона сурарди.

Эгнига қора либос, бошига кулоҳ кийдирилган ўн уч ёшли шахзода 1556 йилнинг 14 феввалида Панжобдаги боғда бўлиб ўтган тантанали маросимда Жаллолидин Муҳаммад Акбар номи билан Ҳиндистондаги бобурийлар салтанатининг подшоҳи деб эълон қилинди. Бироқ бу пайтда унинг тахти бу ерда эмас эди.

Ҳиндистон тахтига кўз олайтирган машъум ғанимлар Деҳли атрофида изғиб юрган эди. Шершоҳнинг ворисларидан бири дарҳол Деҳлини эгаллаб олди. Кобулни эса Акбарнинг исёнчи қариндошлари босиб олди. Панжобда ҳам исёнчилар бош кўтарди. Бу воқеаларга Байрамхон босиқлик билан баҳо берарди. Унинг маслаҳати билан Акбар дастлаб исёнчилар ҳаракатини бостирди ва Панжобда ўз ҳукмдорлигини ўрнатди.




Бошқа маслаҳатчилар аввал Кобулни озод қилишни маслаҳат бердилар. Лекин Акбар устози Байрамхон билан маслаҳатлашиб, ҳозирча Кобулдан кўра Ҳиндистонни кўзлаш маъқул, деган қарорга келди.

Акбарнинг қалбида ҳам Бобурнинг жасорати бор эди. Болалигида у, қутурган туяларга минаман, деб энагалари ва тан кўрикчиларини кўрkitарди. Кунларнинг бирида яёв ҳолда бир йўлбарснинг олдидан чиқиб қолганда ўзини йўқотмай унга қарши шиддат билан ташланган эди. Ғанимлар билан кескин юзма-юз жанг кетаётган бир пайтда у ўзининг жангчи фили билан безорилар яширинган уйнинг деворларини бузиб бостириб кирган эди. Ўшанда унинг садоғида бештагина ўқ бор эди, холос.

Энди эса Ҳиндистондек улкан мамлакатни забт этиш учун унинг Шершоҳ авлодлари билангина эмас, балки яна янги бир ғаним — ҳаётини савдогарчилик билан бошлаб, кейинроқ ҳарбий соҳада лашкарбошлик мавқесига кўтарилган Ҳемуга қарши курашишига тўғри келди. Бу пайтда Ҳему ўзини рожа Ҳему деб эълон қилган эди. Рожа Ҳему ўзи англаб етмаган ҳолда Акбарнинг ишини осонлаштириб қўйди, яъни Шершоҳ авлодини тахтдан қувиб, ўзини янги ҳукмдор деб эълон қилди. Ҳемунинг қўшини кўп бўлса ҳам Акбар билан Байрамхон биргаликда унинг қўшини устидан ғалаба қозондилар.

Рақиблар қўшини бу воқеадан ўттиз йил илгари Бобуршоҳ Ҳинд султони Иброҳим Лўдийга қарши жанг қилган жойда — Понипат қишлоғи яқинидаги ялангликда юзма-юз келдилар. Ҳему ўзининг Ҳавойи лақабли суюкли жанговар филида майдонга кирди. Би-



рок фил устига ўрнатилган кажавага чиқиши биланок Акбар кўшини томонидан мўлжалга олиб отилган ўқ келиб нақ кўзига тегди ва чакагини ялаб ўтди. Ўқ зарбасидан у орқасига йиқилди ва хушидан кетди. Унинг фили Хавойи эса қутургандан-қутуриб, йўлида учраганга ташланарди, Хемунинг навкарлари эса ўз кўмондони Хемуни ўлди, деб ҳисоблаб, ҳар томонга тум-тарақай бўлиб қочиб қолишди.

Қурулсиз филбон ва фил унинг устида беҳуш ётган Хему билан Акбар хузурига келтирилди.

Байрамхон шунда ёш ҳукмдор Акбарга мурожаат қилиб деди: «Бу сизнинг биринчи жангингиз, Ҳазрат. Қиличингиз қудратини мана шу кофир танасида синавдан ўтказинг. Бу яхши ажр бериладиган яхши иш бўлади», деди. Бироқ Акбарда отаси Ҳумоюннинг раҳмдиллиги ва бобоси Бобуршоҳнинг мардлиги бор эди.

Ривоят қилишларича, кунларнинг бирида Бобурнинг душман устига тунда бостириб бориб, рақибини ухлаб ётган жойида маҳв этиш имкони бўлса-да, у душманига чопар юбориб, унинг ғафлатда қолмаслиги учун ҳужумдан хабардор қилиб, кейин жангга кирган ва ғолиб бўлган экан. Ана шу вазиятда Акбар ҳам бобосининг йўлини тутди ва деди: «Хемунинг мурдадан фарқи йўқ. Уни ўлдиришдан не фойда?! Агар у хушида бўлиб, менга қарши турганда эди, мен қиличимни синаб кўрган бўлардим».

Шундан сўнг Байрамхоннинг ўзи тутқуннинг бошини танасидан жудо қилди.

Хемунинг бошсиз танаси исёнкорларни кўрkitиш мақсадида Дехли дарвозасига осиб қўйиш учун юборилди. Танасиз боши эса Кобулга жўнатилди. Бу каби




дахшатли ишлар у даврларда одатий бир ҳол ҳисобланарди. Мағлубларнинг кесилган бошлари ғолиблар оёғи остига ташланар, баъзан эса, рақиблар ва исёнкорларга рухий таъсир ўтказиш учун душманларнинг кесилган каллаларидан минора қад кўтарар эди.

Ҳемунинг қонга беланган ва бадбўй калласи Кобулга келтирилди. Бу, биринчидан, Акбарнинг энг дахшатли рақиби бўлмиш Ҳему ёш подшоҳнинг йўлидан батамом супуриб ташлангани ва Акбар ўз қонуний тахтини эгаллаганидан хабар берса, иккинчидан, Ҳиндистонда хавфсизлик таъминланиб, ҳарам аҳлининг Дехли ёки Аграга келиб, Акбар хузурида бўлишига имкон яратилганидан далолат беради.

«Ғалаба ноғоралари баланд чалиниб, Яратганга шукроналар келтиргач, хурсандчиликдан сўнг сафарга отланилди». Ҳарамда Ҳамидабону бегим Ҳумоюншоҳнинг беваси сифатида энг эъозли мавқеда турарди. Ундан кейинги ўринда Гулбадан бўлиб, у Бобуршоҳнинг ҳаёт бўлган ягона фарзанди эди. Гулбадан яна Гулчеҳра исмини ҳам тилга олади. У Гулбаданнинг сингиллари ёки жиянларидан бири бўлиши мумкин.

Сафарга отланган ҳарам аҳли ичида Сарвқад ҳам бор эди. У эҳтимол, Гулбадан болалик пайтида онаси Моҳим бегим билан биринчи бор Ҳиндистон сари отланганида сафар давомида айтиб берган ашулаларини яна такроран айтган бўлса ажаб эмас. Гулбадан ва ҳозир Панжобда турган Акбар учун гўё тарих такрорланаётгандай туюларди. Тартиб билан саранжом қилинган юқлар қарвони, тантанали хайрлашувлар... Бирок Гулбадан учун Ҳиндистонга ёш подшоҳ




Акбар хузурига бориш маълум даражада қувонч ба-
вишласа ҳам, иккинчи томондан тоғлар билан ўрал-
ган ва ўзи севиб яшашга ўрганиб қолган бу гўзал
Кобулни тарк этиш қандайдир ўкинч ва маъюслик
бағишларди. Бунинг устига, Акбар отасидан бутун-
лай фарқ қиладиган кучли ва қатъиятли ҳукмдор бўли-
шини биларди. Демак, бобурийлар саройи энди бун-
дан буён Агра ёки Дехлидан қайта қувилмаслигига
умид боғлаш мумкин эди.

«Кобул хавосидек хаволик ер оламда маълум эмас-
ким, бўлғай...». Бобурнинг ана шундай хулосага кел-
ганига бир неча ўнлаб йиллар бўлди. Отасига ўхшаб
Гулбадан ҳам Кобулни ана шундай илиқ муҳаббат
ила қўмсарди. «...Кобул қалъасининг арки бу тоғнинг
устидадир. Улуғ қўрғон аркнинг шимолий тарафида-
дир. Бу арк ғариб муртафеъ ва яхши хаволик ер
воқий бўлибтур... Ўланглар сабзалик маҳалида бис-
ёр яхши кўринур...»

Орадан йиллар ўтиб, энди Гулбадан ўзининг юриш-
туриши, хатти-ҳаракати ва салобати билан аммаси Хон-
зода бегимнинг ўрнини босиб қолган эди.


Гулбадан билан Хамидабону бегим иккаласи гўё
туғишган опа-сингилдек бир-бирига жуда яқин бўлиб
қолишганди. Сафарда уларнинг чодирлари ёнма-ён
тикиларди. Ёшлари ўтган сари Хамидабону бегим шоҳ-
нинг онаси сифатида аёллар даврасида «Салобатли
аёл», Гулбадан эса «Мурувватли аёл» деган ном ол-
ган эдилар. Энди улар хаёт ташвишлари ва қувонч-
ларини биргаликда баҳам кўрар эдилар. Бироқ ол-
динда уларнинг ҳар иккаласини ҳам ранжитадиган
воқеалар кутарди.



Уларнинг кўнглига оғир ботган ҳолатлардан бири шу бўлдики, Кобулдан келаётган карвонни кутиб олиш учун Акбар ўз энагаси Моҳим энагани жўнатди. Бу Бобурнинг рафикаси, малика Моҳим бегим эмас, балки Акбарнинг болалигида уни эмизган энага — Моҳим исмли бошқа аёл эди. Ривоятларга қараганда, Кобул қамали пайтида Комрон Акбарни ўққа тутилаётган қалъа деворига ўтқазиб кўйганда Моҳим энага уни қутқариш учун жон-жаҳди билан интилган ва ўз жуссаси билан гўдак Акбарни ҳимоя қилган экан. Шу боис бўлса керак, Акбарнинг эмизган онасига эътиқоди тукқан онасига бўлган эътиқодидан ҳам юқорироқ эди. Чунки шох фарзандига энагалик қилиш ҳам саройдаги ўзига хос бир мақом бўлиб, унга эга бўлиш ҳаммага ҳам насиб бўлавермас эди. Фарзанди аслзода шох фарзандидан аввалроқ ёки ундан кейинроқ туғилган аёллар шох фарзанди билан бир вақтда бола кўрган ва шу боис энагалик қилиш мақомига муяссар бўлган аёлларга ҳасад билан қарашарди. Нега деганда, энаганинг ўзи тукқан фарзанди ўша давр таомилига кўра махсус имтиёз ва дахлсизликларга эга бўлиб, улар шахзоданинг «кўкалдоши», яъни эмикдоши хисобланар эди.


Лекин шунга қарамасдан, Ҳамидабону бегим билан Гулбадан бегимни кутиб олишга Моҳим энаганинг чиқиши бу аслзода аёлларнинг кўнглига бир оз оғир ботди.

Бироқ орадан кўп ўтмай, ҳарам аҳли тўхтаган манзилга жанг қилаётган жойидан бир кунлик йўл босиб Акбарнинг ўзи улар билан кўришгани келди. Шаҳаншоҳ ўғлининг юзидан ёғилиб турган нур ва салобат-



дан Хамидабону бегимнинг умидвор қалби тўла таскин топди. Тез фурсатда ҳарам аҳлининг карвонини Лоҳурдан Дехлига кўчиришга фармон берилди. Ҳарамнинг кўчиши жуда дабдабали бўлди. Бу карвон дастлаб Гулбадан билан Моҳим бегим Кобулдан келган карвондаги от қўшилган оддий маҳофа ва кажавалардан кескин фарк қиларди. Акбар ҳарамдаги аёллар ўтирган маҳофалар ва кажавалар жуда чиройли безатилган, ҳаддан зиёд ҳашамдор эди. Нима ҳам дердик, давр ўтиши билан удумлар ҳам ўзгараверар экан.

Акбарнинг бўлажак келини бўлмиш Нуржаҳон яшаган даврдаги ҳарамнинг кўчиши тасвирланган бир миниатюра бор. Акбарнинг ҳарами ҳам айнан шу тарзда дабдаба билан ясатилган эди. «Улар ҳарам оғалари, аёл соқчилар ҳамда бадавлат аслзодалар ва сарбозлар ҳамроҳлигида узок сафарга чиқишган эди. Чиройли бўрк кийган мўғулий ва кашмирий чўри аёллар кўркам отларда қатор-қатор бўлиб, олтига фил устига ўрнатилган ёпиқ тахтиравонда ўтирган канизаклар ортидан кузатиб борардилар. Кажавалар ортидан эса баъзилари ноёб ва қимматбаҳо тошлар билан ёки тошойна билан безатилиб, усти қимматбаҳо зардўзи мато билан қопланган маҳофалар келарди. Карвонга жуда яқин юриб келаётган ҳарам оғалари сирланган қимматбаҳо тошлар билан безатилган товус патли елпичлар билан бегимларни хира паишшалардан кўриб борардилар. Қўлида кумуш ёки олтин найза тутган эркак соқчилар: «Йўлдан қочинглар! Йўлдан қочинглар!» деб қичкиришиб карвон олдида боришарди. Чанг кўтарилмаслиги учун йўлга сув сепилган эди. Кар-



вон эринмасдан секин, оҳиста илгари кадам ташларди».

Гулбадан Ҳумоюн саройидаги хашамат ва дабдабаларни, айникса, Ҳиндолнинг тўйидаги тўкин-сочинлик ва тантанаворликни бўрттириб кўрсатишга ўрғаниб қолган эди. Ҳамидабону бегим эса ундай эмасди. Унинг учун эроний хашамат ва дабдабалар маъқул кўринарди. Ўзини «ҳақир» деб билган Гулбадан учун ортиқча сарф-харажат талаб қиладиган бундай дабдабалар бирмунча эриш туюларди. Бироқ буларнинг барчаси подшоҳ наслининг аслзода мавқеини таъкидлаш, ҳукмдорни ҳурмат қилиш лозимлигини англайтиш учун қилинарди. Бундай дабдабалар қуршовида бўлса ҳам Гулбадан ўзини «номахрамлар назаридан пинҳон» сақлаши даркорлигини яхши тушунарди. Чунки барча муслималар, ҳаттоки, ҳозир ҳам шу удумга риоя қиладилар. Маликалар фил устидаги махофадан тушадиган бўлсалар, фил чодир ичига киритилар ва номахрам бўлгани боис, филбонлар юзларини калин мато билан ўраб турардилар.

Акбар Гулбаданнинг эри Хизир Хўжахонни Лоҳур хокими этиб тайинлади. Лекин эри билан бирга туриш учун Гулбаданга саройни тарк этиб Лоҳурга боришга ҳожат бўлмади. Чунки Лоҳурда исён кўтарилиб, қўзғолончилар Хизир Хўжахондан устун чиқди ва шу боис уни Лоҳурдан чақириб олишга тўғри келди. Кейинчалик маълум бўлишича, ҳарбий юришлардан бирида Акбар жиддий яраланган ва ўшанда Хизир Хўжа Акбарнинг ярасини боғлаб, унга ўз отини берган экан. Мазкур воқеа баёнидан сўнг Гулбаданнинг асарида эри ҳақида бошқа гап учрамайди. Ўзи




хақида ҳам маълумот жуда кам, яъни ҳажга боргунча ўтган ҳаёти хақида ҳеч гап йўқ. Чамаси, бу пайтда Гулбадан ўрта яшар аёл ёшига етиб, қолган умри давомида сарой ҳаёти билан бевосита боғлиқ ҳолда осойишта умргузаронлик қилган кўринади.

Бу даврга келиб Моҳим энаганинг таъсири ва таъйиқи билан Акбар ўз устози, унинг тахтга чиқишига кўмак берган тажрибали саркарда Байрамхонни сарой ишларидан четлаштирди. Моҳим энаганинг бу кирдикоридан Гулбадан ҳам бошқалар қатори ранжиган бўлса керак. Тўғри, Байрамхон «тантанали» равишда ҳаж қилиш учун Маккага жўнатилган эди. Гарчи бу можарода Моҳим энага ғолиб чиққан бўлса-да, бу ғолибият унча узоққа чўзилмади.

Салтанатни бошқаришда подшоҳга бировнинг тазйиқ ёки таъсир ўтказишига Бобур жон-жаҳди билан қарши турарди. «Ҳокимиятга бировнинг шерик бўлишига қандай тоқат қилиб бўлади?» деб таъкидлар эди у.

Ёш подшоҳ Акбарни эса, саройдаги айрим кучлар тахтга чиққандан буён чалғитишга, хийлаю найранг билан нотўғри йўлга бошлашга уринишарди. Мана энди у ўзининг кимлигини тўла англаб, ўз мавқеини эгаллади ва ундан ўз манфаати йўлида фойдаланмоқчи бўлганларнинг қовушини тўғрилаб ҳам қўйди.


Моҳим энага ҳалиям Акбарни ўзи таъсирида сақласа бўладиган гўдак шахзода деб ҳисоблар ва унинг вояга етиб, ўзига муносиб олий мавқени эгаллагани ва энди бировнинг таъсирига берилмаслигини тан олгиси келмас эди. Акбар энаганинг фарзандларига катта имтиёзлар берган эди. Бироқ энаганинг кичик ўғли Адхамни шоҳ ҳарамига киришга уринаётган пайтда



соқчилар тутиб олганидан хабар топган Акбар ғазаб устида уни бир мушт уриб қулатди ва ҳарам жойлашган бинонинг иккинчи қаватидан мармар зина бўйлаб пастга улоқтирди. Бу зарбадан унинг ўлмаганини кўргач, иккинчи марта тепадан пастга улоқтиришга буйруқ берди. Шу билан Адҳамнинг қилмиши ўз бошини еди.


Кутилмаган бу ишдан қаттиқ изтиробга тушган Мохим энага қирқ кундан кейин ўзи ҳам вафот этди. Подшоҳнинг қаҳри олдида энаганинг сеҳри дош беролмади. Гулбадан билан Ҳамидабону бегим бўлиб ўтган воқеадан, табиийки, афсусланишди. Лекин уларнинг бирига ўғил ва иккинчисига жиян бўлган Акбарнинг шижоати ва қатъияти уларни сергаклантириб қўйган эди. Улар Акбар олиб бораётган сиёсатни чуқур англаб ололмасдилар. Бобур ҳам, Ҳумоюн ҳам ражпут хиндларига қарши аёвсиз кураш олиб бордилар. Ҳамидабону эшитмаган бўлиши мумкин, лекин Гулбадан хинд рожалари жангда мағлуб бўлганларида кўрсатадиган жасорати ва ўз миллий удумларига садоқати ҳақида кўп эшитган бўлиши керак.

Бир куни узоқ қамалдан сўнг таслим қилинган қалъа деворлари ичида ёнаётган улкан алангани узоқдан кузатиб турган Акбар Байрамхондан: «Бу нима ҳол?» — деб сўраганда, Байрамхон «Бу жажҳар маросими, — деб жавоб берди ва: — Бу уларнинг одати», — деб совуққина қилиб қўшиб қўйди. Албатта, хиндлар учун бу одатий, лекин аслида жуда даҳшатли ҳодиса эди. Рожалар мағлуб бўлгач, душман қўлида таҳқирланмаслик учун ўзларини ўлдиришдан аввал хотинлари ва болаларини оловда ёкиб юборишар экан.



Хиндларда бундан ҳам дахшатлироқ удум бор. Уни «саатий» деб аташади. Гулбадан ўзининг аждодлари бўлмиш темурий маликалар орасида эри жангда мағлуб бўлганда голиб душманга чўри бўлишдан кўра ўзига тиф тортиб халок бўлган жасур аёллар ҳақида кўп ривоятлар эшитган. Лекин бундай вазиятларда аёл ўз хохиши билан ўлимга тик бокади. Айрим ҳолларда, масалан, Хонзода бегим каби тақдирга тан бериб, бу ҳам Яратганнинг инояти, деб қабул қилганлар ҳам бўлган. Бироқ хиндларнинг «саатий» одатига кўра, агар оила бошлиғи бўлган эр вафот этса, оиланинг шаънини сақлаб қолиш учун унинг хотини ҳам эр жасади билан қўшиб оловда куйдирилар эди. Бу ҳол, ҳақиқатан ҳам, тирик аёлга нисбатан ваҳшийлик эди. Гоҳида эса кўп хотинли эрларнинг барча хотинлари ва канизаклари, кексаю ёш бўлишидан қатъи назар, оловга ташланар эди. Баъзи қадимги хинд қасрларига кираверишдаги эшик устунларида қонли қўлларнинг кип-қизил излари кўзга ташланади. Булар ана шу гулханга ташланган бегуноҳ заифаларнинг бу удумга қарши билдирган норозилик белгиси бўлса ажаб эмас.


Акбар хиндларнинг манфаатини кўзлаб, бу ғайриинсоний одатга чек қўйди ва уни қонунга хилоф иш, деб эълон қилди. Унинг бу фармонини назар-писанд қилмаган рожалардан бирининг хотинини вафот этган эрининг жасади ёнаётган оловга сакрашга мажбур қилинаётгани ҳақида хабар топгач, у дарҳол отга миниб, сарбозлари билан ўша жойга етиб борган ва бечора аёлни бевақт ўлимдан сақлаб қолиб, кейинчалик уни ўз қарамоғига ҳам олган эди.



Шуни эътибордан қочирмаслик лозимки, Акбар «саатий» одатини бекор қилиш ҳақидаги фармонини қайсар рожаларни ўзига бўйсундириб, уларга ўз вилоятларини Акбар ҳукми остида бошқариш ҳуқуқини бериб, бу ғайридинлар билан яхши муносабатлар қарор топганидан кейин эълон қилган эди. Ҳайратомуз томони шундаки, ўртада тинчлик ўрнатиш мақсадида у ҳатто Анбор вилояти рожасининг Жодха Бай исмли қизига уйланган ҳам эди.

Афтидан, Гулбаданнинг кундоши бўлмаган, бироқ Ҳамидабонунинг уч кундош азобини чекишига тўғри келган эди. Уларнинг энг каттаси Ҳожи бегим бўлиб, у Ҳумоюннинг Кауза дарёси ёнида бўлган жангда бедарак йўқолган Ақиқа исмли қизчасининг онаси эди. Унинг ёши Ҳамидабонудан анча катта бўлса ҳам, улар бир-бирига нисбатан анча меҳрибон эдилар. Ҳумоюн Ҳамидабонуга уйланганидан кейин қуйроқ табақага мансуб бўлган бир қизни севиб қолиб, уни ҳам никоҳига олган эди. Унинг исми ҳам Мохчечак бўлиб, у Ҳумоюнга икки ўғил ва тўрт қиз туғиб берган эди.

Кундош билан бир оилада яшаш, албатта, осон иш эмас. Лекин кундошларнинг барчаси мусулмон аёллар эди. Шубҳасиз, Акбар саройида хинд раққосалари ва канизаклари ҳам бўлган. Лекин Жодха Байни Акбар шарият қонуни асосида никоҳлаб олган эди. Бу никоҳ доимий бўлиб, мутъах никоҳидан фарқ қиларди. Никоҳнинг мутъах турига кўра, мусулмон эркак маълум муддат бирон аёл ёки қиз билан шарият қоидалари асосида бирга яшашни, кейин уни қўйиб юбориши мумкин. Шубҳасиз, бу аёл ёки қиз бу таомилни яхши тушунади ва бунинг эвазига маҳр олади.




Бирок Акбар давлат конунларини одатда ўзи чиқарар эди. Унинг Жодҳа Бай билан бўлган никоҳ тўйи барча расм-русумларга риоя қилинган ҳолда ўтказилди. Бу тўйда Гулбадан билан Ҳамидабону бегим иштирок этишганми-йўқми, бизга номаълум, Эҳтимол, иштирок этишмаган бўлса керак.

Лекин Акбарнинг бундан кейинги ҳаёти ва фаолиятида Жодҳа Бай алоҳида ўрин тутди. Жодҳа Байдан сўнг яна бир неча хинд рожаларининг қизлари Акбарга тортиқ этилиб, улар ҳам ҳарамга қабул қилинди. Уларнинг сони кўпайиб кетганлигидан Акбар уларга ҳарам ичида алоҳида ибодатхона қурдириб, уларнинг ўз дини ва урф-одатларига риоя қилишлари учун имконият яратиб берди. Бу ибодатхоналарнинг аксарияти ҳозир муқаддас қадамжолар ҳисобланади.

Шундай бўлса-да, хинд рожаларидан бири, Мевор вилояти ҳокими Акбар ҳукмдорлигини ҳеч тан олишни истамас эди. Баланд ва ўтиб бўлмас девор билан ўралган Читтор қалъасини узоқ вақт қамал қилгандан кейин, ниҳоят, қалъа таслим бўлди. Қалъага киргач, маълум бўлишича, рожанинг саройи ва кўшини тоғлар оша яширинишган экан. Орадан бир неча йил ўтгач, рожа яна қайтиб келиб, аждолари Удайпурдаги кўл ёнида қурмокчи бўлган қалъада пайдо бўлди. Уни яна қайта забт этган Акбар қалъа девори атрофида истикомат қилувчи ражпутлар ва бегуноҳ деҳқонларни кириб ташлашга буйруқ берди. Бу ўта шафқатсизлик билан қилинган ҳаракат эди.

Акбар фаолиятида баъзан шафқатсизлик аломатлари кўзга ташланиб қоларди. Абулфазлнинг ёзишича, Акбар ўргимчакнинг хашаротларни ўз тўрига илин-



тириб тутиб олиши ва кейин уларни ейишидан завқланар ёки қурбакаларнинг оғзидан чиққан тупуги чумчуқни халок қилиши мумкинлигини билиб олгач, уларни бир-бирига қарши қўйиб, гиж-гижлар экан. Акбарнинг феъл-атворидаги бундай салбий жиҳатларни оқлаш учун сўз топишга ожиз қолган Абулфазл босиқлик билан, «келинг, энди бошқа мавзуга ўтайлик», деб ўқувчи эътиборини бу номаъкул ҳолатдан четга буради.

Акбарнинг ёши улғайган сари салтанат анча мустаҳкамлангач, унинг феъл-атвори босиқлик тусини олиб, унинг фаолиятида жанг қилиш ўрнини ов қилиш иштиёқи эгаллай бошлади. Лекин бу жараён ҳам шифқатсизлик билангина амалга ошиши мумкин бўлган фаолиятдир. Шикорда юзлаб навкарлар чексиз чангалзорнинг маълум бир ҳудудини ўраб олиб, унинг ичида қолган ёввойи ҳайвонларни тўрларга қараб ҳайдайдилар. Тўрга тушган ўлжасини ушлаш учун шох биринчи бўлиб боради. Тўрга тушган энг ваҳший ҳайвон ҳам чорасиз, мулойим бўлиб қолади. Ундан кейин сарой аёнлари ва мулозимлар ва охирида оддий навкарлар бу ишга журъат қиладилар. Акбар шикорга ўзининг севимли фили ёки отида чиқарди. Баъзан елкасида овчи бургути ёки ўргатилган чита (қоплон) билан ов қиларди.

Овланадиган йиртқич ҳайвонларни тутиш учун уларга чоҳ казилар ёки тузоқ қўйилар эди. Ўрага ёки қопқонга тушган ҳайвонларни Акбар ўзи отда келиб, махсус ўргатувчилар ўлжаларнинг кўзини боғлаб, симдан тўқилган қафасларга жойлашини кузатиб турар эди. Моҳир ўргатувчилар бу йиртқичларни




овга ўргатишарди. Улар одатда, ўлжасига шиддат билан ташланар ва уларни ўлдириб, ўз эгасига олиб келиб берарди.

Акбар ўргатилган овчи қоплонларни жуда ардоқлар ва уларга бериладиган овқатларни шахсан ўзи назорат қилар эди. Овчи хайвонлар вақти-вақти билан ювиб-тарошлаб турилар, уларга қимматбаҳо тошлар қадалган бўйинбоғлар тақилиб, гиламларда ётишарди. Овга боришда ва қайтишда уларнинг кўзлари боғлаб қўйиларди. Овчи қоплонлардан бири жарнинг нариги қирғоғида кўзга ташланган кийикка шиддат билан тапшаниб, уни тутиб келтиргани учун унга «Бош овчи қоплон» деган унвон берилади. У овга чикадиган пайтда ноғоралар чалиниб, шикор тантанавор тус оларди.

Шикор ҳукмдорларнинг хуш кўрадиган машғулотга бўлиб, бунинг учун жуда кўп маблағ ва вақт талаб этиларди. Баъзан овга бир ярим минг кишигача жалб қилинади. Бир куни тўрға илинган ўлжалар бир жойга тўплангач, Акбарнинг меҳри жўшиб, бу жониворларга раҳми келди ва тўрларни очиб юборишни буюрди. Тузокка тушган жониворларнинг барчаси бўшатиб юборилди.

Акбарда ҳам бобоси Бобур шахсида мавжуд бўлган сирли бир хислат мужассам эди. Дабдурустан у ёлғиз қолиш мақсадида от чоптириб дашт томон кетиб қоларди. Бундай ҳолларда ҳеч ким уни безовта қилишга журъат эта олмасди. Эҳтимол, у Читтор қалъасини забт этишда беғуноҳ дехқонларни қатл эттиргани учун Худодан гуноҳларига тавба қилмоқчи бўлгандир. Ўша кунларнинг бирида Акбар Чештия тариқа-



ти асосчиси бўлган мусулмон авлиё шайх Салим Чештийнинг қабрини зиёрат қилгани борди. Шоҳ у ерга яёв келди. Бу эса унинг мўътабар авлиёга нисбатан бўлган самимий эътиқодидан далолат эди.

Акбарнинг ягона армони бор эди. Абулфазлнинг ёзишича, унинг хотинлари ва канизаклари кўп бўлгани билан уларнинг биронтаси подшоҳга муносиб вояс ҳадя эта олмади. Хотинларидан бири эгизак ўғил туғиб берган эди, бироқ улар чақалоклигидаёқ нобуд бўлди. Кейинроқ бошқа хотинларидан қиз кўрдию, бироқ ўғил фарзанд туғилмади. Ўз вақтида отаси Хумоюн шоҳга ҳам анча вақтгача ўғил кўриш насиб бўлмай, кейинчалик ўғил дунёга келган эди.

Бироқ Акбарнинг ҳолати анча чигал эди. Акбар ҳарамни деярли тарк этмас эди. Унинг эркаклик қувватига шубҳа қилмаса ҳам бўлар эди. Акбар бу ҳолни ўзининг мағрурлиги ва шафқатсизлиги учун тақдирнинг берган жазоси, деган ўйга бориб, яхши ният ва ихлос билан шайх Салим Чештий ҳузурига келди. Салим Чештий Акбарнинг яна учта ўғил кўриши ҳақида башорат қилди.

Шундан сўнг Акбарнинг хинд хотини Анбор вилояти рожасининг қизи Жодҳа Бай хомиладор бўлди. Башорат тўғри келишига ишонч ҳосил қилиш учун Акбар хотинини шайх ҳузурига жўнатди. 1569 йилнинг 10 августида ўғил фарзанд дунёга келди. Шаҳзодани шайх шарафига Салим деб аташди. Орадан йиллар ўтиб отасининг тахтини эгаллагач, шаҳзода Салим ўзини Жаҳонгир деб аташларини буюрди.


Акбар хотини ва ўглининг яна уч ой муддатга шайх хонадонида қолишларини маъқул кўрди. Ўтмиш-



да мағрур ражпутлар тарбиясини олган ёш ҳинд аёли Жодха Бай мусулмонларнинг муқаддас қадамжойида истиқомат қилар экан, кўнглидан кечган ҳис-туйғуларни тасаввур қилиш қийин, албатта. Лекин тарихий манбаларда бу ҳақда бирон-бир маълумот учрамайди. Тахт вориси дунёга келганидан сарой аҳлининг қувончи чексиз эди. Бироқ Ҳамидабону бегим билан Гулбаданни бўлажак ҳукмдорнинг келажаги бир оз ташвишга солар эди. Чунки у ярим ҳинд эди, демак, бу ярим ғайридин, дегани-да!

Чештийлик тариқатига келсак, бу оқим анча эркин ҳисобланган сўфийлик тариқатига мансуб эди. Сўфийлар эса, Гулбаданнинг назарида, анча бағри кенг эътиқоддаги мусулмонлар тоифасини ташкил этар эди. Улар муқаддас Қуръони карим талабларига кўркўрона амал қилибгина қолмай, балки пайғамбар ҳазратларининг ўғитларини шариат қонунлари нуқтаи назаридан кенгроқ тушуниб талқин қилар эдилар. Сўфийлик Акбарга ташқи дунёни идрок қилишида кўп маълумот берди ҳамда ҳиндуизм, ислом, христиан, зороастризм, буддизм каби турли хил динлар ўртасида кўпгина ўхшашликлар борлигини англашга ва унинг бу борадаги дунёқараши кенгайишига ёрдам берди.


Шайх Салим Чештийнинг башорати билан Акбар яна иккита фарзанд кўрди. 1570 йилда шаҳзода Мурад, 1572 йилда шаҳзода Дониёл дунёга келди. Шу тариқа подшоҳ Акбар энди уч ўғилли ота бўлди. Шайхга бўлган ҳурмат-эътиқоди боис Акбар у яшайдиган Аградан ўттиз беш чақиримлик масофада жойлашган қишлоқ ўрнида афсонавий гўзал Фотехпур Секри шаҳрини бунёд эттирди. Бу ерга салтанат пой-



тахтини ҳам кўчириб келиб, ўн тўрт йил шу масканда туриб хукмдорлик қилди. Бироқ охир-оқибатда бу жойни тарк этишга тўғри келди. Чунки шаҳарни бунёд этган подшоҳ ҳамда меъморлар бир оддий, лекин ўта муҳим омил — шаҳарни оқар сув билан таъминлаш масаласини унутишган эди. Зеро, бобурийлар барпо этган қаср ва саройлар, боғ-роғлар, қудуқлар, ариқлар, мрамр ховузлар, фаввораларни сувсиз қандай тасавур қилиш мумкин!

Кейинчалик Фотехпурни «шарпалар шаҳри» деб атайдиган бўлдилар. Бу шаҳар худди чангалзор сингари ёввойи ўт-ўланлар, паррандаю даррандалар маконига айланиб қолди. Бу жойда товус, узун думли тўтиқўш, маймун, кобра ва бошқа турли хил ўрмон жониворларини кўплаб учратиш мумкин эди. Хозир ҳам у ерга сайёҳлар ва хизматчилар келмасдан туриб эрта тонгда борилса, шаҳарнинг атрофида гўёки ҳаёт қайнаётгандек туюлади. Эҳтимол, бу қуруқ иқлим туфайли, кизғиш рангли фиштлардан бунёд этилган иморатларнинг мустаҳкам пойдевори боис бинолар яхши сақлангани билан боғлиқдир. Ташландиқ сарой худди исталган пайтда яна ўз хизматини адо этишга тайёр тургандек, хозир ноғоралар чалиниб, подшоҳ саройга тантанавор тарзда карнай-сурнайлар садоси остида кириб келадигандек, созандалар, раққосалар ижро этаётган куй-қўшиқлар ҳали-хануз жаранглаётгандек туюлади.

Секрида ҳалигача Акбарнинг каптархонаси сақланиб қолган. У ердан ўргатилган каптарлар орқали тўрт томонга шошилинич хабарлар жўнатилад ва жавоблар бу ерга етказиб келинад эди. Атрофдаги са-




лобатли бинолар орасида шайх Салим Чештийнинг масжид ховлисига қурилган мақбараси мўъжазгина ва ёлғиз бўлиб кўринади.

Акбарнинг набираси Шох Жаҳоннинг буйруғига биноан, мақбарани атрофдаги қизил гиштли масжид биноси кўрқига мос тушмайдиган рангдаги мраммар билан қоплаган эдилар. Бу мақбара хали-хамон муқаддас қадамжой ҳисобланади. Фарзандталаб оилалар бу ерга келиб мақбарани тавоф этадилар ва Яратгандан, қолаверса, шайхнинг арвохидан фарзанд ато этишини сўраб, илтижо қиладилар.

Лекин Акбар буюк мақомга эришиб, бутун Ҳиндистонни бошқариш тизгинини қўлга олгач, шайх руҳи таъсиридан узоқлашиб, ўша даврнинг етук алломаларидан бўлган олим ва яқин дўсти Абулфазл таъсирига тушиб қолган эди.

Абулфазл Алломий «Акбарнома» ҳамда «Айни Акбарий» асарлари муаллифидир. «Айни Акбарий» асари етти йил давомида ёзилган бўлиб, унда сарой ва подшоҳ ҳаёти қадам-бақадам, кунма-кун, барча тафсилотлари билан муфассал баён қилиб берилган. Акбарнинг турмуш тарзи, давлат бошқаруви, жанг олиб бориш усуллари, шикор тафсилотлари, танаввул қиладиган таомлари, дам олиши, ишлаши, турли ўйинлар ўйнаши барча-барчаси батафсил ақс этган. Масалан, Акбарнинг қоронғида товланадиган палас дарахти ёғочидан тайёрланган қоптоқлар билан кечаси чавгон ўйнагани ҳам тасвирлаб берилган. Асарда подшоҳнинг сеvimли филлари, уларнинг нархи ва хусусиятлари ҳақида узундан-узоқ тафсилотлар ҳам зикр этилган.




Шунингдек, Акбарнинг гўшт истеъмол қилишни ёқтирмай қолгани, ойлаб гўшт емагани, рўза пайтидаги ифторликда эса биринчи коса овқат онаси Ҳамидабону бегим уйдан келтирилгани хақида хикоя қилинади. Муаллифнинг ёзишича, Жамна дарёси орқали қайиқда саройга ҳар куни муз келтирилар, сувни эса Акбар хиндларнинг одатига кўра, фақат шу дарёдан олдириб ичарди. Бундай одатлар Акбар фаолиятида тобора кўпроқ кўзга ташланиб туради.

Ҳамидабону бегим ва Гулбадан Абулфазлнинг Акбарга ўтказаяётган таъсиридан анчагина ташвишда эдилар. Унинг таъсири эса тобора кучайиб борар эди. Акбар хинд байрамларида хиндча урф-одатларни адо этганини англатувчи кизил тамға — «тилак» қўйиб оларди. У салла ўраш одатини ҳам ражпутчасига ўзгартирди, ҳарамдаги мусулмон аёлларни ҳам шунга даъват этгандек, ўзи ражпутча либос кия бошлади. Аёлларнинг иссиқдан сақланиб салқин юришлари учун эса калта корсаж, бели очик ҳолда юпқа матодан тикилган кийимларни, хинд аёлларига ўхшаб юзларига харир парда тутиб юришга кўндирмоқчи бўларди.

Темурийлар сулоласига мансуб зодагон аёллар бу хатти-ҳаракатлардан ўзларини таҳқирланган сезиб, бундай кийинишдан бош тортдилар ва анъанавий урф-одатларига содиқ қолдилар. Эҳтимол, ана шундай ишлардан ранжибми, ҳар қалай, Гулбадан ўзи жуда ҳурмат қиладиган подшоҳ Акбарни тарк этиб, 1576 йилда ҳаж зиёратига боришга қарор қилди.


Ўша пайтда Гулбадан, чамаси, бева қолган бўлиши керак. Чунки ҳаж сафарига одатда аёллар ўз



танмахрами билан борадилар. Афтидан, бу вақтга келиб Гулбадан ҳам, Ҳамидабону бегим ҳам ҳарамдан ташқарида яшардилар. Акбар Фотехпур Секригами, Панжобгами вақтинча кўчиб келиб турган кезларда улар унга ҳамроҳ бўлган бўлсалар керак. Уларнинг бу пайтда Аграда қолганликлари ҳақида маълумот йўқ. Хуллас, Гулбадан қаерда яшамасин, саройдагилар уни мархума аммаси Хонзода бегим ўрнида кўриб, ҳурмат-иззатини жойига қўйишар эди. У яшаган хонадонда катта меҳмонхона, соддагина, лекин чиройли қилиб тошдан ишланган, устунли, олди очик айвон бор эди. Ерга гилам тўшалган бўлиб, сарой тасвири туширилган миниатюраларда кўзга чалинадиган пастак курсилар ва лавҳ бўлар эди. Акбар хушбўй хидларни ёқтиргани учун подшоҳ келганда атрофга анбар, сандал ёки алоэнинг шохчалари тутатиларди. Кечкурунлари пашша-чивинларни қувиш, ҳавони тозалаш учун ладан тутатар эдилар. Хизматкорлар ва ҳарам оғалари оёқ учида юришар, пойабзал, ҳатто енгил шиппакларини ҳам остонада ечиб кирардилар.

Пок эътиқод сохибаси бўлмиш Гулбадан бегим болалик чоғидан бошлаб ислом дини талабларини чин дилдан адо этиб келарди. Шу боис ҳам ҳаж сафарига боришга қатъий қарор қилган эди ва ниҳоят, подшоҳ унчалик рўйхушлик кўрсатмай унга руҳсат берди.


У вақтларда ҳаж зиёратини адо этиш учун машаққатли йўл азобини тортишга, олис ва хатарли манзилларни босиб ўтишга, кўп қийинчиликларни бошдан кечиришга тўғри келарди. Бу пайтга келиб, Гулбадан эллик ёшлар атрофида бўлиб, шарқ аёллари учун бу луғ ёш ҳисобланарди.



Акбар сафар билан боғлиқ йўл машаққатларини ва аммасининг ҳолатини яхши тасаввур қиларди. Бундан ташқари, карвон ражпутлар қўл остидаги вилоятлардан ўтиши лозим эди. Улар эса ҳали тўлалигича Акбар тасарруфига ўтмаган эди. Боз устига, ҳажга бориб келишга узоқ вақт кетарди, лекин қанча вақт кетишини Акбар ҳам, Гулбадан ҳам билмас эди.

Акбарнинг ҳам ҳаж зиёратига бориш мақсади бор эди, аммо бу ниятини ошкор қилмас эди. Шу боис бўлса керак, Гулбаданга рухсат бериб, карвон йўлга чиққач, Акбар ҳам ҳожилар киядиган оқ либос — эҳром кийиб Аградан Ажмер вилоятигача бўлган йўлни карвон билан бирга пиёда босиб борди. Карвонда кетётганларнинг барчасининг ҳаж харажатларини у ўз хисобидан тўлади ва бир пайтлар Эрон шоҳи Таҳмосп Ҳумоюнга ўз ўғлини қўшиб берганидек, Акбар ҳам аммасига ҳурмат-эҳтиром юзасидан унга ҳамроҳ қилиб ҳали олти ёшга тўлмаган иккинчи ўғли шахзода Муродни қўшиб берди. Бироқ унинг ҳали вояга етмаганини инобатга олиб, Гулбаданнинг илтимосига биноан уни ярим йўлдан «зиммасига юклатилган вазифадан озод қилиб», Аграга қайтариб юбордилар.

Гулбадан билан ҳаж сафарига отланган аёлларнинг исмлари ўқувчиларга таниш. Улардан бири Ҳумоюннинг катта хотини бўлмиш Ҳожи бегим. У Ҳумоюнга атаб мақбара курдирган аёл эди. Унинг исмидаги «хожи» сўзига қараганда, у илгари ҳам ҳаж қилган бўлса керак. Яна бири — Бобурнинг юқорида исми зикр этилган канизаги Гулнора. Унинг исми кип-қизил гулни эслатади. Хонанда Сарвқад ҳам улар сафидан жой олган, бу пайтда у ҳам анча ёшга бориб




қолган бўлиши керак. Энди у сафарга отланган аёлларга аввалгидек баҳор ва ёшликни эмас, балки Оллохни мадҳ этувчи муқаддас қўшиқларни хиргойи қилиб берса, ажаб эмас. Акбарни гўдаклигида ўз қарамоғига олган Аскаррийнинг беваси, Гулбаданнинг Умми Гулсум исмли невараси, шунингдек, Акбарнинг хотинларидан бири ҳам зиёратчилар қаторидан жой олган эди.

Ҳожилар қарвонига Акбар бир султонини масъул этиб тайинлади. Қарвонга ортилган юклар ичида бошқа совғалар билан бирга ўн икки минг сарпо ҳам бор эди. Қарвон Сураат шаҳридаги бандаргоҳдан кемага ўтирганда совғаларни юклаш учун иккита кема зарур бўлди. Демак, қарвоннинг қанчалик катта эканини шундан ҳам билса бўлади.

Ҳиндистон бўйлаб йўл юриш мобайнида Гулбадан ва унинг ҳамроҳларини махсус қуролланган сарбозлар бир вилоят ҳудудидан иккинчисига кузатиб борарди, чунки йўлларда пистирма қўйган қароқчиларга дуч келиш хавфи бор эди. Чанг-тўзон ва жазирама иссиқ аёлларга анча азоб берган бўлиши керак. Бунинг устига, йўлда дуч келинган пашша ва хашаротлар, ичимлик сув танқислиги, озиқ-овқат етишмаслиги, гўштнинг тез айниб қолиши, мева-чеваларнинг камлиги, турли юкумли касалликлар зиёратчиларнинг саломатлигига таҳдид соларди. Кўпинча улар фақат хурмо танаввул қилиш билан кифояланишга мажбур бўлишарди.

Сафар ҳужжатлари тайёр бўлмаганлиги учун улар ўша пайтда португалияликлар хўжайинлик қилаётган Сураат шаҳрида деярли бир йил кутиб қолишларига




тўғри келди. Насроний португалларнинг қондасига қўра ҳажга борувчининг ҳужжатида Биби Марям ва унинг чақалоғи Исо Масих тасвири акс этган бўлиши керак эди. Кемалар эса Туркияга тегишли бўлиб, жуда оғир ва секин сузарди. Шамол йўқ пайтларда кемани эшкакчилар ҳайдарди.

Сафарнинг сўнгги босқичида ҳаж қилувчилар оқ матодан тайёрланган чоксиз эҳром кийишлари лозим эди. Аёллар қордай оппоқ рўмол ёпинишган эди. Чуқур зоҳирий ва рамзий маънони англатадиган бундай либос кийган аёлларнинг ҳар бири қалбан Оллоҳга яқин бўлишни истарди. Бу эса уларнинг қўнғиллари-ни илоҳий зиё билан мунаввар қиларди.

Жиддадан Маккага қадар улар «Лаббайка Аллохумма лаббайк...», яъни «Мана, мен Сенинг ҳузурингда ҳозирман, Оллоҳим, хизмат қилишга тайёрман», деган мазмунда Яратганга мурожаат қилиб келдилар. Ҳаж зиёрати асносида Гулбадан ўзини илоҳий ҳақиқатларни янада чуқурроқ ҳис қилаётгандай, борлиғи улкан ва сирли хилқатнинг бир қисмига, том маънода «хақир»га айланиб қолгандек сезар эди. Чунки бу муқаддас сафарда шоҳ ҳам, гадо ҳам баробар эди.

Нихоят, кемалар қуруқликка чиқиб, Жиддага етиб келганларида Гулбадан қандайдир бетоқат бўла бошлади. У тезроқ Маккаи муқаррамага етиб боришга, уни зиёрат қилишга ошиқарди.

Дунёнинг турли бурчакларида мусулмонлар кунига беш маҳал Каъба томонга юзланиб, ихлос билан саждага бош қўядилар. Мана, ниҳоят, Гулбадан ва унинг ҳамроҳлари ҳам бу мўъжизакор масканга яқин




келиб, Оллоҳнинг уйини тавоф қилиш бахтига муяс-сар бўлдилар. Бир неча йиллар давом этган йўл азоби, уларга таҳдид солган хавф-хатар, йўлдаги мунтазирлик ва чарчоклар гўёки бир дақиқада ўтиб кетгандай туюларди.

Ҳаж зиёратига келганлар одатда Каъбани етти марта айланиб тавоф қилишлари лозим. Лекин ҳаж қондаларини тўлалигича адо этиш ниятида бўлган ҳожилар учун алоҳида талаблар қўйилади. Улардан асосийси гусл ва таҳорат ҳисобланади. Бу таомил орқали ҳожилар нафақат жисмоний покланиб, балки олдинда турган синовлар учун ўзларини рухий жиҳатдан ҳам тайёрлашади. Шундан сўнг бу муқаддас масканда пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) ҳам тоатибодат қилганини ёдга олиб, Каъба яқинидаги махсус ёпиқ жойда намоз ўқийдилар.

Гулбадан ҳам барча иймон-эътиқоди мустаҳкам бандалар қатори Яратганга ҳамду санолар айтар экан, юраги гупиллаб ураётганини сезган ва қолган умрини шу мўътабар даргоҳда ўтказишни сўраб илтижо қилган бўлса, ажаб эмас.

Шундай қилиб, узоқ қутилган ҳаж зиёрати ҳам бошланди. Эртага зиёратчилар Сафо ва Марва тепаликлари ўртасидаги масофага етти марта бориб-келиб, зиёрат арконларидан бирини адо этадилар. Ривоят қилишларича, Иброҳим пайғамбар чўриси Ҳожар билан ўғли Исмоилни сувсиз даштда қолдириб кетганида, бечора Ҳожар сув излаб, етти марта у тепаликдан бу тепаликка бориб келган экан. Бу таомилни ҳар бир зиёратчи сабр-тоқат билан адо этиши фарз ҳисобланади.



Бобурийлар саройидан келган маликалар хаж талабларини бажариш жараёнида офир синовлардан ўтдилар. Улар ҳаттоки юз терисини куйдираётган қуёшнинг иссиғига ҳам, атрофдан кўтарилаётган қуюқ чанг-тўзонга ҳам бардош бера олдилар.

Ҳажнинг еттинчи куни барча зиёратчилар яна бир муқаддас қадамжой — Арофат водийсига пиёда йўлга отланадилар. Улар бу ерга Яратгандан қалбларидаги эзгу ниятларни рўёбга чиқаришини сўраш ниятида борадилар. Гулбадан саройда эканида унинг енгил нарсаларини ҳам хизматкорлар дарҳол айтилган жойга элтиб берар эдилар. Бу ерда эса унга ҳеч нарса керак эмас эди, чунки дунёвий ташвишлар уни ортик безовта қилмас эди. Тановул учун керак бўладиган егуликни йўл-йўлакай зиёратчилар ортидан эрганиб юрадиган савдогарлардан арзимас пулга сотиб олса бўларди.

Шу тариқа Гулбадан Арабистонда уч ярим йил яшаб, ўша давр мобайнида тўрт марта хаж қилди. Табиийки, бу Гулбаданнинг иймон-эътиқодини янада мустаҳкамлаган бўлиши керак.

Маликаларни хажга олиб келган кемаларнинг бири: «Жадал», иккинчиси эса «Саъй-ҳаракат» деб аталган бўлса-да, уларга қараб туриб, иккаласининг ҳам нотўғри номланганига амин бўлиш мумкин эди. Кемаларнинг ҳар иккови ҳам Адан йўлида ҳалокатга учради. Адандек кимсасиз, бўм-бўш жой ҳеч қаерда бўлмаса керак. Бу шаҳарга ҳозир ҳам кўпгина ўлкалардан турли кемалар, нефть ташувчи замонавий танкерлар келиб-кетиб туради. Бу ернинг хавоси ўта иссиқ, иқлими эса қуруқ. Бунинг устига-устак, ўша



замонларда шаҳарга ҳокимлик қилган турк мансабдори нафақат қўпол ва маданиятсиз, балки меҳмондўстлик туйғусидан ҳам жуда йироқда эди.

Бу пайтда давлат ташвишлари билан банд бўлган Акбар Кобулда эканлиги боис, зиёратчи маликаларни ўз юртига эсон-омон қайтариб олиб келиш учун маҳсус кишиларни ўз вақтида юбора олмаган эди.

1582 йилнинг май ойида узоқ сафар, етти йиллик хижрондан сўнг зиёратчилар ниҳоят Аграга етиб келдилар. Ҳиндистон ҳудудига қадам қўйгандан кейин уларнинг кўнгиллари анча кўтарилди. Деярли кунора амирлардан бири подшоҳдан келган совға-саломларни уларга пайдар-пай етказиб турарди. Ва ниҳоят, Ажмерга келиб Салим Чештий мақбарасини зиёрат қилиш учун тўхтаганларида шахзода Салим бувиси Ҳамидабону бегим билан уларнинг зиёратини қутлаш учун бу ерга етиб келди.

Малика Ҳамидабону бегим ҳам улар билан бирга ҳаж сафарига боришни жуда-жуда истаган эди. Агра сари йўлга чиққан карвон тин олиш учун яна бир бор тўхтаганда бу жойга подшоҳ Акбарнинг ўзи ҳам етиб келди. «Узоқ айрилиқдан сўнг қайта кўришишга мушарраф бўлган қариндошларнинг савол-жавоблари тонггача давом этди. Совғалар тўлиб-тошди, хурсанд кўнгиллар тоғдай кўтарилди. Бобурийлар оиласи яна жамулжам бўлди».

Акбар бу аслзода аёлларни, яъни ўзининг онаси, аммаси ва катта хотинларини қанчалик эъзозлаши ва уларга таянишини шундан ҳам билиш мумкинки, у салтанат девонининг беш тоифадаги мухрлари орасида энг муҳими бўлмиш узук мухрни улар ихтиёрига



бериб қўйган эди. Бу узук муҳрсиз салтанат девонидан чиқадиган давлат аҳамиятига молик хужжатлар қонуний кучга эга бўла олмас эди.

Бироқ бу аслзода хонимларни Акбар уларнинг дини, иймон-эътиқоди учун эмас, балки қондош жигарлари бўлгани учун иззат қиларди. Чунки ҳаж сафаридан қайтган Гулбадан Акбарнинг диний қарашларидаги салбий ўзгаришларни кўриб, ҳафсаласи пир бўлди. Гулбаданнинг тўрт бора ҳаж қилиши, ҳар зиёрат чоғида подшоҳ жияни ҳақиқа Яратгандан иймон, инсоф тилаб қилган илтижолари зое кетган эди. Тарихда Акбарнинг диний бағрикенглиги, барча динларга бир хил назар билан қараши, кенг дунёқараши унинг ижобий хислатлари сифатида талқин этилади. Бироқ бу хислатлар иймони бутун, муслима, покдомон аёллардан бўлган онаси ва аммасининг ҳаётий ва диний маслағига тўғри келмас эди.

Акбар 1579 йилда Хиндистоннинг жанубий қирғоғидаги Гоа оролида ўрнашиб олган португаллар раҳбарияти номига хат йўллаб, ундан насронийлик назариясидан сабоқ олиш учун учта роҳиб жўнатишни илтимос қилган эди. Унинг талабига биноан «Назарин донишмандлари» сифатида танилган машҳур учта иезуит келди. Бироқ сарой хонимлари бу роҳибларга ғайридин сифатида қарар эдилар. Акбар уларни алоҳида иззат-икром билан кутиб олди. Улар учун насронийлар ибодат қиладиган махсус бино ҳам қурдириб берди. Уларнинг пасха байрамида иштирок этиб, гўдак Исо расми туширилган икона олдида салласини олиб ерга қўйди. Тўғри, пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) Исони пайғамбарлардан бири сифатида тан олган, ле-



кин уни насронийлар ишонганидек, Худонинг ўғли деб ҳисобламас эди.


Исонинг тасвири олдида бош кийимни ечиб, унга ҳурмат билдириш мусулмон одатига сингмайдиغان ҳаракат эди. Акбар мазкур иезуитлардан бирини ўғли шахзода Муродга насронийликдан таълим берадиган устоз ҳам этиб тайинлаган эди.

Гулбадан ҳаж сафарига кетаётганда унга хамроҳ этиб тайинланган, бироқ хали ёшлиги, йўл азобига бардош бера олмаслигини назарда тутиб, ортига қайтарилган шахзода Мурод энди кап-катта йигит бўлиб қолган эди.

Насроний иезуитлар Акбарни ҳам ўз диний таъсирга оғдириб олишга ҳўп уриндилар, ҳатто бир муддат улар ниятимизга етдик, деб ҳам ўйладилар, лекин оқибат улар кутгандек бўлиб чиқмади. Тўғри, Акбар насроний динининг туб моҳиятини англашга интиларди, лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам иезуитларнинг сиртмоғидан усталик билан чиқиб кетар ва ўз иймон-эътиқодидан юз ўгирмас эди.

Айниқса, Ҳамидабону бегим ғайридин роҳибларни ёқтирмаслигини ошқора билдирганидан кейин, насронийлар ўзларини кўярга жой топа олмай қолди. Кўзлаган мақсадига ета олмагач, улар ўз юртига қайтиб кетишга мажбур бўлди. Роҳиблар жўнаб кетишаётганда Акбар уларни кўп совғалар билан сийлади, лекин миссионерлар йўл харажатлари учун етарли миқдорда пул олдилар-у, совғаларни олишмади. Уларнинг сардори Рудольф Аквавива подшоҳдан бир илтимос қилди.

«Ҳамидабону бегим ҳазратларининг хизматидаги




куллар орасида москвалик бир рус, унинг поляк хотини ва икки ўғли бўлиб, бу оила насроний динига эътиқод қилади. Биз бегимдан уларни озод қилишларини ва уларнинг биз билан бирга насронийлар жамоаси яшайдиган жойда истикомат қилишларига рухсат беришларини ўтиниб сўраймиз».

Аввалига Ҳамидабону бегим бу илтимосни қатъиян рад этди. Бироқ насроний меҳмонларининг кўнглини нима билан хушнуд этишни билмай турган Акбар бориб онасини бу ишга кўндирди. Шундан сўнг бегим уларни озод қилди.

Подшоҳнинг яқин аъёнларидан бўлган Абулфазлнинг сарой аёлларига хурмати сиртдан қараганда доимо юқори мавқеда бўлиб кўринар эди. Лекин бу устмон одамнинг нималарга қодирлиги, унинг ҳарам аёлларига нисбатан зимдан адовати борлигини ва айниқса, Акбарга таъсир ўтказётганини кўпчилик яхши биларди. Акбар билан Абулфазлни шундай кучли ришталар боғлаб турардики, бу муносабатга ҳатто Акбарнинг онаси ҳам раҳна сола олмасди.

Афтидан, Акбарнинг ўз саройидаги олий насаб аёлларга меҳри анча қаттиқ бўлган кўринади. Маълумки, бобурий подшоҳларнинг аксариятида уларнинг хотинларидан бири маликалар ичида энг суюклиси ҳисобланиб, алоҳида нуфузга эга бўлган.

Масалан, Бобур учун Моҳим бегим, Ҳумоюн учун Ҳамидабону бегим, Жаҳонгир учун Нуржаҳон бегим шундай мавқеда бўлса, Шоҳ Жаҳон учун эса Мумтоз Маҳал энг суюкли малика эди. Жаҳонгирнинг Нуржаҳонга бўлган муҳаббати шунчалик эдики, ҳатто у давлат ишларини бошқаришни ҳам хотинига ишониб




топшириб қўйган эди. Шоҳ Жаҳон суюкли рафикаси хотирасига бағишлаб, дунёга машхур Тож Маҳал мақбарасини курдирган.

Акбар эса, гарчанд кўп вақтини хотинлари даврасида ўтказса ҳам, уларнинг ҳеч бирини айрича меҳр билан сийламаган кўринади. Бир пайтлар унинг фикрига таъсир кўрсатиб келган Байрамхон билан Мохим энага ўртадан кўтариб ташланди. Абулфазлнинг унга бўлган таъсири эса сарой аъёнларидан бирининг ўлими билан барҳам топди.

Гулбадан Маккада ҳаж зиёратида юрган вақтида Акбар машхур «Маҳзар», яъни бенуксон фармон хисобланган ҳужжатга имзо қўйди. Унга кўра, подшоҳ ўз қўл остидагиларнинг дунёвий сардоригина эмас, балки уларнинг маънавий раҳбари ҳамда «хокими мутлақ» деб тан олинishi лозим эди. Бу ҳол эса Гулбадан ва унинг ҳамфикрларига шаккоклик аломати бўлиб туюлди. Чунки ислом дунёсида ҳар қандай ожиз банд чикарган фармондан ҳам юкори турадиган муқаддас китоб — Куръони карим мавжуддир.

Акбар, шунингдек, ўзини «Мужтаҳид», яъни барча исломий диний билимлар эгаси деб ҳам эълон қилди. Маккадаги азиз-авлиёлар ҳақиқа юбориб туриладиган хайр-эхсонларни ҳам тўхтатиб қўйди, бир пайтлар ўзи ихлос қўйган авлиё Салим Чештийнинг Ажмердаги мақбарасини ҳам зиёрат қилмай қўйди, хатто масжидда ўз диний қарашлари ҳақида ваъз айтиб, у ерда хутба ўқишгача ҳам бориб етди.


Яхшиямки, ана шу пайтда уни титроқ босиб, ваъз айтишдан тўхташга мажбур бўлди. Бу воқеадан хабар топган Гулбадан билан Ҳамидабону бегимни ҳам



каттиқ ваҳима босган бўлиши керак. Ахир «Худонинг қахридан кўрк» деб бежиз айтилмаган. Бироқ исломда ҳаром ҳисобланган чўчкалар бир мусулмон мулланинг боғини пайхон қилгани ҳақида шикоят билан Акбарга мурожаат қилишганда ҳам у пинагини бузмаган эди.

Айни пайтда унинг саройидаги бу мўътабар аёллар ўз умри давомида кўрган бобурий ҳукмдорларга қараганда Акбар анча такаббур бўлиб чиқди. Бобурнинг хатти-ҳаракатларида такаббурлик ва худбинлик аломатлари асло сезилмасди. Бирон-бир айб ёки гуноҳ иш қилиб қўйгудек бўлса, у бундан чуқур изтироб чекарди, Ҳумоюн эса ғоят кўнгилчан инсон бўлгани боис, унинг ҳаракатларида ҳам такаббурлик аломатлари мутлақо кўзга ташланмайди. Акбар эса, афсуски, уларнинг иккаласига ҳам ўхшамасди. Онаси Ҳамидабону Акбарнинг ножўя ишларига эътироз билдириб, унга танбеҳ бермоқчи бўлса, бу ишни ўта мулоимлик ва эҳтиёткорлик билан қиларди.

Албатта, Акбар бу эътирозларга қулоқ солмасди. Гулбадан эса, агар дилидаги фикрларини очиқ айтдиган бўлса, Акбар уни қайтадан Маккага ҳаж сафарига жўнатиб юборишини, лекин бу гал энди ўз хоҳиши билан эмас, балки мажбуран жўнатилишини яхши биларди. Бироқ шуни унутмаслик керакки, бу донишманд, оқила аёлни жияни Акбарнинг дин борасидаги ножўя ишларига танбеҳ беришдан қайтариб турган нарса ёлғиз кўркув эмас эди. Ахир, у Бобур — йўлбарснинг фарзанди-ку. Фақат «Подшоҳ» деган рутбаи олийга бўлган ички туйғу, чуқур ҳурмат ҳамда бу унвон эгасининг ҳам бобурийлар сулоласидан бўлган-




лиги уни тўхтатиб турарди. Шу боис Акбар нима қилганда ҳам, унга нисбатан ҳурмат-эҳтиромни сақлаши зарур эди.

Уша пайтда Абулфазл «Акбарнома» асари устида ишлаётган бўлиб, унга Акбарнинг аждодлари ҳақида уларни кўрган-билганлар тилидан ёзилган маълумот зарур бўлиб қолган эди. Аммасининг ақл-заковати ва нималарга қодирлигини яхши билган Акбар отаси ва бобоси ҳақида «...нималарни билсангиз ёзингиз...» деган мазмунда Гулбаданга топшириқ берди.

Бу пайтда Гулбадан олтмиш ёшдан ўтиб қолган эди. Шунга қарамай, у отаси Бобур ва акаси Ҳумоюн ҳақида хотирасида қолган воқеаларни қоғозга тушира бошлади. Қизиғи шундаки, болалик чоғида дарслардан қочиб, китоб ўқишни истамайдиган Акбар, вояга етгач, китобга шунчалик меҳр қўйган эдики, мутолаа туфайли олган билимлари асосида фалсафий мавзудаги баҳс ва музокараларда фаол иштирок этарди. Унинг кучли хотираси доно ҳамсухбатларини ҳам лол қолдирар эди.

Айтишларига қараганда, Акбарнинг кутубхонасида йигирма тўрт минг нусхадан зиёд китоб бўлиб, унинг катта бир қисми харамда сақланар экан. Ҳар куни махсус тайинланган кишилар — қиссахонлар унга китоб ўқиб берар ва матннинг маълум қисми ўқиб бўлингач, шоҳ ҳазратлари ўз қалами билан унга зарур белгилар қўяр экан. Қиссахонга эса ўқилган саҳифалар сонига қараб тилла ёки кумуш танга ҳадя берар экан.

Акбарнинг тасвирий санъатга ҳам иштиёқи жуда юқори эди. У ҳукмдорлик қилган даврда яратилган




энг ноёб асарлар орасида пайғамбар Мухаммад (с.а.в.)нинг амакиси амир Ҳамза ҳақида яратилган «Ҳамзанома» асарига ишланган тасвирий безаклар Акбарни ҳайратда қолдирган эди. Бу асарни безаш ишларига юздан ортиқ рассомлар, тилларанг нақш берувчилар, муковачилар ва бошқа мутахассислар жалб қилинган эди. Асар ўн икки жилддан иборат бўлиб, унга мингдан ортиқ тасвирий миниатюра ва бошқа нақшли безаклар берилган эди. Бу нодир санъат асарининг яратилишидан биринчи галда Гулбадан мамнун бўлган бўлиши керак. Унинг фикрича, бу борада Абулфазлнинг ижобий таъсири муҳим роль ўйнаган.

Ўша пайтда Абулфазл подшоҳнинг фармониغا мувофиқ «Акбарнома»ни ёзишга киришган эди. Унга «...самимийлик қалами ила бизнинг қўл остимиздаги юртларда бўлиб ўтган воқеалар тафсилоти ва ғалабаларимизнинг кўпайиб бораётгани ҳақида ёзинг», деган мазмунда буйруқ берилган эди.

Чамаси, Акбар дўстининг чиройли услуб билан ёзишини энди пайкаган эди. Абулфазлнинг шоҳ шаънига олқишу мақтовларга тўла баландпарвоз усул билан битилган баёни олдида Гулбаданнинг содда, лекин равон тилда ёзилган камтарона «Ҳумоюннома» асари ва ундаги воқеалар тафсилоти Акбарнинг эътиборини қозона олмаган бўлса, бунинг ажабланарли жойи йўқ.

Тарихий манбаларда бундан кейин Гулбаданнинг номи яна икки-уч мартагина тилга олинади, холос. Чунки унинг яна сафарга чиққани ҳақида маълумотлар мавжуд. 1589 йилда Акбар «Ҳиндистон гавҳари» деб аталадиган, мовий кўллар, баланд тоғлар, яшил




водийлар ўлкаси бўлмиш Кашмирни забт этди. Бу воҳанинг беқиёс гўзаллиги Акбарни ўзига мафтун этган эди. Ўғли Жаҳонгир Кашмирни отасидан ҳам кўпроқ меҳр билан ардоқларди. Суюкли маликаси Нуржаҳон бегим билан унинг бу ерда Нишот ва Шалимар боғларини бунёд эттириши бу фикрнинг тасдиғидир.

Акбар ашаддий табиат ошиғи бўлмаса-да, гуллар ва қушларга ишқибоз эди. Шу боис бўлса керак, у табиатга яқин бўлиш мақсадида ўз ҳарамининг бир қисмини пойтахтдан кўчириб кетишга, улар билан бирга онаси Ҳамидабону бегимни ҳам олиб келишга буйруқ берди. Онаси исмига ёзилган номага у шундай бир жумлани ҳам илова қилиб қўйди:

«Ҳаж орзусидаги зиёратчилар Каъбага боришлари мумкин,

Эй Парвардигор! Илоё Каъба биз томонга келсин».

Бу билан Акбар, эхтимол, Кашмирни ҳам зиёратгоҳ кадамжойга тенглаштирмакчи бўлгандир, лекин Ҳамидабону бегим ва Гулбадан учун бу Каъбанинг қадрини пасайтиришга уриниш бўлиб туюлган эди. Шунга қарамай, улар подшоҳ ҳузурига қараб йўлга отландилар. Бироқ уларга водийнинг гўзаллиги, юксак тоғлару нилуфар гуллар билан қопланган қўллар, томлари лолақизғалдоқ ва гулисафсарлар билан безанган ажабтовур ёғоч уйлар, баланд чинорлар, ёғочдан қилинган, устида мажнунтоллар ва сабзавотлар ўсадиган сузиб юрувчи оролчалар, ям-яшил қир-адирлар, моҳ балиқлар билан тўла анҳорларни кўриш насиб этмаган экан.



Ярим йўлда улар подшоҳнинг Кашмирдан Кобулга жўнаб кетгани ҳақида хабар эшитдилар ва қарвонни Кобул томон буриб, ўша ерда Акбар билан учрашдилар ва ўзлари туғилиб ўсган кадрдон жойларни зиёрат қилиб, қўнгиллари анча таскин топди. Гўёки улар бу ерга ўз кадрдонларининг рухлари билан кўришгани келгандек туюларди. Ахир уларнинг яқинларидан бу ерда ҳеч ким тирик қолмаган эди-да. Боғи Вафода мангу ором олиб ётган отаси Бобуршоҳ, аммаси Хонзода бегим, укаси Ҳиндол Мирзолар оламдан ўтган эди. Хойнахой, онаси Дилдор хожи бегим ҳам бу пайтда оламдан ўтган бўлиши керак. Бу фоний дунёни тарк этганларни эслайдиган икки-уч кекса қолган эди, холос.

Гулбадан болалигини ёдга олиб, шаҳарни яна бир айланиб чиққан, йўл-йўлакай варрак учираётган болаларни, қаптарларнинг парвозини қувониб кузатган, одамларнинг суҳбатларига кулок тутиб, ўзининг кадрдон шеvasини эслаб қулимсираган бўлса, ажаб эмас. Анчагина кексайиб қолганиданми, фирллаб эсаётган афғон шамоли энди унга совуқ туюларди. Шу боис, Гулбадан Ҳамидабону қарвони билан подшоҳ ортидан Агра томон йўлга чиқар экан, Кобулга қилган зиёратидан қўнгли хийла таскин топган эди.

Бироқ Аграда уни нохуш бир хабар кутиб турарди. Бу хабар унинг бошига нафақат ташвиш, балки оиласи шаънига иснод ҳам келтирди. 1594 йилда подшоҳ зарбхонасининг бир неча хизматчилари ҳибсга олинди. Улар орасида Гулбаданнинг невараси, яъни кизининг ўғли Муҳаммадёр ҳам бор эди. Давлат хазинасидан катта миқдорда маблағ ўғирланган эди. Бах-



ти қароликни қарангки, Муҳаммадёр бир неча шериклари билан тоққа қочиб яширинган экан. Подшоҳ одамлари ўғриларнинг изидан қувиб, уларни қўлга олишди. Улар ўғирлаган моллар ичида ўн тўрт бўлак ёқут, сара дурдан терилган маржон, турли хил тақинчоклар, нақш ишланган заргарлик буюмлари, зарбоф тўнлар ва бошқа анчагина қимматли моллар бор эди. Жиноятчиларнинг кўплари қатл этилди. Лекин Муҳаммадёрнинг тақдири нима кечгани хақида маълумот йўқ. Эҳтимол, бувиси подшоҳдан унинг гуноҳини сўраб, ҳаётини сақлаб қолгандир. Лекин Гулбаданга қолса, иснод билан тирик юргандан кўра унинг ўлгани маъқул эди. Буни ҳалол ва покдомон Гулбадан бегимнинг феъл-атворидан тушуниб олса бўлади.

Бир сафар Гулбаданга аразлашиб қолган подшоҳ ота билан ўғил шахзода орасида воситалик қилиб уларни яраштиришга, сулоланинг кекса онахони сифатида Ҳамидабону билан бирга шахзода Салимнинг гуноҳини кечиритишни Акбардан сўраб боришига тўғри келди.

Ўғиллари ўсиб вояга ета борган сари уларнинг хурмача қилиқлари подшоҳни ранжитар ва улардан ҳафсаласи пир бўларди. Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в)нинг олий насаб умматларидан бўлмиш бобурий шахзодалар учун ичкилик ичиш ва гиёҳвандлик қилиш анчадан буён одат тусига кириб қолган эди. Ичкиликнинг «ҳаёт оғу»си эканини Бобур бир неча бор таъкидлаган. У шароб ичишдан воз кечиб, май ичиладиган «олтин ва қумуш жомларни синдириб, уларни мустаҳиқ ва дарвешларга улашиб бериш» хақида фармон бергани тарихда яхши маълум. Ушанда фармони олийга биноан мешлардаги шароблар ерга




тўкилиб, қолган бир қисмига туз ташлаб, сиркага айлантирилган эди.

Акбар бундай ножўя одатлардан холис эди. Подшоҳнинг уч нафар шахзода ўғиллари орасида энг суюклиси Дониёл бўлиб, у ичкиликка шунчалик мукасидан кетган эдики, бир куни у нақд отасининг кўз олдида ўлишига бир баҳя қолган эди. Бир неча йил давомида уни ичикликдан қайтариш учун қилинган барча уринишлар зое кетди.

Шахзода Мурод дастлаб бобокалони Бобуршоҳнинг ҳарбий маҳоратини мерос қилиб олгандай кўришиб, отасини мамнун этди-ю, лекин муттасил ичкилик ичиш оқибатида офир рухий касалликка мубтало бўлиб, йигирма тўққиз ёшида оламдан ўтди.

Кейинчалик отасининг тахтига ўтиргач, ўзини Жаҳонгиршоҳ деб эълон қилган шахзода Салим эса, ичкиликка шу даражада берилган эдики, ўзининг мақтаниб айтишича, бир кунда қирқ тўққизта қадахни тўлдириб май ичган экан. У ҳам турли хурмача қилиқлари билан Акбарни кўп куйдирган эди. Гоҳ отасининг буйруғига қулоқ қокқан, гоҳ унга қарши исён кўтарган, гоҳ эса подшоҳлик мулкани ўзиники қилиб, тахтни эгаллаб олган ҳам шу катта ўғил, шахзода Салим эди. У истараси йўқ, кўримсиз йигит бўлиб, юз-кўзи ичкиликдан салқиган, жиззаки, ҳеч нарсадан тап тортмайдиган бўлиб етишди. Унинг бемаза хатти-ҳаракатларидан безор бўлган Акбар ҳатто уни бир сафар Оллоҳободга сургун қилди ҳам. Натижада, тахт Салимнинг катта ўғли шахзода Хусравга ёки унинг укаси, Акбарнинг суюкли невараси шахзода Хуррамга тегадиганга ўшаб қолди. Бироқ Салим тўнғич




ўғли Хусравнинг тахтни эгаллаб олишидан хавфсираб, унга доимо ҳасад ва ғанимлик назари билан қарар эди. Чунки қадимдан ўрнатилган анъанага кўра, тўнғич ўғил — валиаҳд сифатида тахт Салимга тегиши лозим эди. Сарой аёллари Салимнинг хурмача қилиқларини эркаликка йўяр ва унинг салбий хислатларига кўз юмиб, Акбар ўз такаббурлиги билан шахзодаларга қаттиққўллик қилиб, уларнинг кўнгилларини чўктиряпти, деб ҳисоблашарди. Шу боис Ҳамидабону бегим билан Гулбадан ўз билганларидан қолмай, Акбарга тазйиқ ўтказиб, шахзода Салимнинг гуноҳидан ўтишга мажбур қилишди.

Бундан олтмиш йил аввал Ҳумоюннинг ёшгина келинчаги бўлган Ҳамидабону бегим эндиликда бобурийлар салтанатининг катта нуфуз ва таъсир кучига эга сиймоларидан ҳисобланарди. Гулбаданбегим ҳам салтанат асосчисининг севимли қизи сифатида подшоҳ томонидан кўплаб совға-саломлар, катта миқдорда нафақа пули ҳамда қимматбаҳо дуру гавҳарлар билан сийланиб турарди.

Ҳамидабону бегим ўз уйида шахзодаларнинг тўйлари, неварачевараларининг туғилган кунлари муносабати билан турли базм ва зиёфатлар уюштириб, ҳар бир маросимга ўзи бош-қош бўларди. Шунинг учун ҳам у подшоҳ ўғли билан шахзода неварасини яраштириб, муросага келтириш учун энг мақбул шахс саналарди.

Тез орада саройнинг юқори мартабали аъёнларидан бири Салимни Оллоҳободдан олиб келиш учун юборилди. Шахзода баджаҳл отаси ҳузурига келишдан бир оз чўчиди, бироқ уни отаси даргоҳига келиб,




узр сўрашга кўндирдилар. Бу ишда ҳам Ҳамидабону бош-қош бўлди ва уни «етаклаб келиб, подшоҳнинг муборак пойлари остига йиқилиб, афв сўрашга ундади». Подшоҳ отаси ҳам бунга бепарқ қараб туролмади, жойидан туриб, «меҳрибонлик» билан ўғлининг кўлидан тутиб, уни ўрнидан турғазди. Саховатли шаханшоҳ кўрқиб кетган ўғлининг кўнглини кўтариш учун ўз бошидан салласини олиб, шахзода Салимининг бошига кийдириб қўйди. Бу марҳамат отаси уни нафақат кечиргани, балки уни тахт вориси сифатида тан олганини ҳам ифода этар эди.

Шу тариқа бобурийлар сулоласининг аслзода аёллари ўз саъй-ҳаракатлари билан яна мавжуд сиёсий вазият устидан ғалаба қозониб, тарих ғилдираги йўналишини тўғрилаб қўйдилар.

* * *

Гулбадан умрининг сўнгги йиллари фақат ғам-ташвишдан иборат бўлмади. Ҳамидабону бегимнинг унга нисбатан хурмат-эътибори юқори бўлиб, уни ҳамиша эъзозларди. Гулбаданнинг атрофида суянса бўладиган садокатли инсонлар ҳам кўп эди. Саройдаги бирон-бир тантанали маросим, базм ва зиёфатлар унинг иштирокисиз ўтмас эди.

Афтидан, Гулбадан гувоҳи бўлган охирги воқеалардан бири шахзода Салим ва унинг тўнғич ўғли Хусрав ўртасида бўлиб ўтган филлар жанги эди. Бундай қонли филлар жанги Агра қалъаси деворлари остида бўлиб ўтар ва уларни сарой аҳли ҳам ўз кўшкларида ўтириб, деразадан томоша қилардилар. Фил жанглари Акбарнинг иштирокисиз бўлмас эди.




Филлар асосан ювош ва ақлли жониворлардир. Масалан, Акбар Фотехпур Секрида турган пайтида унинг «жазони ижро этувчи» фили бўларди. У жуда ақлли бўлиб, ҳакамлар гуноҳкор деб топиб, жазолаш учун фил оёғи остига ташлаган ҳолларда, агар айбланувчи аслида бегуноҳ бўлса, фил уни хартуми билан туртиб четга сурар ва оёғи билан топтамас эди.

Уруш пайтида жангчи филлар ўзини бошқача туртарди; улар душман устига юриш қилишга ўргатилган бўлиб, узун тишлари, оғир оёқлари билан ҳужумга кирарди. Бундан ташқари, жанг олдидан филларга маст қилувчи гиёҳванд моддалар бериб, қутуртириларди. Филбонлар филларни бошқариш учун калта ва ўткир санчкидан фойдаланишарди. Баъзан милтиқ ва тўпларнинг гумбурлашидан филлар чўчиб кетарди. Агар филбон фил устидан ногаҳон тушиб кетгудай бўлса, ёки филнинг йўлида бирон кимса тасодифан пайдо бўлиб қолса, шу захотиёқ фил хартуми зарбасидан ёки унинг оёқлари остида мажакланиб кетиши мумкин.

Абулфазл 1602 йилда, ўзининг фожиали ўлимидан бир оз муддат аввал яқунлаган «Айни Акбарий» асарида ана шу фил жанги ҳақида сўз юритади.

Худонинг раҳмдиллиги шу қадарки, Акбар Абулфазлнинг ўлимини ўғли шахзода Салим уюштирганидан хабарсиз қолди. Акс ҳолда, воқеалар бутунлай бошқача кечган бўлармиди. Салимнинг назарида Абулфазл унинг ворислик ҳуқуқини гўёки бошқа одамга олиб бериш ҳақида подшоҳга маслаҳат бераётгандай, шу тариқа унинг тахт сари интилишига тўсиқ бўлаётгандай туюларди. Шу боис подшоҳ фармонига биноан




Деккон ўлкасига қилган юришдан қайтаётган Абулфазл йўлига пистирма қўйиб, уни ўлдиришни Салим отасидан яширинча тарзда ўзининг яқин дўсти бўлмиш Орча вилояти рожасига топширган эди.

Гарчанд Абулфазл бу пистирмадан воқиф қилинган ва ундан қочиш қутулиш имконияти мавжуд бўлса ҳам, у душман билан юзма-юз жанг қилишни маъқул кўрди ва бу тенгсиз жангда мардларча ҳалок бўлди. Бу жирканч иши учун мўмай хизмат ҳақи олган Орча вилояти рожаси Абулфазлнинг танасидан жудо қилинган калласини буюртмачи Салимга келтириб берди. Салим эса Абулфазлга нисбатан охириги қабихлигини қилиб, унинг бошини ҳожатхонага ташлаттирди.

«Салимнинг Гиранбар деган фили бўлиб, отасининг филхонасидаги сараланган филлар билан барабар олишишга яроқли деб ҳисобларди», деб ёзади Абулфазл. Шахзода Хусравнинг ҳам Абруп деб аталадиган жангчи фили бўлиб, уни Гиранбардан кучлироқ, деб ҳисоблашарди. Ушбу баҳсларга чек қўйиш пайтида Акбар ҳар иккала филни жангга туширишга буйруқ берди. Ўзи эса қароргоҳи болохонасида набираси Хуррамни ёнига олиб ўтириб, филлар жангини томоша қилди. Сарой аёллари ҳам, шубҳасиз, парда ортидан бу жангни томоша қилган бўлишлари керак. Салим билан Хусрав жанг майдонида отда туришар, зарур бўлган тақдирда ёрдам кўрсатиш учун яна бир фил ҳам захирада сақлаб туриларди.


Жанг якунида Гиранбар Абруп устидан ғолиб келди. Абруп қаттиқ ҳаракат қилгани учун захирадаги фил ўртага чиқди. Аммо Салимнинг одамлари хоинлик қилиб уни тошбўрон қилишди, филбон ҳам яра-



ланди. Шу захотиёқ шахзода Хусравнинг одамлари ҳам ўртага чиқиб, ўз эътирозларини билдиришди. Ўртада ҳамманинг кўз ўнгида жанжал кўтарилди. Бу жанжални бостириш учун Акбар невараси Хуррамни жўнатди. У ёш бўлишига қарамай, жанжаллашаётган отаси билан акасини мурасага келтиришга эришди. Жанг қилаётган филларни эса мушаклар ёрдамида чекинтиришга ҳаракат қилиб кўрди. Лекин улар жуда қутуриб кетишганидан ўзларини Жамна дарёсига отдилар. Бу ҳолдан Акбар каттиқ ранжиди. Ниҳоят, Хусрав подшоҳ бобоси ҳузурига келиб, отаси Салимни кулоқ эшитмаган дағаллик билан ҳақоратлади. Ичбуруғ касаллиги хуруж қилиб қолган Акбар ўзини ичкарига олишга мажбур бўлди. Бу ҳасталик охиروқибатда Акбарнинг ўлимига ҳам сабаб бўлди.

Ота-бола орасига тушган совуқчиликдан сарой хонимлари бир оз ранжиган бўлсалар ҳам, бу можародаги тутган ўрни, салобати, шахдам қадамларини кўриб, улар шахзода Хуррамдан мамнун бўлдилар. Унинг ҳаракатларини фахр билан кузатиб турган Гулбадан Хуррам сиймосида отаси асос солган, Хумоюн бой беришига бир баҳя қолган, Акбар эса уни қудратли салтанатга айлантирган бобурийлар сулоласининг муносиб давомчисини кўз олдига келтирган бўлса, ажаб эмас. Дарҳақиқат, кейинчалик акаси шахзода Хусравнинг бевақт вафот этиши боис, Хуррам бобурий подшоҳларнинг бешинчи авлоди — Шоҳ Жаҳон номи билан бутун дунёга танилди.

Албатта, Гулбаданга шахзода Хуррамни ҳукмдор сифатида кўриш, унинг хайрли ва оламшумул ишларидан ғурурланиш насиб этмади. 1603 йилнинг фев-




раль ойда, Англия кироличаси Елизавета I вафот этган йилда, саксон ёшида Гулбадан бегим ҳам безгак касали таъсирида бу фоний дунёни тарк этиб, бокий дунёга равона бўлди. Ҳамидабону бегим Гулбаданнинг сўнги дақиқаларигача у билан бирга бўлди. Атрофидаги қариндош-уруғ ва яқинлари бу оқила ва аслзода аёлни охириги йўлга кузатиб қўйишди.

Кўзларини юмиб ётган Гулбаданнинг қулоғига Ҳамидабону бегим ўзи севиб, эркалаб айтадиган «Окажон» сўзини шивирлаганда, Гулбадан кўзларини аста очиб, «Жиу» деб пичирлади. Бу табаррук, доно бир аёлнинг кичик синглисига билдирган дил изхори ёки эзгу дуоси эди. «Мен кетаяпман. Илойим, сиз узок яшанг», деди Гулбадан. Бу унинг энг сўнги сўзлари бўлди.

Жаҳон тарихидаги энг буюк салтанатлардан бўлмиш бобурийлар салтанатининг зебо ва оқила вакиласи, катта ақл-идрок ва ноёб истеъдод эгаси Гулбадан бегимнинг номи жисми каби изсиз ўчиб кетмади. Вафотидан кейин Ҳамидабону бегимни «Мариям маконий» деб улуғладилар. Гулбадан эса, ўз номи билан тарихда абадий қолди: Малика Гулбадан бегим.

Унинг дафн маросимида Акбар ўзи шахсан иштирок этди, бир фарзанд каби унинг табаррук тобутини елкасида анча жойгача кўтариб борди...





МУНДАРИЖА

Ноёб тарихий асар	3
I қисм. Бобуршоҳ даври	5
II қисм. Бобуршоҳ	49
III қисм. Хумоюн ҳукмдорлиги даври	77
IV қисм. Акбар ҳукмдорлиги даври	129

РУМЕР ГОДЕН

ГУЛБАДАН

*Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг қизи
малика Гулбадан бегим шахсига чизгилар*

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2007

Нашриёт муҳаррирлари: *А. Аҳмедов, М. Сапаров*

Бадий муҳаррир *А. Мусахўжаев*

Техник муҳаррир *Д. Габдрахманова*

Саҳифаловчи *Л. Бацева*

Мусахҳихлар: *Н. Охунжонова, М. Зиямуҳамедова*

Босишга рухсат этилди 5.02.2007. Бичими 70x100¹/₃₂. Петербург гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табағи 6,43. Нашриёт-ҳисоб табағи 6,9. Адади 5000 нусха. Буюртма № 3381. Баҳоси келишилган нарҳда.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмаҳонаси.
100083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.**